


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АБЛАТ ХОДЖАЕВ
ДИЛРАБО ТУРДИЕВА



**ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ
ТАРИХИ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА**



Тошкент – 2021
«Fan ziyosi» нашриёти

КВК: 84. 5(Ўзб)2

УО'К: 152(28+51)20

Аблат Ходжаев, Дилрабо Турдиева. **Қорахонийлар хоқонлиги тарихи Хитой Халқ Республикаси олимлари тадқиқотларида.** –Тошкент, «Fan ziyosi» нашриёти, 2021. – 148 б.

1980 йилда Қорахонийлар давлати тарихини шакллантириш Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Шинжян-Уйғур автоном ўлкасидаги энг йирик ўқув юрти ҳисобланган «Шиньжянг университети» қошидаги Тарих факультетининг илмий тадқиқот режасига киритилган эди. Шу вазифани амалга ошириш доирасида хитой тилида ва араб алифбосига асосланган уйғур тилида қатор асарлар нашр этилди.

Ўзбекистон ёш олимлари томонидан ушбу 372 йилга яқин вақт давомида минтақамизда мавжуд бўлган ҳамда дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшган йирик давлат тарихига бўлган қизиқишининг ортиб бораётганлиги ва шу сабабли унга оид тадқиқотлар – илмий мақолалар ва диссертацияларнинг сони кўпайганлигини инобатга олиб, мазкур асар орқали қорахонийлар сулоласи тарихига оид ХХР олимлари асарларининг мазмун-моҳияти, бу қадимий давлатга бўлган қарашлар ҳамда уларда келтирилган қизиқарли маълумотлар билан тарихчи олимларимиз, ёш тадқиқотчиларимиз ва ватанимиз тарихига қизиққан китобхонларимизни таништиришни мақсад қилиб олдик.

Асар илмий ходимлар, тадқиқотчилар, ўқитувчи ва талабалар ҳамда кенг доирадаги китобхонлар учун фойдалидир.

Масъул муҳаррир: Д.Ю. Юсупова – академик.

Таҳрирчилар: Г. С. Джумаева – педагогика фанлари номзоди.
Х.Абдурасулов – илмий ходим.

Тақризчилар: Ш. Қўлдашев – тарих фанлари номзоди.
Р. Худойбергенов – тарих фанлари бўйича фальсафа доктори (PhD).

ISBN 978-9943-709-90-4

© «Fan ziyosi» нашриёти, 2021

К И Р И Ш С Ў З И

Мустақиллик шарофати билан юзага келган имкониятлар халқимизнинг ўзини ўзи англашни, миллий ғоя ва тафаккурини шакллантиришни, бунинг учун зарур бўлган барча омилларни, жумладан ўз тарихимизни, халқаро муносабатлар ўтмушида тутган ўрнимизни чуқур ва атрофли ўрганишни тақозо этмоқда.

Атрофдаги қўшни мамлакатларда, хусусан жадал суръатлар билан ривожланаётган Хитой Халқ Республикаси¹ (ХХР)да амалга оширилаётган ватанимиз тарихига алоқадор тадқиқотларни ва уларнинг натижаларини ўрганиш Ўзбекистон тарихчилари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Зеро ХХРда 1978 йилда бошланган иқтисодий ислоҳотлар бошланган даврида Марказий Осиё тарихини ўрганишга катта эътибор берилди. Давлат томонидан грантлар ажратилди. Буларни бажариш натижасида юзага келган ХХР олимларининг тадқиқотлари хитой ва уйғур тилларида² нашр этилди.

Маълумки, Ўзбекистон тарихининг салмоқли бир қисмини, яъни 372 йилга яқин даврини Қорахонийлар хоқонлиги (840-1212) тарихи ташкил этади. Бинобарин, ушбу давлат даврида Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар юз берган. Минтақанинг яхлит бир сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳудудга айланиши, ички

¹ Хитой Халқ Республикаси (ХХР) атамаси 1949 йил 1 октябрдан жорий этилган. Уни ўзбек ва рус тилларига ўрнашиб қолган норасмий топоним ҳисобланадиган «Хитой» билан тенглаштирган ҳолда ишлатиб бўлмайди.

² Уйғур тили ўзбек тилига энг яқин тил ҳисобланади. Уни ўзбек тилининг бир шеvasи деб ҳисоблаш ҳам хато бўлмайди. Бироқ уйғур тили ёзуви бироз ислоҳ қилинган араб алифбоси асосида сақланиб қолган. Бу ёзувни билган ўзбеклар бемалол ўқиши ва тушуниши мумкин.

ва халқаро савдо йўлларининг хавфсизланиши ҳамда ривожланиши бу юксалишнинг асосий омилларидир. Айнан шу хоқонлик даврида Абу Наср Фаробий (870-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Маҳмуд Кошғарий (1008-1105), Юсуф Хос Ҳожиб (1018-1085) каби жаҳон илму-фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган буюк олимлар яшаб, ижод қилганлар.

Қорахонийлар хоқонлиги кучайган даврида унинг худуди Шарқий Туркистондаги Торим воҳасининг ўрта ва ғарбий қисми, Или водийси, Балхаш кўлининг жануби, Чу дарёси ва Иссиқкўл атрофи, Мовароуннаҳрнинг шарқий қисми, жумладан Фарғона водийси каби жойлардан ташкил топди. Давлатнинг пойтахти аввалига Боласағун, кейинчалик Кошғар (ҳозирги замон уйғур тилида Қашқар)³ бўлди. Шу даврда Марказий Осиё минтақасининг яхлитликка келиши, унда умумий иқтисодий муҳитнинг шаклланиши, ички ва халқаро савдо йўллари хавфсизлигининг таъминланиши ва савдо алоқаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Аммо Қорахонийлар давлатининг 11-чи хоқони Сулаймон Арслонхон (Сулаймон бинни Юсуф – 1032-1040) даврида ҳукмдор сулоласи, шарқий ва ғарбий қорахонийлар сулолалари каби икки қисмга бўлиниб кетган. Бу ҳолат халқаро савдо алоқаларнинг ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатган.

Шарқий қорахонийлар давлатининг худудига Еттисув, Или водийси, Қашқар ва Хўтан вилоятлари, Фарғона водийсининг шарқий қисми кирган. Ғарбий қорахонийлар

³ Кошғар топоними VIII асрда пайдо бўлган. Ундан олдин ушбу шаҳар Ўрдукент деб ҳам номлаган. Қадимги хитой манбаларида у Сули, Сулэ, Шулэ шаклида учрайди. Этимологик жиҳатдан ушбу хитойча атамалар *серсув*, *сувлик* сўзининг транскрипцияси ҳисобланади [Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 107-б.].

давлатининг ҳудудига эса Мовароуннаҳр ва Фарғона водийсининг ғарбий қисми кирган. Булар орасидаги чегара одатда Хўжанд дарёси ҳисобланган. Лекин уларнинг кучайиши ва заифлашиши туфайли ушбу чегара ўзгариб турган. Ғарбий Қорахонийлар хонлигининг пойтахти Самарқанд бўлган.

Шарқий Қорахонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Муҳаммадхон - III (Муҳаммад бинни Юсуф – 1205-1212) бўлиб, у 1212 йилда беклар томонидан ўлдирилган. Ғарбий Қорахонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Усмон Буғрохон (Усмон бинни Иброҳим – 1204-1212) бўлиб, у қайнотаси Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан ўлдирилган. Шунинг билан Ғарбий қорахонийлар хонлигига яқун ясалган.

Қорахонийлар сулоласи тарихини ўрганиш Ўзбекистон тарихнависида ҳамон долзарб масала бўлиб келмоқда. Зеро, мазкур хоқонлик тарихининг ватанимиз адабиётида ёритилиши даражасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, унинг мунозарали, ечимга муҳтож саволлари кўп. Хонликни ташкил қилган қабилалар, унинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, сулоланинг насабномаси, хоқонликнинг ҳудудий доираси, унинг Хитой билан бўлган алоқалари, хитой манбаларидаги унга оид маълумотларнинг таҳлили каби масалалар шулар жумласидандир.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида ХХРда Қорахонийлар сулоласи тарихини ўрганиш кучайган. Айрим университетларнинг, жумладан Урумчи шаҳрида жойлашган «Шинжян⁴ университети»нинг тарих факультети қошида

⁴ Шинжян (русча транскрипцияда Синьцзян) сўзи 1760 йилда пайдо бўлган бўлиб, у янги чегара ёки янги ҳудуд маъносини англатади. Қадимги хитой манбаларида Шиту (рус тилида Ситу 西土 – Ғарбий замин) ва Шиюй (Сиюй 西域 – Ғарбий ҳудуд, Ғарбий замин, Ғарбий юртлар, Ғарбий мамлакатлар) деб номланган. XVI-

Қорахонийлар сулоласи ва давлати тарихини ўрганиш гуруҳлари ташкил қилинган. Бу гуруҳлар амалга оширган изланишларнинг натижаларини ўрганиш, уларни Ўзбекистон илм аҳлига таништириш ва илмий муомалага киритиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли бизнинг имкониятларимиз доирасидаги мавжуд хитой ва араб алифбосига асосланган уйғур тилларида нашр этилган бир қатор асарларни таҳлил қилишни ва уларнинг натижаларини тарихчиларимиз ва кенг китобхонлар оммасига тақдим этишни лозим топдик.

Хитой тилида нашр этилган Қорахонийлар давлати тарихига оид яхлит асар Нанкин университети профессори Вэй Лянктао (魏良弢)⁵ қаламига мансуб, у 1986 йилда Урумчи шаҳрида нашр этилган «Калахан вангчао шигао» (喀喇汗王朝史稿 – «Қорахонийлар сулоласининг қисқача тарихи») номли монография (249 бет) ҳисобланади. Бундан кейин чоп этилган Марказий Осиёнинг умумий тарихига оид қатор асарларда ушбу давлат ҳақида қисқача тўхтаб утилган.

Изланишларимизга асос қилиб олинган замонавий уйғур тилида (араб алифбосида) нашир этилган асарлар қуйидагилардан иборат.

1) 1987 йилда Пекинда нашр этилган хитой олими Лю Чжишяо (Liu Zhixiao)нинг икки жилдли «Уйғур тарихи» (умумий ҳажми 1208 бет),

XVII асрларда битилган форсийзабон қўлёзмаларда Уйғурия, Уйғуристон, рус ва ғарб адабиётида Восточный Туркестан (Шарқий Туркистон), Туркия адабиётида Дўғи Туркистон деб аталган.

⁵ Вэй Лянктао Тошкентга икки марта келиб кетган, туркий тиллардаги манба ва адабиётлар билан ишлаш имкониятига эга. Ҳозир Нанкин (Nanjing 南京 – жанубий пойтах) университетининг профессори. Илгари Урумчи шаҳридаги «Шинжянг университети» тарих факультетида ишлаган.

2) 1989 йилда Урумчи шаҳрида чоп этилган уйғур тарихчиси Турағун Олмаснинг «Уйғурлар» (841 бет) асари,

3) 1991 йилда Пекинда нашр этилган Анвар Байтур ва Хайринисо Сидиқларнинг «Шинжянгдаги миллатларнинг тарихи», (уйғурча тараффузда: «Шинжянгдики миллатларнинг тарихи», 1317 бет),

4) Ухан университети профессори Ванг Чжилай (Wang Zhilai – илгари Урумчи шаҳрида жойлашган «Шинжянг университети»да ишлаган) томонидан ёзилган ва хитойчадан уйғур тилига таржима қилиниб, 2000 йилда Урумчида чоп этилган икки жилдли «Ўрта Осиё тарихи» (уйғурча тараффузда: «Ўттура Асия тарихи»)нинг биринчи жилди (471 бет),

5) Вэй Лянгтаонинг юқорида кўрсатилган хитой тилида чоп этилган «Калахан вангчао шигао» асарининг уйғурча таржимаси ҳисобланмиш 2000 йилда Қашқарда нашр этилган «Қорахонийлар тарихидан баён» (уйғурча тараффузда: «Қорохонийлар тарихидин боён», 358 бет),

6) 2000 йилда Урумчи шаҳрида чоп этилган Лин Ган ва Гао Зиху (Lin Gan, Gao Zihou)лар қаламига мансуб «Қадимги уйғурлар тарихи» (уйғурча тараффузда: «Қадимқи уйғурлар тарихи», хитойчадан таржима, 660 бет),

7) 2001 йилда Урумчида Ҳожи Нурхожи томонидан нашр этилган «Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар» (494 бет),

8) 2006 йилда шу шаҳарда чоп этилган «Уйғуларнинг қисқача тарихи» (712 бет).

Китобимиз мавзусининг асосий мазмунига ўтишдан аввал таъкидлаш жоизки, жаҳон адабиётидаги анъанага кўра, Марказий Осиё тушунчаси анча кенг бўлиб, унга Туркистон (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон), Шарқий Туркистон (ҳозирги Шинжянг-Уйғур автоном райони), Тибет, Монголия, шимолий Афғонистон ва Эроннинг шарқий қисми кирган. Собиқ Совет иттифоқи тугатилганидан кейин Тожикистон,

Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон раҳбарлари келишиб, илгари ишлатилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» атамаси ўрнига ушбу республикалар худудини яхлит бир ном билан аташ мақсадида уни Марказий Осиё республикалари, деб муомалага киритиш ҳақида қарор қабул қилинган⁶. Чунки собиқ Иттифок даврида жорий этилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» атамаси бундай яхлитликни мазмунан таъминлай олмас эди. Шундан кейин илмий адабиётларда мазкур республикалар худуди «Марказий Осиё» дейиладиган бўлди. Шунинг учун биз Марказий Осиё атамасини Туркистоннинг синоними сифатида ишлатишни ва уни кенг маънода қўллаш зарур бўлганда, унинг олдида буюк ёки катта сўзини қўшиб ишлатишни лозим топдик. Сўнги 30 йил давоми ХХРда нашр этилган тарихий ва сиёсий адабиётларида янги мазмундаги Марказий Осиёга нисбатан «Чжунъя» (Zhongya 中亚), Марказий Осиё республикалари сўзига нисбатан эса «Чжунъя угуо» (Zhongya wuguo 中亚五国) атамалари ишлатилмоқда.

Яна бир таъкидлаб ўтишга молик масала шуки, илгари хитойча иероглифларни транскрипция қилишда асосан рус тили адабиётда қабул қилинган шакллардан фойдаланиш одатга кириб қолган. Ушбу китобимизда бу услубдан фойдаланмасдан кириллга асосланган ўзбек ёзувида транскрипция қилишни лозим топдик. Масалан «шя» (夏, 下, лотин алифбосига асосланган хитойча транскрипцияда «xia») ўқиладиган ва ҳар хил шаклда ёзиладиган 80 тага яқин иероглиф русча-хитойча луғатларда «ся» деб транскрипция қилинган. Хитой адабий тили нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу бироз бузилган талаффуз ҳисобланади. Хитойча луғатларда мазкур иероглифлар лотин ёзувига асосланган транскрипцияда «xia» шаклида ифодаланган. Бундаги «х» ҳарфи ўзбекча «ш»га тўғри

⁶ Бу ҳақда қаранг: *Ходжаев А.* Китайский фактор в Центральной Азии. Тошкент, 2020. 11-12-б.

келади. Шуни ҳисобга олиб, биз «xia»ни «ся» шаклида ишлатишни лозим топдик. Чунки бу хитойча талаффузга аниқ мос келади.

Аммо келтирилган мисоллар билан биз хитой тилидаги барча иероглифларнинг ўқилишини амалдаги кирилл алифбосига асосланган ўзбек ёзувида тўла ва аниқ ифода қилиш мумкин, демоқчи эмасмиз. Чунончи, ўзбек ёзувида «ы» товуши бўлмаганлиги туфайли «зы», «сы», «цы» «шы» ўқиладиган иероглифларни «зи», «си», «ци» «ши» шаклида ёзишга тўғри келади. Кирилл ёзувида асосланган ўзбекчада «ü» ҳарфи бўлмаганлиги туфайли «shü», «yü», «jü» каби иероглифлар «шюй», «юй», «жюй» шаклида охирига «й» ҳарфини қўшиб транскрипция қилинди. Хитой тилидаги «zhi» 智, «zhang» 长, «zhong» 种, «zhan» 展, «guo» 国 ўқиладиган иероглифлари ҳам ўзбекча кирил ёзувида аниқ транскрипция қилиш қийин бўлган сўзлар ҳисобланади. Булар китобимизда «чжи», «чжанг», «чжуонг», «чжан» «гуо» шаклида ёзилди.

Яна бир таъкидлаб ўтишга молик масалаки, ер майдони (1646,9 минг км га тенг) Ўзбекистон ҳудудидан 4 баробарга яқин катта бўлган Шарқий Туркистон 1955 йил биринчи октябрдан бошлаб хитойча «Шинжянг вэйуэр зичжичюй» (新疆维吾尔自治区) деб номланган бўлиб, уни уйғур тилига «Шинжянг-Уйғур автоном райони» деб таржима қилган. Хитой тилидаги чюй (区) иероглифи *туман*, *минтақа* маъноларида ишлатилади. Рус тилидан ўзбекчага ўтган *район* сўзи эса *туман* маъносига эга. Шунинг учун ушбу асарларимизда *район* ўрнига *ўлка* сўзи ишлатилди. Мазкур минтақанинг хитойча янги номидаги «Шинжянг» (Янги ҳудуд, Янги замин, Янги чегера) сўзини русчада «Синьцзян» деб талаффуз қилинган бўлиб, бу одат ўзбек тилига ҳам кириб келган. Ушбу китобимизда мазкур топонимнинг русча шакли ишлатилмади.

1-БОБ. ХХР ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1. Қорахонийлар хоқонлиги тарихига оид хитой ва уйғур тилларида нашр этилган асосий асарлар

Мазкур китобимиз устида иш олиб бориш жараёнида ўрганилган адабиётларнинг мазмунига кўра, 1980 йилга қадар ХХРда Қорахонийлар хоқонлиги тарихи махсус тадқиқот мавзуси бўлмаган. Унга оид маълумотлар фрагментар характерга эга бўлиб, баъзи асарларда айрим боб ёки параграф сифатида баён этилган. Уйғур тилида ҳам ушбу тарихга бағишланган асар нашр этилмаган.

1978 йилда ХХРда бошланган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки даврида ХХР ҳукуматининг тарихни, айниқса Марказий Осиё тарихини ўрганиш ҳақида қабул қилган қарори Қорахонийлар давлати тарихини ўрганишга катта йўл очиб берди. Ушбу қарорга биноан 1980 йилда мазкур минтақа тарихни ўрганиш масаласи «Шинжянг университети» доирасида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар режасига киритилган ва бу вазифани амалга ошириш университетнинг тарих кафедрасига юкланган. Лойиҳага илмий раҳбарлик қилиш вазифаси профессор Вэй Лянгтаога топширилган ва унга бир қатор тадқиқотчилар ҳам жалб қилинган.

Хитой олими Вэй Лянгтаонинг ёзишича, 1983 йилда у Қорахонийлар хоқонлигига оид хитой тилида ёзган тадқиқотини тугатган ва уни 1986 йилда Урумчи шаҳрида «Калахан вангчао шигао» («Қорахонийлар сулоласининг

қисқача тарихи»)⁷ номи билан нашр этган. Ундан олдин олим шу мавзу доирасида бир қатор мақолалар ҳам эълон қилган.

Уйғур тилида Қорахонийлар хоқонлигига оид нашр этилган тадқиқотларни хронологик тартибда таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи навбатда 1987 йилда Пекинда чоп этилган хитой олими Лю Чжишяонинг икки жилдли «Уйғурлар тарихи» номли асарини тилга олишимиз керак. Ушбу тарихнинг 6-боби (285-376 бетлар) мазкур хоқонлик тарихига бағишланган. Унда муаллиф хоқонликнинг ташкил топиши, ривожланиши, ҳудудий кенгайиши, шарқий ва ғарбий каби икки қисмга бўлиниб кетиши, улар орасидаги муносабатлар, хоқонликнинг маъмурий тузуми, иқтисодий ва маданий ривожланиши, ислом динининг Қорахонийлар томонидан қабул қилиниши каби масалалар устида фикр юритган.

ХХР Шинжян-Уйғур мухтор ўлкасининг биринчи раиси бўлган Сайфиддин Азизийнинг «Уйғурлар тарихи»га ёзган кириш сўзида айтилишича, Лю Чжишяо уйғур тилини яхши билган ва туркий тиллардаги адабиётлардан мукамал фойдаланган. Шунинг билан бирга у хитой манбаларидаги мазкур хонликка оид маълумотларнинг бир қисмини илмий муомалага кири-тишга муяссар бўлган. Асар дастлаб хитой тилида битилган, сўнгра уйғур тилига таржима қилинган.

Хронологик жиҳатдан олганда, Қорахонийлар хоқонлигига оид учинчи тадқиқот уйғур тарихчиси Турағун Олмас томонидан амалга оширилган. Мазкур тадқиқот натижаси 1989 йилда Урумчи шаҳрида чоп этилган «Уйғурлар» номли йирик асарнинг (840 бет) 10-16 бобларида (416-680-б.) жойлаштирилган. Муаллиф ўз тадқиқотида хитой ва туркий тиллардаги манба ва

⁷ *Вэй Лянгао*. Калахан вангчао шигао (Қорахонийлар сулоласининг қисқача тарихи). Урумчи, 1986. 249 бет.

адабиётлардан кенг фойдаланган ва Лю Чжишяо тадқиқотларида зикр этилган масалалар устида тўхталиб, уларни янада кенг ва чуқурроқ ўрганган, янги маълумотлар билан тўлдирган ва кўп масалалар юзасидан ўзининг мустақил фикрларини баён этган.

1991 йилда Пекинда уйғур олимлари Анвар Байтур ва Хайринисо Сидикнинг «Шинжяндаги миллатларнинг тарихи»⁸ номли катта асари (1317 бет) нашр этилди. Унинг 13-боби (643-720-б.) Қорахонийлар хонлиги тарихига бағишланган. Унда муаллифлар ушбу давлатнинг ташкил топиши, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти, маданияти каби масалаларда тўхталиб, юқорида тилга олинган икки олимнинг ва хитой тилида нашр қилинган асарларни умумлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Ухан⁹ университетининг профессори Ванг Чжилайнинг хитойчадан уйғур тилига таржима қилган ва 2000 йилда Урумчида чоп этилган икки жилдли «Ўрта Осиё тарихи» номли йирик асарнинг 12-боби (69-119-б.) Қорахонийлар тарихига бағишланган¹⁰. Асарнинг 1-жилдни хитойчадан Аблат Нуриддин, Ғайрат Абдурахмон, Абдушукур Маҳсут, Жумахун, 2-жилдни Аблат Нуриддин ва Азиз Юсуфлар таржима қилишган.

Қорахонийлар хоқонлигига оид махсус тадқиқотлар Нанкин¹¹ университетининг профессори Вэй Лянгтао ва Шинжян-Уйғур мухтор ўлкаси Ижтимоий фанлар академиясининг фан-тадқиқот бошқармаси бошлиғининг

⁸ Анвар Байтур, Хайриниса Сидик. Шинжяндики миллатларнинг тарихи. Пекин, 1991. 1317-б.

⁹ Хитойнинг Хубэй провинцияси маркази.

¹⁰ Ванг Чжилай. Ўрта Осиё тарихи. 2 жилддан иборат. 1-жилд Урумчи 1999, 2-жилд, Урумчи, 2000.

¹¹ Нанкин (Нанжин – *Жанубий пойтахт*) ХХРдаги энг катта дарёлардан бири бўлмиш Чангжян (Янзи – *Узун дарё*)нинг жанубий қирғоғида Шанхайга яқин ерда жойлашган шаҳар.

муовини профессор Ҳожи Нурҳожи томонидан амалга оширилган.

Вэй Лянгтаонинг тадқиқоти 2000 йилда Қашқарда уйғур тилига таржима қилинган ва «Қорахонийлар тарихидан баён» номи билан нашр этилган¹². Асарнинг ҳажми 378 бет. У ХХРда хитой тилида амалга оширилган барча илмий тадқиқотлар ва чоп этилган илмий мақолаларни умумлаштирилган ҳолда ёзилган. Шунинг билан бирга муаллиф хитой манбаларидан топилган янги маълумотларни илмий муомалага киритган. Айниқса Қорахонийлар давлати билан ўша даврдаги Хитой ўртасидаги муносабатларга оид маълумотлар эътиборга сазовордир. Асар 13 боб ва муҳим тарихий воқеалар йилномасидан, тахтда ўтирган қорахонийлар хоқонлари рўйхати ҳамда саналаридан иборат бўлган иловадан ташкил топган.

Ҳожи Нурҳожининг илмий тадқиқоти «Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар» номи билан 2001 йилда Урумчи шаҳрида нашр этилган. Асар 6 боб, воқеалар йилномаси, фойданилган адабиётлар каби қисмлардан иборат. Мазкур асар муаллифнинг Қорахонийлар хоқонлиги мавзусига бағишланган биринчи иши эмас. 1984 йилда унинг «Қорахонийларнинг қисқача тарихи» сарлавҳали китоби чиққан эди. Лекин у бизнинг кўлимизда йўқ. «Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар»нинг муаллифи ҳақидаги маълумотларга кўра, ушбу қисқача тарих 1986 йилда Шинжян-Уйғур мухтор ўлкаси доирасида ўтказилган кўрикда 3-даражали мукофотга сазовор бўлган. Бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, Ҳожи Нурҳожи Қорахонийлар давлатининг стратегик ҳолатига, ҳарбий

¹² Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. Қашқар, 2000. 4-5-б. Ушбу асар хитойчадан уйғурчага Абдулаҳад Нуриддин, Муҳаммадjon Ўшур, Қутлуқ Имин, Аблимит Муҳаммадлар томонидан таржима қилинган.

қўшинлари ва уларнинг қуролланиш аҳволи, жанговорлик ҳолати, тартиб-интизоми, ҳарбий унвонлар масалаларига алоҳида эътибор берган.

Ҳожи Нурҳожи тадқиқотининг алоҳида таъкидлашга лойиқ жиҳати шундаки, унда муаллиф маҳаллий манбалардаги маълумотлардан, яъни Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кашғарининг «Девону луғотит турк», Рашид ад-Диннинг «Жоми ат-таворих», Жамол Қаршининг «Суроҳ», Муҳаммад Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Ибн Ал Отхирининг «Тарихи умумия», «Худудул олам» каби асарлардан кўпроқ фойдаланган ва уларни хитой манбаларининг кўрсатмалари билан таққослаб, қиёсий таҳлил қилган.

1.2. Хоқонлик тарихининг Европа ва Россияда ўрганилишига оид мулоҳазалар

XXР олимлари Қорахонийлар давлати тарихининг Европа ва Россия олимлари томонидан ўрганилишини ҳам чуқур таҳлил қилишган. Бу борада Нанкин Университети профессори туркшунос олим Вэй Лянгтаонинг асари алоҳида эътиборга сазовордир¹³. Унинг фикрича, ўтган давр давомида Қорахонийлар сулоласи тарихини ўрганиш уч босқичга бўлинади. Бу ҳақда олим ўзининг «Калахан вангчао шигао» номли асарининг биринчи бобида тўхтаб ўтган¹⁴.

Биринчи босқич ушбу тарих илмий тадқиқотлар доирасига киритилганлиги билан характерланади. Уларнинг фикрича, қорахонийлар сулоласи тарихини илк бор XVIII-асрнинг ўртасида франциялик олим Жозеф де

¹³ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. 35-б.

¹⁴ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 6-19-б.

Гуинес (Joseph Deguines) ўрганган ¹⁵. Шундан кейин Қорахонийлар сулоласи кўп олимларнинг эътиборини жалб этган. Франциялик Дж.П.А. Римусат (J.P.A. Remusat), Дж.Х. Клапрот (J. H. Klaproth), Дж.В. Химмер-Пургсталл (J.V. Hemmer-Purgstall), германиялик Фритсак, россиялик В. Григорьев ана шулар жумласидан.

XXР тарихчиларининг фикрича, Қорахонийлар хоқонлиги тарихини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири рус олими В.В.Бартольд ҳисобланади. XXР олимларининг фикрича, В.В.Бартольднинг энг муҳим асари унинг докторлик диссертациясига мавзу бўлган «Туркестан в эпоху монгольского нашествия» номли илмий тадқиқотидир. У икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми 1898 йилда, иккинчи қисми эса 1900 йилда Санк-Петербургда нашр қилинган. Асарнинг тадқиқот қисми 1928 йилда инглизчага таржима қилинган ва «Turkestan down to the Mongol» («Монголлар истилосигача бўлган бўлган Туркистон тарихи») номи билан Лондонда нашр қилинган. 1958 йилда унинг инглизча иккинчи наشري, 1968 йилда Г.Е. Бушуин муҳаррирлигидаги инглизча учинчи наشري чоп этилди. Жонг Шитунг, Жонг Куангда каби хитой олимларининг фикрича, В.В.Бартольд асарининг 1963 йилда чоп этилган русча иккинчи наشري ҳаммасидан яхши ҳисобланади. Унинг «Очерк истории Семиречья», «Киргизы. Исторический очерк», «Двенадцать лекций по истории тюркских народов» каби бошқа муҳим асарларида ҳам Қорахонийлар давлати тарихига оид маълумотлар мавжуд.

В.В.Бартольд асарларида Қорахонийлар хоқонлиги тарихига доир мусулмон манбаларидаги ёзма маълумотлар таҳлил этилган ҳолда тўпланган, муҳим бўлган айрим

¹⁵ Joseph Deguines. Histoire Generale des Huns, dec Turcs, dec Mongols et futres Tartares jccidentaux, ouvrage tire dec livres chinois (Paris, 1756-1758).

фикр-мулоҳазалар ўртага қўйилган. Шундан кейин қорахонийлар сулоласи тарихини тадқиқ этувчи олимлар сони кўпайиб, унга оид бир қатор мақолалар эълон қилинган. Айниқса Европа мамлакатларида бу тарихга қизиқишнинг ортганлиги сезиларли бўлди. Уларнинг асарларида биринчи марта расмий қўлланилган «Қорахонийлар сулоласи» атамаси муқимлаштирилди.

Иккинчи босқичда қорахонийлар сулоласи тарихининг умумий кўриниши шакллантирилди. Хусусан, 1936 йилдан бошлаб, В.В.Бартольд асарлари собиқ Совет иттифоқи Фанлар академиясининг қарорига асосан 9 жилдли тўплам (унинг 2-жилди 2 китобдан иборат) сифатида нашр қилинди. Унинг қорахонийларга оид тадқиқоти «Туркистан в эпоху монгольского нашествия» («Мўғуллар истилоси давридаги Туркистон») номли докторлик диссертациясида ўз аксини топди. Ушбу йирик асар икки қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи қисми асл матндан иборат. Унда Қорахонийлар даврида Туркистонда жорий этилган ер эгадорчилиги, солиқ тизими, аҳолининг этник ўзгаришлари тадқиқ этилган. Вэй Лянгтаонинг фикрича, В.В. Бартольднинг тил жиҳатидан имкониятлари чекланганлиги туфайли, у хитой манбалари ва нумизматик материалларидан тўла фойдалана олмаган. Натижада унинг баъзи хулосалари нотўғри бўлиб қолган¹⁶.

1930 йилда Германиялик олим Р.Васмернинг (R. Wasmer) Қорахонийлар сулоласининг дастлабки номи ва аҳолиси-нинг табақаларга ажратилиши масалалари устида олиб борган изланишлари маҳсули сифатида чоп этилган мақоласи кўп олимларнинг эътиборини жалб этди деб таъкидлайди Вэй Лянгтао¹⁷.

¹⁶ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 24-б.; Шу муаллиф. Қорахонийлар тарихидан баён. 35-б.

¹⁷ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 24-б.

Учинчи босқич Қорахонийлар сулоласи тарихига оид умумлаштирилган тадқиқотларнинг янада фаоллашуви билан характерланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин археологик материалларнинг ва қадимги тангаларнинг кўп топилиши ҳамда тарих фанининг ривожланиши натижа-сида Қорахонийлар сулоласи тарихини тадқиқ қилиш янги босқичга кўтарилди. Бу соҳадаги ривожланишга салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири Германиялик олим О. Фритсакдир (O. Pritsak). Вэй Лянгтаонинг фикрича, у шу мавзуда ўзидан олдин ўтказилган тадқиқотлар натижа-ларини умумлаштириш билан бирга мусулмон манба-ларидаги тарихий ва кейин эълон қилинган нумизматик маълумотлардан тўла фойдаланган ва 1950 йилдан бошлаб, кетма-кет «Қорахонийлар сулоласига доир бир қанча масала», «Қарлуқлардан Қорахонийлар сулоласигача» ва «Қорахонийлар сулоласи» каби учта муҳим илмий тадқиқотларини эълон қилган. Улар турк тилида ҳам чоп этилган ¹⁸. Бироқ олимнинг асарларида ҳам хитой манбаларидан фойдаланиш масаласи эътибордан четда қолган. Бундан ташқари собиқ СССР даврида олим тадқиқотларига кирмай қолган¹⁹.

Гарчи О. Фритсакнинг мақолаларида қорахонийлар сулоласининг тарихи маълум даражада тизимлаш-тирилган. Аммо у хитой манбаларидан ва собиқ Совет иттифоқи даврида Россия ва Марказий Осиё республика-лари олимлари топган қорахонийлар сулоласига оид янги археологик ва нумизматик маълумотлардан бевосита фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. Шу боис ушбу сулоланинг ташкил топиши ва унинг Шарқий қорахоний-лар ва Ғарбий қорахонийлар каби икки қисмга бўлиниб

¹⁸ Ислом энциклопедияси. 6-жилд, 58-китоб. Истамбул, 1953.

¹⁹ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 24-б.

кетгандан кейинги шажара йилномаси масалаларида хатоликларга йўл қўйган²⁰.

Вэй Лянгтао Россия олимларининг қорахонийлар тарихига оид асосий тадқиқотлари ҳақида тўхтаб ўтар экан, у қуйидаги фикрларни баён этган.

Совет олими Е.А.Давидович «Марказий Осиё Қорахонийлар сулоласи йилномаси ва шажарасига доир қадимги пул материаллари» («Нумизматические материалы для хронологии и генеологии Среднеазиатских караханидов»), ва «Икки қорахонийлар давлати тўғрисида» («О двух караханидских каганатах») каби бир қатор илмий мақолалар эълон қилиб, унинг шу хатоларини кўрсатди, нуқсонларини маълум даражада тузатди ва баъзи маълумотлар билан тўлдирди. Е.А.Давидовичнинг қорахонийлар сулоласи тўғрисидаги тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир совет шарқшуноси А.Ю. Якубовский қорахонийлар сулоласининг ижтимоий ва иқтисодий тузуми ва унинг тарихини даврлар бўйича тизимлаштириш масаласи устида изланишлар олиб борган. Унинг асосий илмий қарашлари ва хулосалари «Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар (6-15-асрлар) тарихини даврларга бўлиш масаласи» («Вопросы периодизации истории Средней Азии в середине века - VI-XV вв.») номли тадқиқотида ўз аксини топган. Ушбу тадқиқот мазмуни 1950 йилда нашр этилган «Ўзбекистондаги халқлар тарихи» («История народов Узбекистана») номли китобида ўз аксини топган.

Вэй Лянгтао А.А. Валитованинг «Қорахонийлар сулоласи давлатининг синфий характери тўғрисида» («К вопросу о классовой природе Караханидского государства») ва «Совет иттифоқи фанлар академияси шарқшунослик институти жавоҳирлари» номли асарларни тилга олиб ўтган. Унинг фикрича, бу асарларда кўпроқ

²⁰ Ўша асар. 24-25-б.

Шарқий қорахонийлар сулоласининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сулоланинг ўтроқ ва чорвадор аҳолиси билан бўлган муносабати баён этилган²¹.

ХХР олимларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, Қорахонийлар тарихи Япония ва Тайвань олимлари эътиборидан ҳам четда қолмаган. Бу борада биринчи навбатда Япониялик Анбужянфунинг (хитойча талаффузда 安部健夫) 1955 йилда Киото шаҳрида чоп этилган «Ғарбий уйғур давлати тарихига оид тадқиқот» («Шивэйвуэр-гуо янжю» 西维吾尔国史研究) ва 1975 йилда Тайбэйда нашр этилган тайванлик Лю Йитанг (刘义棠) қаламига мансуб «Уйғурлар ҳақида тадқиқот» («Вэйвуэр янжю» 维吾尔研究) номли асарларни тилга олиш мумкин.

Вэй Лянгтао қорахонийлар сулоласи тарихи ҳақида «История Узбекской ССР», «История Казахской ССР» ва «История таджикского народа» номли асарларда сўз юритилганлигини айтиб, уларда асосан сулоланинг сиёсати, иқтисодий маданияти, ижтимоий ҳаёти каби масалалар тизимлаштирилган ҳолда баён этилганлигини айтган²². Шу билан бирга олим юқорида тилга олинган илмий тадқиқотлар ва чоп этилган асарлар қорахонийлар сулоласи тарихига оид барча манбалар тўла ўрганилди ва ечимга муҳтож масалаларнинг ҳаммаси ечилди деб айтишга асос бермайди деб тўғри таъкидлаб ўтган.

Қорахонийлар тарихи бўйича Қирғизистон олими Оманкул Караев Тошкентда докторлик диссертацияни ҳимоя қилган эди. Унинг тадқиқот натижалари «История караханидского каганата»²³ номли китобда тўла акс эттирилган. Олимнинг шарқшуносликка қўшган салмоқли ҳиссаси қорахонийларга оид рус тилида ёзилган асарлардаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил

²¹ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 25-б.

²² Ўша асар. 26-б.

²³ Караев О. История караханидского каганата. Фрунзе, 1983.

этишдан иборат бўлган. Аммо ушбу тадқиқот ХХР олимларининг асарларида тилга олинмайди. Шунга караганда, асар уларга ҳозиргача маълум эмас.

Ўзбекистон олими Ирпан Тухтиевнинг «Ўзбекистон тарих музейи»даги Қорахонийлар хоқонлигига тегишли кумуш тангаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш асосида ёзган асари кечикиб нашр этилганлиги²⁴ сабабли ХХР олимлари этиборидан четда қолган.

Юқорида тилга олинган хитой ва уйғур олимларининг асарларида Ўзбекистон фанлар академияси қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондидаги қорахонийлар тарихига оид асарлардан фойдаланганлиги кўзга ташланмайди. Ваҳоланки, ушбу бебаҳо хазинада мазкур тарихга алоқадор манбалар йўқ эмас. Бунга қозоғистонлик ёш олима Э.М. Молотованинг 2016 йилда Алматы шаҳрида нашр этилган «Газкирайи Буғро-хон: история и культура караханидского государства» номли асарини мисол қилиш мумкин.

1.3. Қорахонийлар сулоласининг номи масаласига оид қарашлар

ХХР олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан маълумки, Уйғур хоқонлиги даврида 3 қабиладан ташкил топган қарлуқлар (сан гэлуюлу 三葛祿)²⁵ унинг фуқаролари таркибида бўлган. 756-757 йилларда булар кучайиб мазкур хоқонлик тахтига интила бошлади. Лекин 789 йилда бошланган кураш натижа бермаганидан кейин

²⁴ Ирпан Тухтиев. Қорахонийлар сулоласининг XI асрнинг биринчи чорагида забт қилинган кумуш тангалари. Тошкент, 2015.

²⁵ Хитой манбаларида қарлуқлар номи *гэлуюлу* (geluolu 葛邏祿), *халалу* / (halalu 哈喇魯), уларнинг таркибидаги 3 қабила эса булок (моло / moluo 謨落), сабак (чжиси /zhisi 熾俟), ташли (ташили / tashili 踏實力) шаклларида учрайди.

уйғурлар таркибидан ажралиб чиқиб Еттисув томонга чекинган ва ҳозирги Токмак (Суййе / Suiye 碎叶)²⁶, Талас (Данлоси / Danluosi 怛逻斯) – каби шаҳарларни эгаллаган. Шундан кейин қарлуқлар янги жойда хонлик ташкил этиб, унинг марказини Қораўрда (Kalawoerduo 喀喇幹耳朵) деб аташган²⁷. Уйғур хоқонлиги емирилгандан сўнг, 15та уйғур қабилалари²⁸ Туркистон худудига кўчиб борган. Бу ҳолат минтақада яшаган бир қатор туркий қабилаларнинг қайтадан бирлашишига ва янги давлат ташкил топишига олиб келган. 840 йилда катта бир гуруҳ уйғур қабилалари шарқ томондан келиб қарлуқларга қўшилиб Болосоғунни пойтахт қилиб янги хонлик ташкил этган²⁹.

Вэй Лянгтаонинг фикрича, ташкил этилган янги давлатнинг номи Қорахонийлар хоқонлиги деб аталишнинг сабаби ўтмишда *қора* сўзи буюк, олий, умумий каби маъноларда ишлатилганлиги билан боғлиқ. Бу одатнинг келиб чиқиши эса қадимги туркларда шарқ томон *кўк*, ғарб томон *оқ*, жануб томон *қизил*, шимол томон *қора* деб айтилганлиги ва шимол томони ҳурмат қилиниб бунга ибодат қилинганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ушбу қарлуқлар билан уларга кейин келиб қўшилган уйғур қабилалари ташкил этган давлатнинг бош ҳукмдори “қорахон”, яъни *буюк хон*, *буюк хоқон* деб номланган³⁰. Мазкур давлатнинг маъмурий тузимига кўра, бош ҳукмдорлик лавозими авлоддан авлодга қолдирилган.

²⁶ Шинжянг лиши цидян (Шинжянг тарихи луғати). Урумчи, 1996). 663-б.

²⁷ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 34-35-б.

²⁸ Хитой манбаларида ушбу 15 қабилаларнинг номлари келтирилмаган.

²⁹ Ўша асар. 51-б.; Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. 111-113-б.

³⁰ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 52-б.

Бунинг натижасида хукмдор сулолосининг номи ҳам қорахонийлар деб атала бошлаган³¹.

Ғарб мамлакатларида нашр этилган тарихий асарларда мазкур давлат турли номлар билан аталган. Масалан, «қорахонийлар сулоласи», «Ҳоқония сулоласи» «Афросиёб сулоласи», «Табғочхон сулоласи» каби номлар шулар жумласидандир.

Немис олими О.Притцак (Omeljiam Pritsak)нинг айтишича, Қорахонийлар сулоласининг «Иликхон сулоласи» деб номланиши Утбининг асарларидан олинган. Утби эса Мовароуннаҳр хукмдорини Арслон илек Носир бинни Али билан унинг катта укаси Арслон қорахон Абу Носир Аҳмад бинни Алини бир одам, деб хатога йўл қўйган ҳамда уларнинг илек ва хон деган унвон даражаларини қўшиб, илекхон деб билган³². «Ҳоқония сулоласи» ва «Ҳоқония» деган номлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» ва Ибн Атхирнинг «Тарихи умумия» номли асарларидан олинган. «Афросиёб сулоласи» деган ном форсча «Шохнома»даги Турон турклари қаҳрамони Афросиёбнинг номидан келиб чиққан.

XXР олимларининг асарларида Қорахонийлар сулоласининг номи «Калахан вангчао» (喀喇汗王朝), «Хэй хан вангчао» (黑汗王朝) деб ёзилган. Калахан «қорахон» сўзининг транскрипцияси, вангчао эса сулола сўзининг таржимасидир. Сулоланинг иккинчи номи «Ляо сулоласи тарихи» («Ляошу»)нинг «Удун тазкираси» («Хўтан тазкираси») бобидан олинган бўлиб, у «Қорахонийлар сулоласи» сўзининг таржимаси ҳисобланади. Аммо таржимада қора сўзининг буюк маъноси эмас, балки қора рангни билдирувчи иккинчи маъноси олинган. Шунинг учун хитой манбалари ва адабиётида ўрнашиб қолган «Хэй

³¹ Ўша асар. 52-53-б.

³² Ўша жойда.

хан вангчао» сўзи «Қорахонийлар сулоласи»нинг хато таржимасидир³³.

Ушбу сулоланинг номи «қорахонийлар сулоласи» деб аталиши чет элларда амалга оширилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасидир. Аммо хитой тилида ижод қилувчи ХХР олимлари орасида ушбу сулоланинг номини қандай таржима қилиш лозимлиги ҳамон мунозарали масала бўлиб келган³⁴. Уларнинг айримлари мазкур сўзни қора ранг маъносида «хэй» деб таржима қилиш керак деса, бошқа бирлари уни буюк деб таржима қилиш керак, дейишган.

Нанкин университети профессори Вэй Лянгтао иккинчи фикрни тўғри, деб топиб, ўз асарларида қора сўзини хитойчага таржима қилмасдан, «кала» деб транскрипциялаб ишлатган. Унинг фикрича, ҳозирги туркий тилларда, жумладан уйғур тилида «қора» сўзи қора ранг маъносини бериши шубҳасиздир. Аммо ушбу сўз ўтмишда буюк, улуғ, олий маъносида ишлатилганлиги эътибордан четда қолмаслиги керак. Қора сўзи аслида буюк маъносида ишлатилганлигини Қора курум, Қора денгиз, Қора уй каби атамаларда ҳам кўриш мумкин.

Вэй Лянгтаонинг таъкидлашича, «сулола» билан «давлат» тушунчиларини ҳам аралаштириб бўлмайди. Ушбу масала қорахонийлар сулоласи ҳукмронларининг ўзи учун мунозарали эмас эди. Бу аниқлик сулола тангаларда ўз аксини топган. Масалан, қорахонийлар сулоласининг ҳудудий доирасини Мовароуннаҳргача кенгайтирган Али бинни Хасан (Али Тегин) тангаларда ўзини «табғоч буғрохон» деб атаган. Мовароуннаҳрга ундан кейин ҳукмронлик қилган Иброҳим бинни Носир ҳам ўзини «табғач буғрохон» деб номлаган.

Вэй Лянгтао «табғоч» сўзининг маъносини шарҳлар экан, у «ислом тарихий материалларидаги «табғоч»

³³ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 53-б.

³⁴ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. 83-б.

(tabgach)нинг худди ўзидир, унинг маъноси Чжунггуо (Zhongguo 中国) демакдир»³⁵, деб ёзади. Унинг фикрича, биринчи марта Чжанг Гуангда ўзининг «Махмуд Қошғарийнинг «Туркий тиллар девони ва шу китобда берилган юмалок харита тўғрисида» номли мақоласида айтган.

Бу фикрни асосли, деб айтиш қийин. Чунончи, Махмуд Қошғарийнинг қаламига мансуб бўлган машҳур «Девону Луғотит турк» асарида «Табғач» сўзига қуйидагича шарҳ берилган:

«Табғач – Чини-Мочиннинг номи. Мочин китонлардан тўрт ойлик йул йироқликда, чин аслида уч қисмга бўлинади: Юқори чин шарқда табғач деб аталади; Ўрта чин китон деб аталади; Тубанги чин бархон деб аталади. Бархон – Қашқардир³⁶. Лекин бугунги кунда табғоч Мочин, китон Чин деб аталаяпти»³⁷.

Вэй Лянгтао Махмуд Қошғарийнинг ушбу маълумотига эътибор берар экан, у «Чин» ва «Мачин» атамаларини асоссиз ҳолда ўзининг ватани Хитой (Чжунггуо / Zhongguo 中国 – Марказий давлат) билан таққослаган³⁸. Чунки айтилган замонда «Чжунггуо» атамаси Хитой Халқ Республикаси (Чжунгхуа ренмин гунгхэгуо 中华人民共和国) сўзининг қисқача номи сифатида ишлатилади. Аслида ушбу топоним милоддан аввалги даврларда пайдо бўлган.

«Чин» ва «Мочин» атамалари бўйича махсус тадқиқот олиб борган Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик институтининг собиқ ходими А.Айтбаевнинг таъкидлашича, «табғоч» атамасини «Чжунггуо» («Марказий давлат» маъносини англатади) деб таржима қилиб

³⁵ Ўша асар. 84-б.

³⁶ Замонавий уйғур тилида Қашқар قەشقەر деб ёзилади.

³⁷ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. 84-б.

³⁸ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 54-б.

бўлмайди ³⁹. Чунки худудий нуқтаи назардан олиб қараганда, «Чжунггуо» («Марказий давлат») топонимининг қадимги ва ҳозирги маънолари бутунлай ўхшамайди.

Қадим замондаги «Чжунггуо» топоними билан аталган Хитой худудига ҳозирги Шарқий Туркистон (ҳозирги Шинжян-Уйғур автоном ўлкаси), Тибет, Кукунор (Цингхай), Ички Монголия ва Манчжурия (ҳозирги ХХРнинг шимоли-шарқий қисми) кирмаган. А. Айтбаевнинг фикрича, Мочин атамаси Манчжурия топонимидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун табғач сўзи «Чжунггуо» топонимининг таржимаси, деб Қорахонийлар ишлатган табғочхон сўзини «Чжунггуо хони», яъни Хитой хони маъносини англатади, дейиш тўғри эмас.

2-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ЕМИРИЛИШИ ХХР ОЛИМЛАРИ ТАЛҚИНИДА

2.1. Хоқонликнинг ташкил топишига оид қарашлар

Юқорида тилга олинган хитой ва уйғур тилларида нашр этилган асарларда Қорахонийлар хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиёда юзага келган тарихий ва этник вазиятни баён этишга катта эътибор берилган. Уларда ёзилишича, ўтган асрлар давомида Марказий Осиё минтақасининг сиёсий харитасида қайта-қайта ўзгаришлар бўлган. Жамиятдаги ички зиддиятлар, уруш ва талон-тарожлар натижасида бу ердаги баъзи давлатлар йўқолиб кетган, баъзилари эса гуллаб-яшнаган.

³⁹ А. Айтбаев билан бўлган суҳбатдан олинган маълумот.

Табиий тўсиқлар – тоғлар, дарёлар билан ажралиб турадиган водийлар, яйловларда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи халқлар ва қабилалар ўз ерларига эгаликни йўқотиб қўймаслик учун курашганлар. Бу эса ўз навбатида мазкур ҳудуднинг Шарқий ва Ғарбий Осиёда қурилган қудратли ҳокимиятларнинг ўртасига тушиб қолишига олиб келган.

Турк хоқонлиги ташкил топиши билан ушбу минтақа яхлит бир сиёсий ва иқтисодий ҳудудга айланган. Бу ҳолат эса ундаги маданий ҳаётнинг ривожланиши учун замин яратган. Аммо VI асрнинг охирларида турк хоқонлиги Шарқий ва Ғарбий хонликларга бўлиниб кетиши билан кенг маънодаги Марказий Осиё⁴⁰ ҳудудида яшовчи аҳолининг иқтисодий ва маданий ривожланишида, балки географик жойлашувида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Ғарбий турк хонлиги бир неча марта заифлашиш ва ривожланиш жараёнини бошидан кечириб, Ябғу хоқон даври (611-618 йиллар)да Жунгғор текислиги, яъни

⁴⁰ Жаҳон адабиётидаги анъанага кўра, Марказий Осиё тушунчаси анча кенг бўлиб, унга Туркистон (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон), Шарқий Туркистон (ҳозирги Шинжян-Уйғур автоном ўлкаси), Тибет, Монголия, шимолий Афғонистон ва Эроннинг шарқий қисми кирган. Собиқ СССР тугатилгандан кейин Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон раҳбарлари келишиб илгари ишлатилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» атамаси ўрнига ушбу республикалар ҳудудини яхлит бир ном билан аташ мақсадида уни Марказий Осиё республикалари деб аташга келишилган [Ходжаев А. Китайский Фактор в Центральной Азии. 2020. 11-12-б.]. Шундан кейин адабиётларда мазкур республикалар ҳудуди Марказий Осиё дейиладиган бўлди. Шунинг учун Марказий Осиё атамасини кенг маънодаги ишлатиш зарур бўлганда, унинг олдида буюк ёки катта сўзини қўшиб ишлатишни лозим топдик.

Шарқий Туркистоннинг шимолий қисмида яшовчи сиртордуш қабилалари ва уларнинг атрофидаги бошқа туркий қабилаларини бирлаштириб, ўзининг ҳукмронлик доирасини шарқи-шимолда Олтой тоғларигача, жануби-шарқда Хитойнинг чегара дарвозаси ҳисобланмиш Юйменгуан⁴¹ гача, шимоли-ғарбда Каспий денгизигача, ғарби-жанубда бугунги Афғонистон теварагидаги Ҳиндикуш тоғигача кенгайтирган. 618 йилда Ябғу хоқоннинг укаси Қутлуғ Ябғу хоқон тахтга ўтирганида, Турк хоқонлиги шимолида жойлашган туркий қабилалар бирлашиб, жануби-ғарб сари чекинган ва Амударёдан ўтиб, Тохаристонни эгаллаб олган.

VII асрнинг ўрталарида Хитойда ҳукмронлик қилган Танг сулоласи (618-907) туркларга қарши кураш бошлаган. Узоқ вақтга чўзилган дипломатик ва уруш ҳаракатлари натижасида Турк хоқонлигини аввалига икки қисмга бўлиб ташлашга, сўнг бирин-кетин йўқотишга муяссар бўлган.

Шу ерда алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, Қорахонийлар давлати тарихига оид юқорида тилга олинган асарларда Турк хоқонлиги йўқотилганидан кейинги қисқа давр давомида Танг сулоласи Тангритоғ (Тян-шан / рус адабиётида Тянь-Шань)нинг жанубий ва шимолий томнларида ҳарбий ҳаракатлар олиб борди.

VII асрнинг биринчи яримида Танг сулоласи аввалига Помирга, сўнгра ҳозирги Қирғизистондаги Тўқмоқ (хитой манбаларида Суййе) шаҳрига, Чочга (Тошкентга) ҳарбий юриш қилиб, маҳаллий аҳолини кўп вайронагарчиликка учратди. Шу жараёнда Хитой кўшинлари Чочнинг

⁴¹ Юймэнгуан – Қадимги Хитойнинг чегара дарвозаси. У ҳозирги Дунгхуанг шаҳрининг шимоли-ғарбига тўғри келади. Қадим замонда Марказий Осиёдан Хитойга борган карвонлар бу чегара дарвозасидан ўтиши шарт бўлган.

хукмдорини асрга олиб пойтахт Чангъанга (ҳозирги Шиан шаҳрига) юборишди. Ушбу хукмдор Хитой пойтахтида очик майдонда қатл этилди⁴².

Аммо 751 йилда Талас (Тараз) дарёси бўйида араблар билан бўлган жангда хитой қўшинлари катта мағлубиятга учраб, Марказий Осиёдан чиқиб кетишга мажбур бўлган⁴³. Шунга қарамай, хитой олимлари Танг империяси томонидан амалга оширилган зўравонлик ҳаракатларига ишора қилиб, Туркистон ҳудудининг катта бир қисми Хитойга тегишли бўлган, деб айтишмоқда. 1994 йилда нашр этилган тарихий хариталарда Танг империяси ҳудуди доирасига Балхаш кўли ва Орол денгизи, уларнинг жанубидаги ерлар, Сирдарё ва Амударёлар оралиғи, Шимолий Афғонистон каби жойлар киритилган⁴⁴.

Хитой олимлари асарларида келтирилган маълумотларга қараганда, Турк хоқонлиги тугатилгандан кейинги икки аср давомида Марказий Осиёда катта миграцион жараён кузатилган. Айниқса 744 йилда Монголия ҳудудида ташкил топган Уйғур хоқонлиги 840 йилда емирилгандан сўнг, бу жараён жиддий тус олган.

Мазкур давлатнинг йўқолишига сабаб бўлган воқеалар шундан иборат бўлганки, 830 йилдан бошлаб Уйғур хоқонлигининг ички вазияти ёмонлашди. Бир томондан ҳокимият учун кураш кучайган бўлса, иккинчи томондан мамлакат доирасида қурғоқчилик юз берган, касаллик тарқалиши туфайли чорва қирилган. Қиш фасли келганда қаттиқ совуқ бўлган. Натижада давлат иқтисоди қийин аҳволга тушиб қолган. Шундай вазиятда ҳокимиятдан норози бўлган амалдорлар қирғизлар билан тил бирик-

⁴² Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. 2020. 64-б.

⁴³ Ўша асар. 58-65-б.

⁴⁴ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 2 жилдли. Пекин, 1988. 1-жилд. 288-б.; Цзянминг Чжунгуо лиши диту жи (Хитойнинг қисқача тарихий хариталари тўплами). Пекин 1996. 39-40-б.

тириб саройга хужум уюштириб хоқонни ўлдиришган. Натижада хоқонлик барбод бўлди, уйғурлар ҳар қаёққа тарқала бошлади⁴⁵. Шунда уйғурларнинг катта бир бўлаги истиқомат қилган ерларини ташлаб, ғарб томонга кўчиб бориб, Еттисув яйловларида ўрнашган⁴⁶.

Уйғур Хоқонлигида ҳокимият учун кураш бошланганда унинг фуқоролари таркибидан биринчи бўлиб қарлуқлар ажраб чиқиб, ғарбий томонга, ҳозирги Қозоғистондаги Еттисув вилоятига бориб жойлашган.

Хитой олимларининг ёзишича, қарлуқлар аслида уйғур қабилалари иттифоқидаги «тўққиз ўғуз» («жюшинг уху» «жюшинг ухэ» ёки «жюшинг угэ» 九姓烏護, 九姓烏紇) деб номланганларнинг бири бўлиб⁴⁷, уйғур хоқонлиги фуқороларининг асосий қисмини ташкил этган эди. Хитой манбаларида «тўққиз ўғуз» «жюшинг угэ» (тўққиз уйғур), «жюшинг теле» (тўққиз турклик ёки тўққиз турк) деб ҳам аталади. Улар уйғур, буку, хун, байирғу, тунгро, изгил, чибни, басмил, қарлуқ каби 9 қабилла иттифоқидан иборат бўлган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, IX асрда қарлуқлар катта нуфузга эга бўлган *булоқ* (муолуо 謨落), *сабак* (чжиси 熾俟) ва *ташли* (ташили 踏實力) номли уч қабиладан ташкил тобган.

Вэй Лянгтаонинг ёзишича, қарлуқлар (гэлуолу 葛邏祿) «ўн бир уйғур»⁴⁸нинг бири бўлган⁴⁹. Анча узоқ вақтгача улар Тангритоғ (Тян-шан)нинг шимолий этакларидаги

⁴⁵ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 72-б.

⁴⁶ Уша жойда. 66, 73-б.

⁴⁷ Хўжаев К.А. Хитой манбаларидаги «жюшинг угу», «жюшинг теле» ва «жюшинг хуэйхэ» атамалари ҳақида // Шарқшунослик. № 12, Тошкент, 2004. 223-228-б.

⁴⁸ Ходжаев А. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. Ташкент, 2017. 239-252, 356-б.].

⁴⁹ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 72-б.

Бешбалиқ билан Олтой тоғ тизмалари ўртасидаги яйловларда чорвачилиқ билан шуғулланган.

Ушбу «ўн бир уйғур» (хитойча «шийи шинг хуэйхэ» + 一姓回纥) атамаси «Эршиси ши» (二十四史 – «24 тарих») номли сулолалар тарихи мажмуасида учрайди. «Уйғур хоқонлиги» (744-842) ташкил этилиши арафасида Монголия ҳудудида бирлашган ва ўзларини уйғур деб атаган туркий қабилаларининг сони 11 га етганда хитой тарихчилари уларни «шийи шинг хуэйхэ» деб аташган. Хоқонлик ташкил топгандан кейин уйғур деб номланган қабилалар сони 30 га етган

Аслида шу мазмундаги маълумот «Эршиси ши» («24 тарих») номли сулолалар тарихи мажмуасидан ўрин олган «Шин Тангшу» («Танг [сулоласининг] янги тарихи»)да келтирилган. Чунончи, мазкур сулола тарихида қарлуқлар дастлаб Бэйтинг (北庭 – Шимолий сарой) шаҳри шимолида, Жиншан (金山 – Олтой)нинг ғарбида истиқомат қилган деб ёзилган⁵⁰. Ушбу маълумотдаги Бэйтинг айрим хитой манбаларида Футу-чэнг (浮图城 – будда хайкали ва расмлар қалъаси) деб аталган⁵¹. Маҳаллий халқ тилида у Бешбалиқ номланган.

756-757 йиллардан кейин қарлуқлар кучайиб, Уйғур хоқонлиги ҳокимиятини қўлга олишга ҳаракат қилиб, Токмак (Суййе 碎叶) ва Тараз (Далуоси 怛逻斯) шаҳарларини ўз назорати остига олди. 789 йилда уйғурлар таркибидан ажраб чиқиб, ўз ҳокимиятини ташкил этди⁵².

Шу жойда қарлуқлар тақдирига оид икки воқеани эслаб ўтиш жоиз. 1) Еттисувга кўчиб келгандан кейин қарлуқлар 3 қисмга бўлиниб, улардан бири Аксу вилоятига,

⁵⁰ Оу Яншю Сунг Чи. Шин Тангшу // Эршиси ши (24 тарих). 13-жилд. 16943(1529)-б.

⁵¹ Шиюй диминг каолу (Ғарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлардан лавҳалар). Пекин, 2008. 115, 288-б.

⁵² Вэй Лянгао. Калахан вангчао шигао. 73-б.

иккинчиси Тохористонга бориб жойлашган. Учинчи бир қисми ўз жойида, яъни Еттисув вилоятида қолган⁵³. 2) Тахминан 1164 йиллар атрофида Ғарбий қорахонийлар ҳукмдори Али бинни Хасан (хитой манбаларида Qiageleihan 恰格雷汗) Самарқанд ва Бухорода яшаётган қарлуқларни Қашқар вилоятига кўчирди⁵⁴. Шунинг учун айни замонда Қашқар шаҳри ёнида Қалук (Қарлуқ) кенти мавжудлиги бу воқеага мисол бўла олади.

Вэй Лянгтаонинг фикрича, бу воқеадан анча олдин, яъни 1141 йилда юз берган Хитван (Катеван / Katewan 卡特万)⁵⁵ жангги қарлуқлар сардорлари билан ҳукмдор ўртасида пайдо бўлган низолар натижасида келиб чиққан⁵⁶.

Лю Чжишяонинг фикрича, Қарлуқлар уйғурлар таркибидан ажраб чиқиб, Еттисувга кўчиб борганидан кейин тез кучайди ва улар ташкил этган янги ҳокимият кучайди. Бунга шу даврда юзага келган икки қулай тарихий шароит сабаб бўлган. Буларнинг бири шу даврда Хитойда ҳукмронлик қилаётган Танг сулоласи Аньлушан кўзғолонини бостириш ва унинг кўрсатган иқтисодий ҳамда ижтимоий оқибатларини бартараф қилиш билан банд бўлиб, Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнларга аралашиб имконияти бўлмаганлиги ҳисобланади⁵⁷. Иккинчиси Уйғур хонлиги емирилгандан кейин Еттисувга аввалроқ келиб жойлашган қарлуқларга катта бир гуруҳ уйғур қабилаларининг келиб қўшилиши бўлди⁵⁸. Шундан кейин қарлуқлар кучайиб, илгари Еттисув ўлкасида устунлик

⁵³ Уша асар. 66-б.

⁵⁴ Уша асар. 67-б.

⁵⁵ Хитван (Катван / Катеван) Самарқанднинг шимолидаги чўл жойнинг номи бўлган [Уша асар. 81-б.].

⁵⁶ Вэй Лянгтао. Қалахан вангчао шигао. 66-б.

⁵⁷ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 294-б.

⁵⁸ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. 112-113-б.

қилиб келган тургеш⁵⁹ қабиласи устидан ўз назоратини ўрнатган. Бу ҳол қарлуқлар ҳокимиятининг яна ҳам кучайишга олиб келганди⁶⁰.

Қарлуқларга келиб қўшилган уйғурлар 15 та қабила бўлиб, улар катта нуфузга эга бўлган ва уларга Пантегин етакчилик қилган⁶¹.

Шу жойда изоҳлаб ўтиш жоизки, Уйғур хоқонлиги қудратли бўлиб турган даврда унинг фуқаролигида бўлган қабилалар сони 30дан иборат эди⁶². Пантекин бошчилигидаги уйғур қабилаларининг ғарб томонга, яъни Еттисув вилоятига кўчиб бориши қарлуқларнинг бу ерга илгарирок келиб жойлашиб олиши билан боғлиқ бўлган.

Лю Чжишяонинг ёзишича, IX асрнинг 40 йилларида ғарбга кўчган уйғур қабилалари кучайиб, қарлуқлар ҳокимиятини ўз қўлига олган. Шундан кейин Қарлуқ давлати ёки сулоласи деган ном йўқолиб, унинг ўрнини Қорахонийлар (Буюк хонлар) сулоласи эгаллаган⁶³.

Дастлаб Қорахонийлар сулоласи ва уларга тегишли қабилалар асосан Балхаш кўли атрофида истиқомат қилган. Кейинчалик улар ўз таъсир доирасини жануб томон кенгайтириб, Амударё бўйларигача етказган. Шунда улар биринчи новбатда Сомонийлар ҳокимияти билан тўқнашган. Ўша замонда Қорахонийларнинг пойтахти ҳозирги Қирғизистоннинг маркази Бишкек ёнида

⁵⁹ Тургеш этноними хитой манба ва адабиётларида (*тучиши / tuqishi* 突骑施) шаклида учрайди.

⁶⁰ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 293-б.

⁶¹ Вэй Лянгао. Калахан вангчао шигао. 33-б.; Ўша муаллиф. Қорахонийлар тарихидан баён. 112-б.

⁶² Мазкур қабилаларнинг номлари, хитой манбаларидаги ёзилишлари ушбу китобимизнинг охирида илова сифатида келтириди.

⁶³ Вэй Лянгао. Қорахонийлар тарихидан баён. 294-б.

жойлашган Болосоғунда (Balashagun 巴拉沙滾) шаҳри эди⁶⁴. Хоқимият тахтида ўтирган ҳукмдор Арслонхон деб аталган. Талас қалъаси бу хонликнинг қўшимча пойтахти бўлиб, бу ерда хоқоннинг ўринбосари, яъни Буғрохон турарди. Шундан маълумки, Арслонхон энг олий лавозим, Буғрохон иккинчи даражали лавозим номларидир. Уларни аралаштириб юбориш хато бўлади.

Вэй Лянгтаонинг юқорида тилга олинган «Калахан вангчао шигао» («Қорахонийлар сулоласининг қисқача тарихи») номли асарида баён этилишича, Қора-хонийлар давлатининг ташкил топиши ва ривожланишида қатнашган турклар қаторида ёғма (янгмуо 样磨), тургеш (тучиши 突骑施) ва чигил (чуюэ 处月) қабилаларининг иштроки ҳам салмоқли бўлган. Маълумки, ёғмалар ушбу давлатнинг ташкил топишидан олдин Қашқар вилоятига бориб жойлашиб олган бўлиб, улар таркибида талайгина қабилалар мавжуд бўлган. Воҳаларда жойлашган ёғмалар деҳқончилик ва қўл ҳунармандчилик билан шуғуллана бошлаган. «Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлигининг сўнги даврида ёғмалар тамоман уйғурлар билан аралашиб кетди»⁶⁵ деб ёзган Вэй Лянгтао. Лекин бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки Уйғур хоқонлиги давридаги уйғурларнинг таркибига қаралса, яғмалар VII асрнинг бошларидаги «тўққиз уйғур» (хитой манбаларида «жюшин хуэхэ» 九姓回纥) номланган шимолий уйғурлар таркибида мавжуд бўлганлигини кўрамиз⁶⁶.

⁶⁴ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 297-298-б.; Чжанг Гуангда. Шиюй шиди цунггао чубян (Ғарбий мамлакатлар тарихий географиясига оид илмий мақолаларнинг биринчи тўплами). Шангхай, 1995. 16-б.; Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. Илова сфатида келтирилган хариталар.

⁶⁵ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 67-б.

⁶⁶ Ходжаев А. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. 239, 356-б.

«Цихай» («Сўзлар денгизи») номли энциклопедик луғутда кўрсатилишича, тургешлар 628-700 йилларда Или дарёси бўйларидан ҳозирги Чу дарёси (Chuhe 楚河) бўйларига келиб жойлашган ва Суйе (Suiye 碎叶)⁶⁷ ни марказ қилишган⁶⁸. Вэй Лянгтаонинг ёзишича, VIII асрларнинг ўрталарида қарлуқлар итоатида бўлиб Қорахонийлар хоқонлиги ташкил топгандан кейин Еттисув вилоятига бориб ўрнашган.

Хитой манбаларида учрайдиган маълумотлар мазмунига қараганда, илгари чигиллар Ғарбий Турк хоқонлиги фуқоралигида бўлган туркий қабилалари билан аралаш яшашган. Шу даврда улар катта нуфузга эга бўлиб асосан Иссиқкўл атрофида чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Қорахонийлар кўшинлари орасида салмоқли ўринда турган. 1089 йилда салжуқийлар бостриб келганда чигиллар қисман бошқа жойларга тарқатилган⁶⁹. Бизнинг нашр этилган асарларимизда чигил VII-VIII асрлардаги 30та уйғур қабилаларининг бири эканлиги ва X асргача битилган хитой манбаларида, жумладан «Шин Тангшу» («Танг [сулоласининг] янги тарихи») ⁷⁰ номли бирламчи манбада *шижие* (хijie 奚结) деб аталганлиги кўрсатилган⁷¹.

Қорахонийлар хоқонлиги аҳолисининг этник таркиби масаласи ҳам юқорида тилга оинган ХХР олимлари эътиборидан четда қолмаган. Масалан бу масала ҳақида фикр билдириб Вэй Лянгтао «Қорахонийлар сулоласига

⁶⁷ Ҳозирги Бишкек шаҳри ёнидаги Токмак (Тўкмак)га тўғри келади.

⁶⁸ Цихай. 1794-1795-б.

⁶⁹ *Вэй Лянгтао*. Калахан вангчао шигао. 66-68-б.

⁷⁰ *Оу Янгию, Сунг Чи*. Шин Тангшу // Эршиси ши. 16934(1520)-б.

⁷¹ *Хўжаев А.* Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). Тошкент, 2015. 264-266-б.

қарашли ерлар аҳолиси асосан туркий ва эроний тилли этнослардан ташкил топган... Уйғур аталмиш қадимий этнос катталашган, тожик аталмиш янги этнос ташкил топган. Айрим этнослар шаклланиш даврига кириб келган» деб такидлаб ўтган⁷².

2.2. Қорахонийлар хоқонлигининг ҳудудий кенгайишга қаратилган ҳаракатлар баёни

Изланишларимиз доирасида ўрганилган асарларда Қорахонийлар давлатининг ҳудудий кенгайиши масаласига ҳам катта эътибор берилган. Уларда ёзилишича, тахминан 893 йилда Сомонийлар хонлигининг кўшинлари Сирдарёнинг қуйи оқимида қорахонийлар кўшинларини мағлуб қилиб, Талас вилояти ҳудудини босиб олган ва Қорахонийлар давлати хоқонининг ўринбосари Уғулчоқнинг хотини бошчилигида ўн мингдан ортиқ кишини асирга олган.

Сомонийлар босқинига учраган уйғурларнинг бир қисми жануби-шарқга кўчиб, Или водийси, Иссиқкўл атрофи каби жойлар орқали Тангритоғдан ўтиб, Торим воҳасининг ғарбий ҳудудларига келиб жойлашган.

IX асрнинг охири ва X асрнинг бошларида тибетликлар кучайиб, Торим воҳасининг ғарбий ва жанубий қисмини ўз назоратларига олганлар ва у ерда ўзларининг маъмурий аппаратларини ташкил этган. Туркистондан бу ерга кўчиб келган ва хитой олимлари томонидан «ғарбий Помир уйғурлари» деб номланганлар Торим воҳасида ўрнатилган тибетликлар ҳукмронлигини ағдарганлар. Қорахонийлар сулоласи Торим воҳасининг жанубида қозонган ғалабаси дастлаб фақатгина ҳозирги Оқсув билан Қашқар оралиғидаги ерлар билан чекланиб турган эди. Кейин ушбу ҳолат ўзгарган.

⁷² *Вэй Лянгао*. Калахан вангчао шигао. 66-б.

Қорахонийлар сулоласи ушбу ҳудудда муқим ўрнашиб олганидан сўнг, бир неча марта шимолга юриш қилиб, ўз таъсирини Кучаргача кенгайтди. Аммо Кучар атрофида уларнинг ҳаракати юқорида тилга олинган Уйғур хоқонлиги тарихий саҳнадан йўқолганидан сўнг Урумчи, Турфон, Қумул вилоятлари, Лобнор кўли атрофи, Жунгғор текислигининг шарқи-жанубий қисми каби жойлар орқали Узоқ Шрқдаги мамлакатларга борадиган карвон йлларини хитой манбаларида «Шижоу хуэйгу» (西州回鶻)⁷³ номланган уйғур хонлиги томонидан тўсиб қўйилди. Шундан кейин қорахонийлар ўзининг сиёсий марказини, яъни пойтахтини Болосоғундан Қашқарга кўчирди. Чунки шу замонда, биринчидан ушбу шаҳар Буюк ипак йўлидаги йирик ривожланган савдо марказларидан бири эди, иккинчидан Такламакон чўли⁷⁴ жанубидаги Ёркенд ва Хўтан шаҳарлари орқали Хитой пойтахти Чангъанга борадиган карвон йўллари очиқ эди.

Қашқарга келганидан сўнг, вазиятни тўғри тушунган Сутук Буғрохон (920-956) ислом динини қабул қилди ва ўзини Абдулкарим деб атади. У тахтда ўтирган даврда Қорахонийлар хоқонлигида катта ривожланиш юз берди.

⁷³ 840 йилда Уйғур хоқонлиги емирилгандан сўнг Монголия ҳудудидан бир гуруҳ шимолий уйғурлар Турфон водийсига кўчиб келиб бу ерда маҳаллий уйғурлар билан бирлашиб янги хонлик ташкил этган. Ана шу уйғурларни хитойлар «Шичжоу хуэйгу» деб аташган [Оу Янгию Сунг Чи. Шин Тангшу // Эршиси ши. 15355(1455)-б.].

⁷⁴ Буюк ипак йўлидаги энг катта чўл бўлиб, у Шарқий Туркистоннинг жанубида жойлашган. Чўлнинг умумий майдони 530 минг квадрат км га тенгдир. Ўтган аср давомида ушбу чўл атрофидаги қумга кўмилиб кетган шаҳар қолдиқларидан бундан 5-6 минг йил олдин яшаган ва ўз даври учун маднийтли бўлган одамлар жасадлари топилган [Батафсил қаранг: Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 118-120-б.].

Ривоятларга қараганда, Сутуқ Буғрохоннинг отаси вафот этганидан сўнг тахт вақтинча унинг амакиси (отасининг укаси)га қолдирилган эди. Саройдаги келишувга биноан Сутуқ Буғрохон улғайганидан кейин амакиси тахтни унга бериши лозим эди. Аммо амалда бундай бўлмади. Амакидан тахтни куч билан тортиб олиш ягона йўл бўлиб қолди. Зарур кучни тўплаш мақсадида Сутуқ Буғрохон махфий ҳолда ислом динига ўтиб, унга эътиқод қилганларнинг ҳимоясига эга бўлди.

Бир қоронғу кечада энди 16 ёшга тўлган Сутуқ Буғрохон 40 нафар яқинлари ёрдамида ўрдага ҳужум қилиб кириб, амакисини ва унинг ҳамдамларини ўлдирди ва хонлик тахтини ўзи эгаллади. Шундан кейин Сутуқ Буғрохон биринчи навбатда будда динига эътиқод қилувчилар макони Хўтанга, ундан сўнг Шарқий Туркистоннинг шарқий вилоятларида яшаётган уйғурлар (Шичжоу хуэйгу) ҳокимиятига қарши уруш бошлади. Аммо унинг ҳаракатлари кутилган натижани бермади. Шундан кейин Сутуқ Буғрохон ўзининг сиёсий фаолиятини ғарб томонга қаратди. Еттисув ва Балқаш кўли атрофидаги ҳудудларда ёғмалар (хитой манбаларида *яовугэ 藥勿葛*)⁷⁵ кўтарган кўзғолонларни бостириб, ўз кўшинларини Или водийси орқали Жунгғор текислигига юборди⁷⁶.

XXР олимларининг фикрича, Сутуқ Буғрохонинг ҳаётида амалга оширилган барча ишлар ислом динини қабул қилиш, уни тарғиб этиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган.

⁷⁵ Ёғма – VIII асрдаги 30 та уйғур қабилаларининг бири (ушбу китобимизнинг илова қисмида келтирилган уйғур қабилалари таркибига қаранг).

⁷⁶ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-ж. 300-301-б.

Сутук Буғрохон ислом динини бевосита ўзи хукмронлик қилган Қашқар ва Оқсув⁷⁷ вилоятлардагина эмас, балки қорахонийлар қўшинининг қадами етган ҳамма ерларда, жумладан Еттисув, Балқаш кўли бўйи ва Жунгғор текислиги каби жойларда яшовчиларга ҳам сингдирган⁷⁸. Унинг рағбати билан қорахонийлар қўшинлари будда ибодатхоналарини, ҳайкалга чўқинувчилар ва бошқа динлар эътиқодчиларининг қурилишларини бузиб ташлашган. Шунинг учун ислом дини тарғиб қилинган ёзма материалларда, жумладан уйғурча, арабча ва форсча ёзувлардаги маълумотларда Сутук Буғрохоннинг ислом динини тарқатишда кўрсатган хизматларига ниҳоятда юксак баҳо берилган⁷⁹.

Сутук Буғрохон 955-йилда (айрим асарларда 956 йилда) вафот этган ва Қашқардан 32-35 км нарида жойлашган Ортуш шаҳридаги қабристонга дафн этилган⁸⁰. Шундан кейин мавжуд анъанага кўра, унинг ўрнига катта ўғли Мусо Буғрохон (Мусо бинни Абдукарим) Арслонхон номи билан тахтга ўтирган.

ХХР олимларининг фикрича, Мусо Буғрохон ўз ҳаётида Хўтандаги буддистлар ҳокимияти билан Шичжоу (Ғарбий вилоят) уйғурлари ҳокимиятига қарши онда-сонда уруш қилганлиги ҳисобга олинмаса, бошқа тилга олишга арзигулик ҳеч қандай ҳарбий муваффақият қозонмаган. Шу сабабдан унинг замондошлари ва кейинги давр тарихий асарлар муаллифлари Мусо Буғрохоннинг фаолиятини акс эттиришга эътибор бермаганлар. Аммо амалда у Қорахонийлар сулоласининг ҳукмдорлари ичида

⁷⁷ Оқсув (замонавий хитой тарихий адабиётларида Акэсу 阿克苏, ўтмушда Вэнсу 温宿) вилояти Кучар ва Қашқар шаҳарлари ўртасида, Тарим дарёсининг ғарбий қирғоқларида жойлашган.

⁷⁸ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-ж. 300-б.

⁷⁹ Ўша асар. 300-301-б.

⁸⁰ Ўша жойда. Вақт ўтиши билан халқ орасида ушбу қабристон «Султон Сутук қабристони» деб аталган.

энг етук шахслардан бири деса бўлади. У тахтда ўтирган даврда Қашқарнинг бошқа ҳудудлар билан бўлган алоқалари ривожланган. Қашқар дарёси атрофида янги-янги сув иншоотлари, хонликда мадрасалар, қироатхоналар қурилган. Қашқар Шарқий Туркистоннинг катта иқтисодий ва маданият марказига айлантирилган.

Аммо Мусо Буғрохоннинг ҳукмронлик даври узоққа бормаган. Унинг вафотидан сўнг 958 йилда катта ўғли Абу Ҳасан (Абу Ҳасан Буғрохон) тахтга ворислик қилган. Қорахонийларнинг Мовароуннаҳр ҳудудига қарата олиб борган кенг кўламли ҳарбий юришларига ана шу Абу Ҳасан Буғрохон кўмондонлик қилган.

Лю Чжишяонинг баён этишича, Абу Ҳасан Буғрохон бобоси Сутук Буғрохоннинг сиёсатини давом эттириб, давлат ҳудудини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Бу борада у аввалига Хўтандаги буддистлар ҳокимиятига қарши уруш кўзғади. Хўтанга қарши қилинган ҳарбий юришда Абу Ҳасан Буғрохон ўзининг ботирлигини кўрсатди. Аммо жангда мактовга арзийдиган натижага эришолмади⁸¹.

Қашқарни эгаллагандан кейин Қорахонийлар сулоласи атрофдаги давлатларга қарши қилган ҳарбий ҳаракатлари натижасида учта катта куч билан душманлашиб қолган эди. Буларнинг бири Қашқарнинг жануби-шарқида жойлашган Хўтан ҳокимияти, иккинчиси хоқонликнинг шарқидаги Турфон уйғур давлати («Шичжоу хуэйгу» - ғарбий вилоят уйғурлари ҳокимияти), учинчиси эса ғарбдаги Сомонийлар хонлиги эди. Агар бу кучлар бир вақтда иттифоқлашиб, ҳаракатга келса, Қорахонийлар давлатининг аҳволи мураккаблашиб қолиши мумкин эди. Қорахонийлар сулоласи бундай вазият юзага келишининг олдини олишга ҳаракат қилди ва унинг уддасидан чиқди. Абу Ҳасан Буғрохоннинг қобилияти, олиб борган тўғри

⁸¹ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 301-б.

сиёсати ички вазиятнинг яхшиланиши, мамлакат иқтисодининг ривожланишига сабаб бўлди.

XXР олимларининг фикрича, Мусо Буғрохоннинг ҳукмронлигидан кейин Қорахонийлар хоқонлигининг иқтисоди тезда ривожланди ва қуввати ортти. Бу ҳол Абу Ҳасан Буғрохоннинг ташқи сиёсатидаги фаоллигини оширди. У Хўтанга қарши уруш қилиб, кўзда тутилган натижага эриша олмаганидан кейин, ўз эътиборини бошқа томонга - Сомонийлар хонлигига қаратди ва уни биринчи даражали нишон қилиб олди.

Лю Чжишяонинг фикрича, ўша даврда Сомонийлар хонлиги Марказий Осиё тарихида ҳокимиятни марказлаштириш масаласига жиддий эътибор берган давлат эди. Унинг бу борада амалга оширган сиёсати сирtdан келадиган таҳдидларга қарши туришда муҳим аҳамият касб этган бўлса ҳам, ички кучларнинг ва айрим маҳаллий ҳукуматларнинг норозилигини уйғотди. Бинобарин, X асрнинг бошларида Хоразм Сомонийлар хонлигидан ажралиб чиқиб, боқимандалик муносабатидан, яъни Сомонийлар хонлигининг давлат ғазнасига солиқ тўлаш, ғалла-буғдой топширишдан бош тортди. Шундан кейин 902 йилда Хуросонда ва 909 йилда Ҳиротда Сомонийлар хонлигига қарши кўзғолонлар бошланди. Бир-бирига уланиб кетган бу кўзғолонлар хонликнинг қувватини камайтирди, бу эса X асрнинг ўрталаридан кейин Сомонийлар хонлигининг парчалана бошлашига олиб келди⁸².

977 йилда Сабук Тегин исмли бир лашкарбоши мамлакатнинг ғарбий томонидаги бир қалъани ва унинг атрофидаги вилоятларни эгаллаб олиб, Сомонийлар хонлигидан мустақил бўлган Ғазнавийлар хонлигини ташкил қилди. Шарқда ҳозирги Покистоннинг Пешовар вилоятидан тортиб, ғарбда Хуросонгача, шимолда Амударёдан тортиб, жанубда «Форс қўлтиғи»гача бўлган

⁸² Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 303-б.

кенг заминни ўзининг ҳукмронлиги остига олди. Ғазнавийлар хонлигининг бўлиниб чиқиши билан Сомонийлар хонлиги қаттиқ заифлашди. Осиёнинг ўрта қисмидаги турли кучлар орасида Сомонийлар хонлиги ожиз давлатга айланиб қолди. Буларнинг ҳаммаси Абу Ҳасан Буғрохонга Мовароуннаҳрда муваффақият қозониш шароитини яратиб берди⁸³.

Мовароуннаҳрдаги айрим ҳокимлар ва аслзодалар Қорахонийлар сулоласига ҳамдам бўлиб, уларнинг кучи билан Сомонийлар хонлигининг ҳукмронлигидан қутулишга ҳаракат қилди.

Вэй Лянгтаонинг баён этишича, 991 йилда юзага келган вазиятдан фойдаланиб, Қорахонийлар сулоласи Мовароуннаҳрга шарқ ва шимолдан ҳарбий юриш қилди. Шарқий қўшинга Абу Ҳасан Буғрохоннинг ўзи бошчилик қилди. Шимолдан йўлга чиққан қўшинга Абу Ҳасан Буғрохоннинг набира укаси Хорун (Қилич Буғрохон) кумондонлик қилди.

Абу Ҳасан Буғрохоннинг қўшини Помир тоғидан ўтиб, Фарғона водийсининг бир чеккасига етиб борганида, Хорун кўмондонлигидаги қўшин Иссиққўл орқали Фарғона водийсига яқинлашиб келди. Ҳар икки қўшин Фарғонага икки томондан ҳужум қилди. Ички курашлардан ҳолсизланиб қолган сомонийлар қорахонийларнинг бундай зарбасига бардош беролмади⁸⁴.

Маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагонларнинг яширин ёрдами билан қорахонийлар қўшинлари Фарғонадаги биринчи жангда ғалаба қилиб, ўз рақибларини Самарқанд ва Бухоро вилоятларига чекинишга мажбур қилди. Узок ўтмай, қорахонийлар қўшинлари Мовароуннаҳрда муҳим ҳарбий ва савдо аҳамиятга эга бўлган Самарқандни ишғол қилди. Бу вақтда Сомонийлар хонлиги ўзининг пойтахти

⁸³ Ўша асар. 303-304-б.

⁸⁴ *Вэй Лянгтао*. Қорахонийлар тарихидан баён. 121-125-б

бўлган Бухоронигина сақлаб қолишга муяссар бўлган эди. Аммо улар бу охирги маконини ҳам узоқ тутиб туролмади. 992 йилда Хорун кўмондонлиги остидаги қорахонийлар кўшинлари Бухоро қалъасига ҳужум қилди. Сомонийлар шохи Абдул малик Бухоронинг бош назоратчиси амир Нуҳнинг ҳимоясида қалъани ташлаб, қочиб кетди. Бухоро қалъаси қорахонийлар кўшини томонидан биринчи марта ишғол қилинди.

Ушбу воқеадан кейинги кунларда Сомонийлар хонлигининг қолган кучлари қайта-қайта қаршилик кўрсатиб, қорахонийлар кўшини билан кескин жанглар олиб борди ва Бухоро қалъасини вақтинча қайтариб олди, лекин улар ўз ҳокимиятини илгаригидек мустаҳкамлаш имкониятига эга бўла олмади.

Бухорони узил-кесил кўлга олгандан кейин Хорун кўмондонлигидаги қорахонийлар кўшини Бадахшонга йўл олиб, у ерни ҳам бўйсиндирди ва Эрон тепалигидаги Ҳирот қалъасининг ёнигача етиб борди. 993 йилда Қашқарга қайтиш сафарида Хорун касалликдан оламдан ўтди.

Хитой олими Лю Чжишяонинг ёзишича, Қорахонийлар хоқонлигида ўзига атаб танга зарб қилдирган киши Хорун эканлиги маълум. Бу ҳол шу вақтдаги Қорахонийлар хоқонлигида Абу Ҳасандан кейин Хоруннинг иккинчи ўринда турганлигини кўрсатади. Бироқ Хорун бевақт вафот этганлиги учун, унинг ўз номига атаб танга куйдиришининг асл мақсади ва сири тўлалигича ойдинлашмаган⁸⁵.

Ўша даврда Қорахонийлар хоқонлигининг кўлга киритган ютуқлари унча мустаҳкам эмас эди, зеро Марказий Осиё худудида Сомонийлар хонлигининг қолдиқ кучлари ўзларига тобе бўлган баъзи қабилаларнинг ёрдамида қорахонийлар кўшинлари билан тўхтовсиз жанг

⁸⁵ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 305-б.

қилмоқда эди⁸⁶. Шу сабабдан уларнинг Мовароуннахр худудида қозонган муваффақиятлари Қашқарда юз берган салбий воқеалар туфайли кўзга кўринмай қолди. Хўтандаги буддистлар ҳокимияти Қашғардаги қорахонийлар кўшинининг Сомонийларга қарши юриш қилганлиги ва Абу Ҳасаннинг Самарқандда туриб қолганлигидан фойдаланиб, Қашқар фуқароларини қуролли кўзғолон кўтаришга даъват этди. Кўзғолончилар ёрдамида хўтанликлар Қашғар қалъасини ишғол қилиб олдилар. Шунда Қорахонийлар хоқонлиги ўзининг ҳукмронлик марказидан айрилиб қолди.

996 йилда Абу Ҳасан Қорахонийларнинг Мовароуннахрдаги кўшинларини Қашғарга қайтариб, буддистлар исёнига қарши жангда қатнашди. Жанг натижасида қорахонийлар кўшини хўтанликларни мағлуб қилиб, Қашғар қалъасини қайтариб олди. Шунинг билан Абу Ҳасаннинг диққат-эътибори Хўтандаги буддистлар ҳокимиятига қарши курашга йўлантирилди. Аммо у Хўтан масаласида муваффақиятга эриша олмади. Бинобарин, 998 йилда Хўтанда содир бўлган жанг Абу Ҳасаннинг кутганидан тамоман бошқа натижа берди. 998 йилда Абу Ҳасан Ёркент атрофида урушда ўлди⁸⁷. Хўтан кўшинлари Қашқарни қайта қўлга киритди. Қашқарни қайтариб олиш учун Қорахонийлар анча куч ва вақт сарфлади.

Хитой олимлари келтирган маълумотларга кўра, Абу Ҳасаннинг тўлиқ исми Абу Ҳасан Али Бинни Мусоашшухут бўлган. У тарихда Қорахонийларнинг буддистларга қарши урушда вафот этган ҳоқони ҳисобланади⁸⁸.

Хўтан буддистларига қарши курашга ва узоққа чўзилган урушларга хотима бериб, Хўтан (Удун)

⁸⁶ *Ҳожи Нурҳожи*. Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар. Урумчи, 2001. 244-251-б.

⁸⁷ *Лю Чжишяо*. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 307-б.

⁸⁸ Ўша жойда.

давлатини итоат қилдириш, у ерда ислом динига эътиқодни сингдириш каби ишлар Абу Ҳасаннинг вориси ва Ҳоруннинг катта ўғли Юсуф Қодирхон томонидан амалга оширилган. Шу сабабдан мусулмон манбаларида Абу Ҳасан ва Юсуф Қодирхонларнинг фаолияти катта олқишлар билан тилга олинади. Уларнинг қабри Қашқарда ҳозиргача сақланиб қолган⁸⁹.

Абу Ҳасаннинг насабномасида кўрсатилишича, у Мусо Буғрохон (Муса бинни Абдукарим – 956-958)нинг катта ўғли, Сутуқ Буғрохоннинг набираси. Абу Ҳасаннинг 4 ўғли бўлиб, каттасининг исми Аҳмадали, иккинчисиники - Носирали, учинчисиники – Мансурали ва тўртинчиси-нинг исми Муҳаммадалидир. Бу 4 ака-ука тарихда Алилар, уларнинг авлодлари эса «Али гуруҳи» деб аталади. Али гуруҳидагилар кейинги йилларда Туркистоннинг ишларини изчил бошқарган.

Абу Ҳасан Буғрохон номи билан тахтда ўтирганида, унинг катта ўғли Аҳмадали Қорахонийлар ҳоқонининг вакили сифатида Болосоғунда турар эди. Шу боис у баъзида шимолий ҳудуд ҳукмдори деб ҳам аталган⁹⁰.

Абу Ҳасаннинг ўрнига ҳоқон бўлган Юсуф Қодирхон Хорун Абу Мусо Алиҳасан бинни Сулаймон (Қилич Буғрохон)нинг катта ўғли ҳисобланади. Унинг насабномасига кўра, Юсуф Қодирхон – Хоруннинг катта ўғли бўлган. Хоруннинг иккинчи ўғли Аҳмад Ҳасан, учинчиси Али Ҳасан эди. Бу уч ака-ука Ҳасанлар деб, уларнинг авлодлари «Ҳасан гуруҳи» ёки «Сулаймон гуруҳи» деб аталган.

Юсуф Қодирхон даврида Али Ҳасанга Қорахонийлар итоатидаги ҳудуднинг ғарбий қисмини идора қилиш вазифаси юкланган ва унга Ўзган қалъасида туриш белгиланган. Хўтан буддистлари Қашқар қалъасини олиб,

⁸⁹ Ўша жойда.

⁹⁰ Ўша жойда.

қорахонийлар қўшинларининг аксарият қисмини Торим воҳасининг жанубида банд қилиб турган кунларда, Сомонийлар хонлигининг собиқ Бухоро ҳокими амир Нух хонлик тахтини тортиб олиб, ўзини хон деб эълон қилди ва Сомонийлар хонлиги деган номни давом эттирди. Шунда у бир қатор чорвадор қабилаларнинг мададига ва ғарбий давлатларнинг қўллашига сазовор бўлди.

2. 3. Қорахонийлар ва Ғазнавийлар муносабатларининг ёритилиши

Хитой олимлари асарларида Қорахонийлар хоқонлиги билан Ғазнавийлар давлати орасидаги муносабатларга ҳам маълум даражада эътибор берилган. Ушбу асарларда баён этилишича, улар ўртасида узоқ давом этган урушнинг бошланишига Ғазнавийлар хонлиги амири Нух сабабчи бўлган. Чунки қорахонийлар қўшинлари Қашқар ва унинг ёнидаги вилоятларда банд бўлиб турганида, ушбу амир Бухоро қалъасини қуршаб олиб, маҳаллий аҳолининг ёрдамида уни ўз назорати остига олган. Шунинг билан бир вақтда амир Нух ёридамида Бадахшон ва унинг яқинидаги жойларда қорахонийларга қарши қўзғолонлар кўтарилган. Қорахонийлар сулоласининг бу ҳудуддаги ҳукмронлиги барбод бўлиш ҳолатига келиб қолган.

Шундай вазиятда Али Носир (Носир Илекхон) қорахонийларнинг Мовароуннаҳр ҳудудидаги қўшинларини Самарқандда тўплаб, бу қалъани сақлаб қолишга уринган.

Самарқанд ёнидаги уруш бир неча ой давом этганидан кейин, амир Нух ноилож Али Носир билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Икки томоннинг келишуви натижасида Хитван чўли ўртадаги чегара деб топилди. Чўлнинг шарқидаги жойлар Қорахонийларга, ғарбидаги ерлар амир Нухга қарайдиган бўлди. Шундай қилиб, Али Носир Қорахонийлар хоқонлиги учун Мовароуннаҳр ҳудудидаги

муҳим жойларни сақлаб қола олди. 997 йилда Али Носир Сомонийлар хони алмашаётганидан фойдаланиб, Бухорога яна бир марта қўшин тортди ва бу қалъани олмоқчи бўлди. Лекин у ерли аҳоли билан сомонийлар қўшинларининг қаршилигига учраб, мағлуб бўлди.

998 йилда Абу Ҳасан Ёркент атрофидаги жангда ҳалок бўлди. Хўтан қўшинлари биратўла Қашқар қалъасини босиб олганида, Юсуф Қодирхон Самарқандда тахтга ворислик қилиб, ғайри мусулмонларга қарши туриш шиори остида ислом аҳлини урушга сафарбар қилди ва Қашқарга юриш қилди. Шундан сўнг Мовароуннаҳрнинг ишлари Али Носирга топширилди.

Ундан кейинги даврда амир Нух ички душманлар томонидан ўлдирилди ва Сомонийлар тахтига Абдумалик исмли бир гўдак бола ўтирди. Бу фурсатдан фойдаланиб, Али Носир яна Бухорога қўшин юборди ва ўз рақибини осонгина енгди.

Шу йилнинг қурбон ҳайитида қорахонийларнинг қўшини Бухорода қалъага кириш маросимини ўтказиб, Сомонийлар хонлигининг охириги подшосини қўлга олди ва бу хонликнинг 128 йиллик ҳукмронлигига хотима берди. Бу воқеадан сўнг Али Носир Бадахшон ва унинг атрофидаги вилоятларда юз берган кўзғолонларни тинчитиб, қорахонийларнинг Мовароуннаҳр ҳудудидаги ҳукмронлигини қайта тиклади.

Шундан кейинги йилларда қорахонийлар қўшини Сомонийлар хонлигининг байроғи остида ҳаракат қилган кучлар билан курашди. 1003 йилда сомонийларнинг қолган жангчилари салжук туркларининг ёрдамида Бухоро қалъаси ёнида қорахонийлар қўшинини мағлуб қилиб, Бухорони яна бир бор эгаллаб олган эди. Лекин узоқ ўтмай, қорахонийлар қўшини Али Носир бошчилигида Бухорони қайтариб олди. Бухоро қалъасининг яна қўлдан бой берилганлиги улар учун умумий хотима бўлди. Шундан

эътиборан Сомонийлар хонлиги тарихий саҳнадан йўқ бўлди.

Қорахонийлар тарихини ўрганган Хитой олимлари Юсуф Кодирхоннинг фаолиятига алоҳида эътибор беришган. Уларнинг ёзишича, биринчидан, у ислом байроғи остида Будда дини тарафдорларининг марказларидан бири бўлган Хўтан шаҳрини марказ қилган ҳокимиятига қарши уруш олиб борган. Иккинчидан, Ғазнавийлар хонлиги билан бўлган муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилган. Учинчидан, Қорахонийлар хоқонлигининг тараққий топа олиши учун зарур шороитнинг яратилиши Ғазнавийлар хонлиги билан ҳамкорлашиб Сомонийлар давлатини ожизлаштиришга боғлиқ деб билган⁹¹.

XXР тарихчиларининг баён этишича, X асрнинг охирларига келганда Мовароуннаҳр ҳудудида қорахонийлар Сомонийлар хонлигига узил-кесил зарба бериб, мағлубиятга учратган ва қисқа давр ичида ушбу хонликни йўқ қилди. Ғазнавийлар хонлиги ҳукмдорлари бу ҳолатни ҳисобга олди. Қорахонийлар билан Сомонийлар ўртасидаги уруш майдонлари бир неча марта Амударёга яқинлашиб борди. Бироқ Ғазнавийлар хонлиги Амударёнинг шимолида юз берган урушларга аралашмади. Ҳар ҳолда аралашганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳозирч топилгани йўқ.

Эҳтимол, бунга қорахонийлар билан Ғазнавийлар ўртасида мавжуд бўлган душманга биргаликда қарши туриш зарурияти сабаб бўлгандир. Чунки Сомонийлар хонлигини ағдариб ташлаш уларнинг умумий мақсади бўлган. Қолаверса, шу даврда уларнинг ўртасида тўқнашувга сабаб бўлган бирор воқеа содир бўлмаган. Қорахонийларнинг ҳарбий фаолияти Мовароуннаҳр

⁹¹ *Ҳожии Нурҳожии*. Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар. 244-251-б.; *Вэй Лянҗао*. Қорахонийлар тарихидан баён. 125-133-б.

худуди билангина чекланиб, унинг назари Амударёнинг жанубидаги Ғазнавийлар хонлигининг заминиға тушмаган. 1001 йилда Қорахонийлар ҳатто Алининг қизини Ғазнавийлар хонлигининг ҳукмдори Султон Маҳмудга турмушга берди⁹².

Султон Маҳмуд диндор одам эди. У Ҳиндистондаги ғайри мусулмонларни қувиб чиқармагунга қадар ушбу мамлакатда уруш қилишга қасам ичган. 1001 йилдан бошлаб, олти йилга яқин вақт давомида Маҳмуд ана шу мақсадда Ҳиндистонга уч марта қўшин тортиб бориб, бир қатор урушлар олиб борган.

Бу орада сиёсий манфаатнинг диний манфаатдан ҳам устун туришига яққол мисол бўла оладиган ходисалар юз бера бошлади. Қорахонийлар хоқонлиги Маҳмуднинг Ҳиндистонда ғайри мусулмонларга қарши олиб борган урушларини қўллаб-қувватламади. Аксинча, 1005 йилда улар ўзларининг Мовароуннаҳр ҳудудидаги ғалабаларидан илҳомланиб ва Маҳмуднинг Ҳиндистонга юриши билан банд бўлганлигидан фойдаланиб, тусатдан Ғазнавийлар хонлигига кенг қўламли ҳужум уюштирди. Қорахонийлар қўшини Амударёдан ўтгандан кейин икки қисмга бўлиниб, Хуросон ҳудудигача бостириб кирди, Ғазнавийлар хонлигининг Балх ва Марв каби шаҳарларини бирин-кетин эгаллаб олди. Бу Қорахонийлар билан Ғазнавийлар хонлиги ўртасидаги узок муддатли урушнинг муқаддимаси бўлган эди.

Қорахонийлар қўшинининг кутилмаган ҳужуми Султон Маҳмудни Ҳиндистонга қаратган урушини тўхтатишга мажбур қилди. 1006 йилда у Балх қалъаси ёнида Қорахонийлар қўшинини мағлуб қилди. Кейин қорахонийларнинг Хуросондан йўлга чиқаётган яна бир қўшинига тўсатдан зарба бериб, сон-саноксиз ҳарбий

⁹² Ўша жойда.

курол-яроғ ва бошқа мулкларни ўлжа қилиб олди. Шунинг билан қорахонийларнинг Амударёнинг жанубидаги вилоятларга эгалик қилиш ғарази йўққа чиқди. Кейинги бир йил давомида қорахонийлар қўшинлари ғарбий ҳудуд бош ҳокими Али Носирнинг қўмондонлиги остида бир неча марта Амударёдан ўтиб, Балх ҳудудида Ғазнавийлар хонлигининг қўшини билан жанг қилди. Лекин бу урушлар улар учун мағлубият билан тугади.

1007 йилда Илек Носир Хўтан ҳокими Юсуф Қодирхон билан бирга ғарбий ҳудуд қўшинлари ёрдамида Амударёдан ўтиб, Балх қалъасини эгаллаб олмоқчи бўлди. Натижада 1008 йил биринчи ойнинг 4 куни Балхга яқин жойда қорахонийлар ва Султон Маҳмуд қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг содир бўлди. Ушбу жангга Султон Маҳмуд 500 та фил сафарбар қилган⁹³.

Тилга олинаётган Балх учун қилинган ҳарбий ҳаракатлар XI асрнинг бошларида Амударё жанубида юз берган бир марталик кенг қўламли уруш эди. Унда ҳар икки тараф ислом динини байроқ қилганлиги учун атрофидаги ҳудудларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилди. Шунинг учун ҳалқ орасида ва тарихий ҳужжатларда бу сафардаги уруш тўғрисида кўпгина маълумотлар сақланиб қолган. Кескин жанглардан кейин Ғазнавийлар хонлигининг фил минган жангчилардан иборат асосий ҳарбий қисмлари қорахонийлар қўшинини мағлуб қилди. Шундан кейин қорахонийлар Амударёнинг жанубига ўтиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Натижада Амударё икки давлат – Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлатларининг чегараси бўлиб қолди.

Балх қалъасидаги мағлубият қорахонийлар сулоласининг ҳукмдорлари ўртасида зиддият пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ғарбий ҳудуд бош ҳокими Носир Илекхон бошчилигидаги уруш тарафдорлари Ғазнавийлар хонлиги

⁹³ *Вэй Лянгао*. Калахан вангчао шигао. 87-б.

билан бўлган урушни давом эттиришга даъват этди. Шимолий ҳудуд бош ҳокими бошчилигидаги сулҳчилар Ғазнавийлар хонлиги билан урушни тўхтатиш ташаббуси билан чиқдилар.

Ғазнавийлар хукмдори Султон Маҳмуд қорахонийларнинг ички зиддиятларидан фойдаланиб, 1010 йилда Болосоғунга махфий элчи юборди ва шимолий ҳудуд бош ҳокими билан тил бириктирди. Бу воқеадан хабар топган Юсуф Қодирхон шимолий ҳудуд бош ҳокимини жазолаш учун ғарбий ҳудуд бош ҳокимига Болосоғунга жазо юриши қилишни буюрди. Ғарбий ҳудуд бош ҳокими етакчилик қилган қўшин Болосоғунга яқин борганида, Ғазнавийлар хонлиги бу тадбирга ошкора аралашди. Ғазнавийлар элчиси Юсуф Қодирхонга Болосоғунга қаратилган жазо тўхтатилса, Ғазнавийлар хонлиги Қорахонийлар хоқонлигининг ҳамма тилакларини қондиришга тайёр, акс ҳолда Ғазнавийлар хонлиги ҳарбий куч ишлатиб, зарур чоратадбирларни амалга оширади, деб уқтирди. 1011 йилда Қорахонийлар хоқонлиги Ғазнавийлар хонлигининг сулҳ тузиш таклифини қабул қилиб, Болосоғунга қаратилган жазо юришини тўхтатди⁹⁴.

Ғазнавийлар хонлиги муносабатда устунлик пайдо қилиш усули билан, Юсуф Қодирхонни Ғазнавийлар хонлиги билан давомли уруш қилиш ҳаёлидан воз кечишга мажбур қилиш орқали, ўзининг стратегик мақсадига етди. Шундан эътиборан Қорахонийлар билан Ғазнавийлар хонлиги бир-бирига қарши ҳаракат қилмай, тинч ўтишди. Бундай натижа Султон Маҳмудга қўл келар эди, зеро шу тинчлик эвазига у ўз ҳаётида муҳим ишларни амалга ошириш имкониятига эга бўлди⁹⁵.

1012 йилда Ғарбий ҳудуд бош ҳокими Али Носир вафот этди. У ўз жамоатидан бўлган шимолий бош ҳоким

⁹⁴ *Ҳожи Нурҳожи*. Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар. 254-б.

⁹⁵ *Ўша жойда*. 251-255-б.; *Вэй Лянгао*. Қорахонийлар тарихидан баён. 133-136-б.

билан иноқ бўлмаганлиги учун Юсуф Қодирхон Мовароуннахр худудини осонгина қўлга киритди ва Ғарбий худуднинг бош ҳокими лавозимини иниси Али Тегин (Али бинни Ҳасан)га топширди. Шунинг билан Хорун гуруҳининг таъсир кучи Мовароуннахр худудигача кенгайди.

Вэй Лянгтаонинг ёзишича Қорахонийлар хоқонлигининг худуди ғарбда Қорақум чўлидан шарқда Лобнор қўлигача, шимолда Балхаш кўлидан жанубда Амударёнинг жанубий қирғоқларигача кенгайган⁹⁶.

2.4. Хоқонликнинг шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниши ва бу воқеа оқибатларининг акс эттирилиши

Қорахонийлар хоқонлигининг парчаланиши ҳам ХХР олимлари тадқиқотларида кенг ёритилган масалалардан бири ҳисобланади. Уларнинг бу тарихий ходиса ҳақидаги фикрича, Юсуф Қодирхоннинг Ғазнавийлар хонлигининг босимига ён бериши Қорахонийлар хоқонлигининг парчаланиб кетишига муқаддима эди.

ХХР олимларининг баён қилишича, 1017 йилда шимолий худуд бош ҳокими Қорахонийлар хоқонлигига итоат қилишдан бош тортди. Илгари Болосоғунга қаратилган жазо юришини тўхтатиб, ҳақоратда қолган Юсуф Қодирхон бу сафар ўзи қўшин бошлаб, Қашқардан йўлга чиқди ва Самарқанд орқали Болосоғунга юриш қилди. Аммо Юсуф Қодирхон қаттиқ қаршиликка учради. Қорахонийлар қўшини мағлуб бўлиб, Мовароуннахр худудига қувгин килинди.

Бу сафарги уруш ҳаммаси бўлиб 3 ой давом этди. 1018 йилда шимолий худуд бош ҳокими ғалаба билан қайтиб кетаётиб, йўлда вафот этди.

⁹⁶ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. 156-б.

Болосоғунга қаратилган жазо юришининг мағлубият билан тугаши Юсуф Қодирхон бошчилигидаги Қорахонийлар хоқонлигининг ташқи рақиблари устидан ғалаба қилиш имкониятидан ҳам, ички курашларни тинчитиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлганлигидан далолат берган эди. Бу ҳол бошқа ерли феодал аслзодаларнинг ҳам Қорахонийлар хоқонлигидан бўлиниб чиқиб кетишига ердам берди. Шимолий ҳудуд бош ҳокими тўполон кўтариб, бир йил ўтар-ўтмас, Қорахонийлар хоқонлигида амалий кучи энг зўр бўлган ғарбий ҳудуд бош ҳокими Али Тегин ошкора холда акаси Юсуф Қодирхонга хиёнат қилди.

Али Тегиннинг кўлида Қорахонийлар хоқонлигининг муҳим иқтисодий ва маданий маркази бўлган Моваруннаҳр ҳудуди ҳам, Ғазнавийлар хонлиги ва кўзғолон кўтарган шимолий ҳудуд бош ҳокимига қарши туриш учун бу ерга жойлаштирилган зўр кўшин ҳам бор эди.

Бундан ҳам муҳимроқ томони шуки, бу сафарги кўзғолон Қорахонийлар хоқонлигининг маркази Қашқарга яқин жойда бўлганлиги мазкур давлат ҳукмронларини қаттиқ саросимага солди. Шиддат билан кўтарилаётган сиёсий бўронда ҳолсизланган Қорахонийлар хоқонлиги рақибини дўст билиб, Ғазнавийлар хонлигининг кучига суянди ва Ғарбий ҳудуд бош ҳокимининг кўзғолонини тинчитишга мажбур бўлди. Юсуф Қодирхоннинг талабига биноан Ғазнавийлар хонлигининг подшоси Маҳмуд 1025 йилда ўзи бевосита кўшин тортиб, Амударё орқали Самарқандга ғарбдан юриш қилди. Юсуф Қодирхон ҳам шахсан ўзи Қашқардан кўшин тортиб чиқиб, Самарқандга шарқдан юриш қилди. Икки кўшиннинг исканжасига тушиб қолган Али Тегин такрор-такрор жангларда ғалаба қозона олмаганидан кейин, Самарқандни ташлаб, Сирдарёнинг шимолига чиқиб кетди ва қумлоқларда сарсон бўлиб юрди. Юсуф Қодирхон Самарқандни

қайтариб олди, Султон Маҳмуд эса Бухорони эгаллади. Ўрта Осиёдаги машҳур шаҳар Бухорони Ғазнавийлар хонлиги талон-тарож қилди.

Али Тегин бошчилигидаги ғалаён тинчитилгандан кейин Юсуф Қодирхон Мовароуннаҳр бошқарувини ўзининг иккинчи ўғли Катта Тегинга топширди. Бу Қорахонийлар ва Ғазнавийлар хонликлари орасидаги муносабатларнинг энг қуюқ вақти эди. Икки тараф қуандалик муносабатларини ҳам ўрнатди.

1032 йилда Юсуф Қодирхон вафот этиш муносабати билан Торим воҳасининг жанубидаги деярли ҳамма воҳаларида Қорахонийлар хоқонлигига қарши қуролли кўзғолонлар кўтарилди. Кўзғолончилар жойлардаги мусулмон масжидларини бузиб ташлаб, Будда дини ибодатхоналарининг фаолиятларини қайта бошлаб юбордилар. Кўзғолон тез орада Хўтан (Удун деб ҳам аталган), Ёркентларгача етиб борди. Хатто Қашқар атрофларида ҳам нотинчлик ва бесаранжомликлар бошланди.

Торим воҳасининг жанубий ҳудудларида кўзғолонлар алангаси ловуллаб турган пайтда, Али Тегин яна Бухоро ва Самарқандни қўлга киритди ва Қорахонийлар хоқонлигидан мустақил ҳокимият ташкил қилди. Бу сафар Али Тегин Туркистондаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, Ғазнавийлар хонлигининг душмани бўлган салжуклар билан иттифоқ тузди. Бу пайтда салжуклар Осиёнинг ғарбида ҳал қилувчи куч бўлиб қолган эди. Улар Осиёнинг тарқоқ ва кучсиз сулолаларига босим ўтказиш билан бирга Ғазнавийлар хонлигига ҳам шиддатли зарбалар бериб, унинг амалий кучини ожизлаштираётган эди.

Ғазнавийлар хонлигининг заифлашиши туфайли Марказий Осиёдаги вазиятда муқимлик йўқолди. Қорахонийлар хонлиги Али Тегинни банд қилиб турувчи муҳим куч бўлган Ғазнавийлар хонлигидан маҳрум бўлди. Али

Тегин эса, аксинча, ўзига бевосита таҳдид қилиши мумкин бўлган кучлардан қутулиб, анча кучайди.

Тахминан 1032 йил атрофида Али Тегин ўзининг бошқаруви доирасини Мовароуннаҳр ҳудуди томонга кенгайтиришга киришди. Тўрт йиллик ҳаракат натижасида у ижобий натижаларга эришгандан кейин 1036 йилда у ўзини Ҳокон деб эълон қилиб, Қашқарга итоат қилишдан бош тортди. Натижада катта бир давлат икки қисмга бўлинди. Бу ҳолат бутун Туркистондаги сиёсий, иқтисодий ва этник вазиятга таъсир кўрсатди.

1039 йилда Али Тегин вафот этиб, унинг ўғли Юсуф бинни Али хон тахтига ўтирди. Шундан кейинги икки йил давомида марҳумнинг гуруҳидагилар бирин-кетин Бухоро ва Самарқандни ўз назоратига олишган.

XXР тарихчилари Қорахонийлар давлатининг бўлинишдан кейин унинг ҳудудида юзага келган сиёсий вазиятга, айниқса Шарқий Қорахонийлар хоқонлигида бўлиб ўтган ўзгаришларга катта этибор қаратишган. Улар баён қилган воқеаларнинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат.

Юсуф Қодирхон вафотидан (1032 й.) сўнг Қашқар тахтига марҳумнинг катта ўғли Сулаймон бинни Юсуф ўтирган. Ҳурмат юзасидан уни «шарофатли Сулаймон» деб аташган. Айрим ҳужжатларда унинг маънавий фазилатларига юксак баҳо берилган ҳоллар учрайди. Бироқ амалда Қорахонийлар хоқонлиги тарихидаги кўп нохуш воқеалар ва ички низолар айнан шу Сулаймон бинни Юсуф ҳукмронлик қилган даврда содир бўлган. Энг катта фожеали воқеа Қорахонийлар хоқонлигининг шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетиши ва Али Тегиннинг Мовароуннаҳр ҳудудида ўзини ҳокон деб эълон қилиши бўлди.

Сулаймон бинни Юсуфнинг ҳаёти ҳам фожеали тугади. У 1056 йилда ўз қариндоши Муҳаммад бинни Юсуф билан

қилган жангда мағлуб бўлиб, ўлдирилди. Мархумнинг ўрнига Муҳаммад бинни Юсуф хоқон этиб тайинланди ва у Муҳаммад Буғрохон номи билан ҳукмронлик қилди. Аммо у 15 ойдан кейин ўз ўрнини катта ўғли Ҳусайн бинни Муҳаммадга берди. Кўпгина олимлар ушбу янги ҳукмдорни «Девону Луғотит турк»нинг муаллифи Маҳмуд Қошғарийнинг отаси деб ҳисоблайди.

Аммо янги хоқоннинг ҳукмронлик даври узоққа чўзилмади. У 1057 йилдаги бир уруш сафарида вафот этган. Мархумнинг ўрнини Юсуф Қодирхоннинг учинчи ўғли Маҳмуд бинни Юсуф эгаллади. Маҳмуд ўз акасининг ўғли Ҳасан билан ҳамкорликда ғарбий Қорахонийлар хоқонлигидан ғарбий Помир баландлигидаги бир заминни тортиб олиб, Қорахонийлар хоқонлигини қайта гуллатиш ниятида Или дарёси водийси, Балқаш кўли ва Олтой тоғи атрофларига қўшин юборди.

Маҳмуднинг хоқонлик даврида хонлиқнинг амалий ҳуқуқи Ҳасаннинг қўлида бўлган. 1069 йилда Юсуф Хос Хожиб ўзининг буюк асари «Қутадғу билик»ни ана шу Ҳасанга ҳадя қилган.

Қорахонийлар хоқонлиги икки қисмга бўлинганидан кейинги йилларда Осиёнинг ғарбий ва шарқий қисмларида ғоят муҳим ўзгаришлар юз бераётганди. Бу ўзгаришлар ҳатто Осиёнинг ўрта қисмига ҳам ёйилмоқда эди. Осиёнинг ғарбида салжуклар 1043 йилда Эроннинг шарқидаги Хуросон ҳудуди билан Хоразм қалъасини ишғол қилиб, салжуклар хонлигини ташкил қилди. 1055 йилда салжуклар хонлиги Эронни буткул босиб олди ва Боғдод қалъасини эгаллади. Шундан кейин жанубий Кавказни ўз заминига қўшиб олди. 1071 йилда улар Византия империясини мағлуб қилиб, Кичик Осиё ҳудудини ўзига бўйсундирди.

XI асрнинг 70 йилларидан бошлаб ғарбий ва шарқий Қорахонийлар хоқонликлари заифлаша бошлади. 1072

йилда салжуклар Амударёнинг жанубий қирғоғида ғарбий қорахонийлар қўшинини мағлуб қилди. Ўша сафарги жангда салжуклар хонлиги қўшинининг саркардаси ўлдирилганлиги учун салжуклар қўшини олға силжимади. 1088 йилда салжуклар хонлиги Бухоро, Хоразм, Самарканд каби қалъаларни ишғол қилди. Бу билан ғарбий Қорахонийлар хоқонлиги салжуклар хонлигига солиқ тўлайдиган мустамлака давлатга айланиб қолди.

Шу даврдан эътиборан Мовароуннаҳрдан тортиб, Ўрта денгизнинг шарқий қирғоғигача бўлган ораликда салжуклар қурган ва марказлашган ислом давлати вужудга келди. Салжуклар хонлиги куч-қудратининг камолотга етганлигининг белгиси шуки, улар ислом дунёсининг муқаддас жойлари бўлмиш Макка билан Мадинани бошқариш ҳуқуқини қўлга олишган эди.

XI асрнинг охирларига келиб, қорахонийлар хонлигининг ҳуқуқ доираси Торим воҳасининг ғарбий ва жанубий томонидаги ҳудудлар билангина чекланиб қолди.

Ўша замонларда Марказий Осиёда, салжукларни ҳисобга олмаганда, ҳукм сурган сулола ва хонликлар ичида Ёллуғ Тошин (Елуй Даши) етакчилигида қитонлар (киданлар) ташкил этган Ғарбий Ляо (хитой манбаларида Шиляо – 1124-1211)⁹⁷ давлати ҳам бор эди. Чет эл тарихий ҳужжатларида бу давлат «Қорахитой хонлиги» деб аталади. Ушбу давлатнинг Марказий Осиёда пайдо бўлиши

⁹⁷ 1125 йилда Манжурияда янгидан ташкил топган Жин (Jin 金 – 1115-1234) давлати шу заминда мавжуд бўлган Ляо (遼 / 辽) аталмиш қитонлар (рус тили адабиётларида кидань, хитой манбаларида цидань) хонлигини йўқ қилди. Шундан кейин қитонлар ғарб томонга чекиниб бориб ҳозирги ХХРнинг шимоли-ғарбий ҳудудида янги давлат ташкил этган. Хитой манбаларида ушбу давлат «Шиляо» (西遼 / 西辽 – Ғарбий Ляо), мусулмон манбаларида эса Қорахитойлар давлати деб аталади.

бир мунча тарихий воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

1123 йилда Ёллуғ Тошиннинг кўшини Қашқарда Қорахонийлар хоқонлигининг охириги хоқони Ахмад кўмондонлигидаги кўшинни мағлуб қилиб, Торим воҳасининг жанубида қорахонийларга тобе бўлган заминни босиб олиб, Фарбий Ляо сулоласи учун мустаҳкам асос яратди⁹⁸. Шундан эътиборан унинг учун Фарбий Қорахонийлар хонлигига қарши ҳаракат қилишга ва унинг устидан ўз назоратини ўрнатишга қулай шарт-шароит вужудга келди.

3- БОБ. ХХР ТАРИХЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВ ТУЗИМИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ТАЪРИФЛАНИШИ

3.1 Бошқарув тузими

Қорахонийлар хоқонлигининг бошқарув тузими⁹⁹ масала-ласи ҳам ХХР олимлари тадқиқотларида муҳим ўрин эгаллаган мавзулардан биридир. Уларда баён этилишича, хоқонликнинг олий даражали ҳукмдори хоқон деб, унинг

⁹⁸ *Вэй Лянгао*. Қорахонийлар тарихидан баён. 190-б.

⁹⁹ Ушбу масала туркиялик олим Ришот Ганж (1941 йилда туғилган)нинг 1975-1980 йилларда амалга оширган «Қорахонийларнинг давлат ташкилоти» номли тадқиқотида ёритилган. Мазкур тадқиқот 1990 йилда Урумчи шаҳрида уйғур тилида (араб ёзувида) нашр этилган (ҳажми 454 бет). Ушбу китобимизни ёзишда ХХР олимлари томонидан нашр этилган асарларни асос қилиб олганлигимиз ва Ўзбекистон ёш олимаси Д.Дутўраеванинг Қорахонийлар хоқонлиги тарихига оид докторлик диссертация устида иш олиб бораётганлиги учун Рашид Ганжнинг мазкур асари ишимизга жалб этилмади.

турар жойи эса ўрда деб номланган, одатда у пойтахтнинг марказида жойлашган. Давлатни идора қилишда хоқонга бевосита ёрдам берувчилар вазир деб номланган. Вазир лавозими одатда юғуриш, ёбғу, тўксин, ҳожиб каби даражаларга бўлинган. Вазирлардан кейин турадиган орган ўрда маҳкамаси деб номланган. Унга қабул қилинганлар маслаҳатчилардан иборат бўлган. Барча вазирларга етакчилик қилиш ва улар устидан назорат ўрнатиш *югуруш* деб аталган вазир зиммасига юкланган. Шунинг учун уни вазирлар вазири деб айтиш мумкин. *Югуруш*нинг мавқеи хоқондан кейин биринчи ўринда турган.

Вазирларни тайинлаш хоқоннинг ихтёрида бўлган. Хоқон томонидан лавозимга тайинланган одамга инъом этилган мансабга биноан туғ (байроқ), ноғора, совут, тўн, миниш учун от ва вазирлик тамғаси тақдим этилган¹⁰⁰.

Вазирлик лавозимига халқ орасидан чиққан билимдон ва донишманд одамлар ҳам тайинланган. Булар хоқоннинг яқин қариндошлари бўлиши шарт бўлмаган.

Қорахонийлар хоқонлигида вазирлар муҳим роль уйнаган. Юсуф Ҳос Ҳожибнинг фикри билан айтганда, вазирликка шундай одам тайинланиши керакки, у ақилли, барча иш қўлидан келадиган ва ишни чин кўнгилдан қиладиган, билими кўп, тақводор, ўз ҳаётини тўғрилиқ билан ўтказадиган одам бўлиши лозим. У ҳаёли, кўзи тўқ, ишончли бўлиши, мол-дунёга ҳирс қўймаслиги керак. Муҳими – ҳисоб-китобни, ҳар хил ёзувларни биладиган, зеҳни ўткир, чечан бўлиши лозим. Яхши вазир ҳар доим бир маслаҳатчи бола олади¹⁰¹.

Ушбу фикрни Юсуф Ҳос Ҳожиб қуйидагича етказган:
«Ай хон, вазирдир бекнинг қули ҳар замон, керакдур бу бекка вазир, бегумон, вазир яхши бўлса, тинч ухлайди хон.

¹⁰⁰ Ҳожи Нурҳожи. Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар. 298-299-б.

¹⁰¹ Ўша асар. 301-б.

Вазирдир бу беклар юкин йўткугучи (ташувчи), хонликнинг уясин маҳкам эткучи.

Бунингга сарра-хил тўла эр керак, кўнгул, ақли комил. Куюнса юрак.

Унинг ақли кўп бўлса, илми денгиз, бутун иш битирса, қизартса мангиз (юз), эсил ҳам тақводор, ҳам бўлса куни, дўстлик бирла ўтқузса куни.

Вазирлик улуғ иш, керак хил (танланган) киши, мукаммал етишган, хуш феъл киши.

Ақллик керак ҳам билимлик керак, силиғлик керак ҳам билимлик керак»¹⁰².

Қорахонийлар саройида *юзуруш* деб номланган бош вазирдан кейинги ўринда *ҳожиб* лавозимини эгаллаган вазир турган. Қадимий туркларда у *таёнгу* деб аталган¹⁰³. *Ҳожиб*нинг асосий вазифаси доирасига хон билан амалдорлар ва улар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлардан воқиф бўлиб туриш, юзага келган муаммоларни ечишга ҳаракат қилиш, шикоят ёки арз қилгучиларни қабул қилиш ва уларнинг шикоят ёки арзларини тинглаш, шу асосда одилона ҳукм чиқариш, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, керак бўлганда шикоят ва арз қилувчиларни хоқон олдига олиб кириш, чет эллардан келган элчиларни кутиб олиш ва кузатиш, улардан совға-саломлар қабул қилиш ва уларга совға-саломлар топшириш, келган элчиларга зиёфат бериш каби масъулиятлар кирган¹⁰⁴.

Хоқондан кейин учинчи ўринда турадиган лавозим – *ёбгу*. У унвон тариқасида ҳам қўлланган бўлиб, туркий қавмларнинг бошлиқларига берилган¹⁰⁵.

¹⁰² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Уйғурча нашр. Пекин, 1984. 477-479-б. 2181-2188 мисралар.

¹⁰³ Ҳожиги Нурҳожиги. Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар. 301-б.

¹⁰⁴ Ўша асар. 303-б.

¹⁰⁵ Ўша жойда.

Тўқсин деб номланган лавозимни эгаллаган киши хондан кейин тўртинчи ўринда турган ҳамда амалдор ва фуқаролар оилалари орасидан қобилиятли ёшларни танлаш, уларни тарбиялаш ва ўқитиш, ишга тайинлаш каби масалалар, яъни маърифат ва маънавият ишлари билан шуғулланган¹⁰⁶.

Ҳожи Нурҳожининг хулосасига кўра, бош вазир (*югуриш*), *ҳожиб* ва *тўқсин* лавозимларини эгаллаган кишилар амалда ўша даврдаги давлат ишларини бошқарувчи ҳукумат ёки энг олий органни ташкил этган¹⁰⁷. Уларнинг ихтиёрида 4та девон маҳкамаси бўлган. Булар «тўғро девони», «оғачи» («ағичи»), «қабуғ ил боши» (эшик аға) ва «амри жондор» деб аталган.

«Тўғро девони» ички ва ташқи котибият ишларини, яъни фармон, ёрлиқ, мактуб ва барча бошқа ҳужжатларни тузиш билан шуғулланган. Шу боис у котибият девони деб ҳам аталган.

«Оғачи» девони ўрдада хазина ишлари билан шуғулланган. Унинг таркибида кирим-чиқимларни, солиқлардан келадиган даромадларни ҳисоблаб турадиган ҳисобчилар, ёзув ишлари билан шуғулланадиган котиблар мавжуд бўлган. Давлатнинг иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш учун тавсиялар бериш ҳам шу девон вазифаси доирасига кирган.

«Қабуғ ил боши» (эшик оға) девонининг вазифаси ўрдада ишлаш учун ходим танлаш, уларни ишлатиш, лавозимларини белгилаш, хизматдан бўшатиш, ўрданинг хавфсизлигини таъминлаш каби мажбуриятлардан иборат бўлган. Ҳоқоннинг (ўрданинг) озиқ-овқати муаммоларини ечиш, қурол-яроқ ишлаб чиқариш, ҳарбий лавозимларга одам танлаш ва улар устидан назорат қилиш ишлари ҳам мазкур девонга юкланган.

¹⁰⁶ *Ҳожи Нурҳожи*. Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар. 303-б.

¹⁰⁷ *Ўша асар*. 304-б.

«Жандор» девони ўрдани муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланган. Унинг бошлиғи одатда «амри жондор» деб номланган.

Кўрсатилган 4 девондан ташқари «салоҳдор» деб номланган амалдор ва унинг маҳкамаси бўлган. Унинг вазифасига қурол-яроқларни сақлаш, асраш, хоқон сафарда бўлганида, унинг туғини кўтариб юриш каби ишлар кирган¹⁰⁸.

Ислом дини Қорахонийлар хоқонлигининг расмий динига айланганидан сўнг «имом маврат» деб номланган девон ташкил этилган. Халқ орасида у жазо маҳкамаси деб ҳам аталган. Ушбу девоннинг бошлиғи «қозикалон» ёки «қозикүзат» деб аталган. Унинг ёрдамчилари сифатида «муфти» (шариат ҳукмини чиқарувчи), «қози сўроқчи» (тергов ишлари билан шуғулланувчи), «қози раис» (чиқарилган ҳукмни ижро этувчи) каби диний амалдорлар тайинланган ва уларнинг маҳкамалари ташкил этилган. Уларда хизмат қилишга қозилар ва олимлар жалб этилган.

Шаҳар доирасидаги аризаларни кўриш шаҳар қозисига топширилган. Ушбу лавозимга, яъни бир шаҳарга адлия бошлиғи вазифасига одам тайинлашда маҳаллий аҳолининг вакили эмас, балки бошқа шаҳар ёки вилоят вакиллари одам танланган. Масалан, Табғоч Буғрохоқон Абу Али замонасида Бухорода туғилган ва яшаган Шайх Имом Абубакри Муҳаммад бинни Абдусаммад бинни Исмоил ал-Бухорий исмли бир киши Ёркент қозиси этиб тайинланган.

Пойтахтда ва бошқа йирик шаҳарларда «қози адлия» маҳкамалари ташкил этилган. Маҳкама фуқароларни амалдорлар томонидан зулм остига олишдан ҳимоя қилиш ишлари билан шуғулланган¹⁰⁹. Ҳожи Нурҳожининг

¹⁰⁸ Ҳожи Нурҳожи. Қадимги уйғурлар ва Қорахонийлар. 305-310-б.

¹⁰⁹ Ўша асар. 310-311-б.

ёзишича, ушбу адлиянинг фаолиятига Қорахонийлар сулоласи катта эътибор берган, зеро давлатни идора қилишда амалдорларнинг ўз мансабини суиистеъмол қилиб, халққа зулм ўтказишнинг ва жамиятда ижтимоий кескинлик юзага келишининг олдини олиш масаласи муҳим аҳамият касб этган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ғарбий Қорахонийлар хоқонлигининг ҳукмдори Табғоч Буғрохон Иброҳим бинни Носир даврида Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларнинг адлия бошлиғи қилиб Абу Носир Масъуд бинни Аҳмад бинни Исмаил тайинланган. Ана шу зот даврида кўп одилона ишлар қилинган¹¹⁰.

Рисоламизни ёзиш учун асос қилиб олинган хитой ва уйғур тилларидаги асарларда Қорахонийлар давлатининг маъмурий тизимига алоҳида эътибор берилган. Бу асарларда баён этилишича, мазкур давлатда жорий этилган бошқарув тузими ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Бинобарин, Сомонийлар хонлиги бўйсундирилгандан кейин, Қорахонийлар хоқонлигининг замини мислсиз кенгайган эди. Хонлик бунёд бўлган Марказий Осиё яйловларини ҳисобга олмаганда, Туркистоннинг бир қатор Суёб, Болосоғун, Талас, Чоч (ҳозирги Тошкент шаҳри), Фарғона, Самарқанд, Бухоро каби машҳур қалъаларининг ҳаммаси қорахонийлар ҳукмронлиги остига ўтган. У Помир тоғларининг шарқидаги, Торим воҳасининг ғарбий ва жанубий бўйларидаги Қашқар, Кучар, Оксув, Ёркент вилоятларини ўзига тобе қилган эди. Кейинги йилларда диний уруш байроғи остида узок муддатли жанглар орқали Хўтан вилояти ҳудудини эгаллаб, ўзининг таъсир доирасини Дунгхуанг (Даштота)гача кенгайтирган эди.

¹¹⁰ Ўша жойда.

Қорахонийлар хоқонлиги ана шу кенг ҳудудда ўзининг марказий ва жойлардаги ҳукмронлик аппаратларини тиклаган. Унинг марказий аппаратидаги амалдорлар беш даражага бўлинган. Биринчи даражада турадигани Арслон эди. Бу мансабга эга бўлган шахс олий ҳукмдор ҳисобланган. Ундан кейинги ўринда тургани Буғрохон бўлиб, у хоқоннинг ўринбосари эди. Сутуқ Буғрохон ҳокимияти даврида олий ҳукмдор мансабининг номи ўзгарган. У олий ҳукмронлик ҳуқуқини Буғрохон деган ном билан амалга оширган¹¹¹.

Иккинчи ўринда турадиганлар бир қатор фахрий унвонларга эга бўлган. Бу унвонлар фақат хоқон жамоатидагиларга берилган бўлиб, улар сиёсий ва иқтисодий имтиёзларнинг рамзи эди. Мовароуннаҳр ҳудуди бўйсундирилганидан кейин, *илекхон* унвони¹¹² жорий этилиб, бу ўзига хос бир хил эгадорчилик тузуми бўлиб қолди.

Учинчи ўринда турганлар муайян мажбуриятларни ўтайдиганларнинг мансаблари бўлиб, уларга ҳам хоқон жамоатининг аъзолари тайинланар эди. Кўришиб турибдики, Қорахонийлар хоқонлигининг ҳукмронлик табақасида ҳам, Уйғур хоқонлиги давридагидек, хоқон жамоатидагилар асосий ўринни эгаллаганлар ва хоқонликнинг ҳукмронлик негизини ҳосил қилганлар.

Тўртинчи ва бешинчи ўринда турган мансабларга хоқон жамоатига ёт кишилар тайинланган.

Олий даражали ҳукмдори хоқон деб номланган. Унинг турар жойи ўрда деб номланган. Давлатни идора қилишда

¹¹¹ *Лю Чжишяо*. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 326-328-б.

¹¹² Юқорида тилга олинган ўзбекистон олими Ирпан Тухтиевнинг хулосаларига кўра, Носир бинни Али 995 й. Илоқни эгаллагандан кейин у «Илекхон» унвонини қабул қилган [*Тухтиев Ирпан*. Қорахонийлар сулоласининг XI асрнинг 1-чорагида зарб қилинган кумуш тангалари. Тошкент, 2015. 30-31].

хоқонга бевосита ёрдам берувчилар вазир деб номланган. Вазир қўл остида хизмат қилувчи амадорлар *юзуриш*, *ёбзу*, *тўксин*, *ҳожиб* каби даражаларга бўлинган.

Вазирларни тайинлаш хоқон ихтёрида бўлган. Бу лавозимга тайинланган шахсга туғ (байроқ), совут, тўн, миниш учун от ва вазирлик тамғаси тақдим этилган.

Вазирлик лавозимга одатда халқ орасидан чиққан билимдон ва донишман одамлар ҳам тайинланган.

Қорахонийлар хоқонлиги ҳукмронлик тизимининг таркибий қисми бўлган жойлардаги маъмурий аппаратлар масаласида Лю Чжишяо қуйидаги фикрларни баён этади.

Қорахонийлар ихтёридаги ерлар ва уларнинг хусусиятларига назар ташланса, у кўчманчи чорвадор қабилалар ва дехқончилик қилган аҳолилар тенг ҳуқуқли яшаган ҳудуд эканлиги эътиборни жалб қилади. Чорвадор аҳоли асосан хоқонлик ҳудудидаги тоғли яйлов жойларда яшаган бўлса, дехқончилик билан шуғулланганлар воҳаларда, дарё бўйларида, шаҳарлар атрофида истиқомат қилишган. Бу икки хил иқтисодий асосга мослашган аҳоли ўртасида қуюқ иқтисодий муносабат бўлибгина қолмасдан, балки урф-одат ва психология жиҳатларида ҳам яқин алоқалар бўлган.

Торим воҳасининг жанубий ёқасидаги ерлар билан Мовароуннаҳр ҳудуди шу вақтда дунё бўйича дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдогарлик энг тараққий қилган жойларга айланган.

Чорвачилик билан шуғулланганлар қабила бўлиб яшаш ҳолатидаги ва уруғдошлик босқичида бўлиб, улар ўт-ўлан ва сув бор дала ва тоғ ораларида жойдан жойга кўчиб турмуш кечиришган. Лекин улар шаҳар аҳолиси билан яқин савдо алоқалар қилиб туришган.

Хўтандан Бухоро вилоятигача бўлган жойлар дехқончилик ва савдо ишлари ривожланган ҳудуд эди. Бу жойларда ҳукмронлик қилган ҳокимлар ички ва халқаро

савдо ишларига ва улардан солиқ сифатида олинадиган даромадга катта эътибор беришган.

Бундан ташқари, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қашқар, Ёркент, Хўтан каби жойларнинг мустақкам кўрғонларига азалдан муҳим ҳарбий истехкомлар сифатида қаралган. Уларнинг таъминоти атрофдаги қишлоқларнинг ривожланишига бевосита боғлиқ бўлган. Шу боис бу шаҳарлар ҳукмдорлари атрофдаги деҳқончилик ва чорвачиликка мослашган жойларнинг маъмурий ишларига катта эътибор беришган¹¹³.

Жуғрофик жиҳатдан чорвачилар яшайдиган тоғли ерлар билан деҳқончиликка мос ҳудудларининг ўхшамаслик ҳолатини инобатга олиб, қорахонийларнинг турли жойлардаги маъмурий қурилмаси икки хил тус олди.

Чорва билан шуғулланувчи аҳолининг азалдан ўзларининг ишлаб чиқариш ва турмуш хусусиятларига муносиб бўлган маъмурий бошқариш усули бор эди. Уйғурларнинг бу усулларни турмуш тарзларига тадбиқ қилиб келаётганига ҳам бир неча юз йил бўлган эди. Қорахонийлар хоқонлиги ҳудудида ҳукмрон бўлганидан кейин, бу анъанавий маъмурий бошқариш усулини ўзгартирмади ёки ўзгартиришни истамади. Яъни бошқарувдаги чорвадорлар ўзларининг асл қабила тузумини сақлаб қолди. Қабила бошлиқлари ўз қабиласидаги ҳукмронлик ҳуқуқини амалга оширишни давом эттирди. Қабиланинг ички ишларини, жумладан можароли масалаларни одилona хал қилиш, жиноятчиларни жазолаш ва шунга ўхшаш бошқарув ишларини уларнинг зиммасида қолдирди. Бу бошқарув усулини воситали бошқарув деб аташга тўғри келади.

Бунинг бадалига ҳар қайси қабила бошлиғи Қорахонийлар хоқонлигининг бошқаришига итоат қилиши ва

¹¹³ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 328-331-б.

ўрнатилган тартиб ва ҳажмда бож-солиқ тўлаши ҳамда ҳарбий мажбурият ўташи керак бўлган.

Қорахонийлар хоқонлигининг деҳқончилик ҳудудларидаги маъмурий бошқарув тузими чорвадорлар яшайдиган ҳудудларидагидан тубдан фарқланган бўлиб, бу ҳудудларда бевосита бошқариш тизими йўлга қўйилган эди. Қорахонийлар хоқонлигининг деҳқончилик ҳудудларига (Торим воҳасининг жанубий ёқасидаги жойлар билан Мовароуннаҳр ҳудуди) юборган амалдорлари «бек» деб аталиб, улар тинчликни сақлаш, адлия, бож олиш каби маъмурий ҳуқуқларни амалга оширган. Ҳар бир бек Қорахонийлар хоқонлиги олдида бевосита жавобгар эди. Маъмурий амалдорларни тайинлаш ва хизматдан озод этиш ҳуқуқи хоннинг қўлида бўлган. Шу йўл билан хоннинг бошқариш ҳуқуқи барча деҳқончилик ҳудудларига ёйилган¹¹⁴.

Сутуқ Буғрохон (920-955/956) ҳокимиятга келганидан кейин, Қорахонийлар хоқонлиги марказнинг янги ваколатли бошқарув органларини таъсис қилди. Дастлаб Болосоғунда шимолий ҳудуд бош ҳокимини, Мовароуннаҳр ҳудуди бўйсундирилгандан кейин, Ўзган қалъасида ғарбий ҳудуд бош ҳокимини тайинлади.

Шимолий ҳудуд бош ҳокимига бошқарув учун Орол денгизи, Балқаш кўли бўйлари, Еттисув ва Жунғор текислигининг шимоли ва ғарбидаги яйловлар, ғарбий ҳудуд бош ҳокимига Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Бадахшон ҳудудлари ажратиб берилди. Торим воҳасининг ғарбий ва жанубий ёқасидаги ҳудудлар қорахонийлар марказий ҳокимиятининг бевосита бошқарувида бўлди.

Ҳар иккала ҳоким хоқон жамоатидагилардан эди. Хорун жамоатидан Али Тегин ғарбий ҳудуд бош ҳокими бўлгунга қадар бу икки вазифага ҳамиша Али жамоатидагилар тайинланиб келган эди.

¹¹⁴ *Лю Чжишяо*. Уйғурлар тарихи. 1-жилд. 328-331-б.

Қорахонийлар хоқонлигининг маъмурий тизими хақида фикр юритилар экан, унинг узоқ муддатли урушлар давомида чиниққан қуролли кучларини эътироф этмай бўлмайди, албатта. Шубҳасизки, айнан шу кучлар хоқонликнинг маълум даврларида давлат мустаҳкамлиги ва фаровонлигининг гарови бўлган.

XI асрнинг ўрталаригача қорахонийлар ҳукмронлари бундай кучли қуролли кучга таяниб, ўзининг кўп сонли душманларини тизгинлаб турган эди. «Девони Луғатит турк»нинг маълумотларига қараганда, қорахонийлар кўшини ташкилий жиҳатдан анча мукаммал бўлган. Мукаммал ҳукмронлик тизими ҳуқуқни марказлаштириш учун қулай шароит яратиб берган. Ҳуқуқнинг марказлаштирилиши хоқонликнинг дипломатик фаолиятларида яққол ифодаланади.

1009 йилда Қорахонийлар хоқонлиги этник келиб чиқиши уйғур бўлган Ризвон (хитой манбаларида Луосивэн / Luosiwen 罗斯温) исмли зодагон бошчилигидаги элчилар гуруҳини Сунг сулоласи саройига совға-салом етказиш учун жўнатди. 1063 йилда Сунг сулоласи Қорахонийлар хоқонлигининг ҳукмдорига «содик, итоаткор олтин қанот қорахон» деган унвон тақдим этди. Хитой императорларига хос анъанага кўра, бундай унвон инъом этиш Сунг сулоласи қорахонийлар сулоласига тенг ҳуқуқли деб қарамаслигини, аксинча Хитойга итоаткор деб тушунишини билдирар эди.

1085 йилда Қорахонийлар хоқонлиги билан Сунг сулоласи орасида кенг кўламда от савдоси олиб борилди, унда Қорахонийлар хоқонлиги 1 миллион 200 минг тизик танга (хитойча чян / qian 錢 / 钱 – ўртаси тўрт бурчак тешиги бор мис тангалар) пайдо килди.

Қорахонийлар хоқонлигининг халқаро муносабатлар бўйича фаолиятида унинг қадимги Хитой (ўрта Жунгуо) худуди билан бўлган алоқаси алоҳида эътиборга сазовор.

Бу алоқалар икки тарафнинг сиёсий, иқтисодий муносабатларидан ташқари психологик ҳиссиёт жиҳатдан ҳам ифодаланди. Масалан, Қорахонийлар хоқонлигининг ҳукмдорлари ҳамон ўзларига «табғач», «тамғач» деган фахрий унвонни бериб келди. Шимолий ҳудуддаги кўчманчи чорвачилар шу сўз билан ўрта асрлардаги Хитой (ўрта Жунггуо) ҳудудини кўрсатади. Унинг кенгайтирилган маъноси «Жунггуо» деган Қорахонийлар хоқонлиги даврида қуйилган пуллардан маълум бўлишича, ўзига тавғач деган фахрий номни берувчилар Ахмад бинни Али, Али Ҳасан (Али Тегин), Иброҳим бинни Носир, Ҳасан бинни Сулаймонлардан иборат эди.

XXР олимларининг Қорахонийлар хоқонлиги тарихига оид асарларининг айримларида мазкур давлатнинг адлия масалалари, жумладан қонуннинг бажарилишини таъминлаш аппарати ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган. Масалан, Ҳожи Нурҳожи ўзининг «Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар» номли асарида ёзишича, ислом дини расмий давлат динига айлангандан кейин «диний адлия муассасалари» ташкил этилган. Булар орасида юқори ўринда турадигани «Имом маврат» (ئىمام مەۋرەت) маҳкамаси (халқ орасида «жазо маҳкамаси» деб ҳам аталган) эди. Унинг бошлиғи «қозикалон» (قازى كالان) ёки «қозикўззот» (قازى قوززات) деб номланган. Бошлиқ итоатида ўринбосар, ҳукм чиқарувчи, қозисўроқчи (сўров ишлари билан шуғулланувчи қози), қозираис, ижроия ва тафтиш бўлими хизматчиларидан иборат амалдорлар мавжуд бўлган. «Имом маврат маҳкамаси» бошлиғи ёнида қозилар ва олимлардан иборат маслаҳат кенгаши фаолият кўрсатган. Булардан ташқари, Қорахонийлар хоқонлигининг пойтахти ва йирик шаҳарларда адлия муассасалари ташкил этилган. Даъво ишларини бошқариш ва ҳукм чиқариш ишлари «Имом маврат» маҳкамаси тайинлаган қозиларга топширилган. Давлат ходимларининг халққа зулм

ўтказишининг олдини олиш ишларига катта эътибор берилган, қонунларнинг ижросини тўғри амалга ошириш, қозиларнинг одилона иш тутишини ишлаб чиқарувчи ва савдогарларнинг жавобгарлигини ошириш масалалари каттиқ назорат қилинган¹¹⁵.

3.2. Қуролли кучлари

Қорахонийлар хоқонлигининг қуролли кучи масаласи тарихий адабиётимизда яратилмаган масалалардан бири ҳисобланади. Хитой манбаларида ҳам бу ҳақида маълумот келтирилмайди, ҳар ҳолда ҳозиргача учратганимиз йўқ. Яқинда уйғур олими Ҳожи Нурҳажининг араб алифбосига асосланган уйғур тилида нашр этилган «Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар» номли асари билан танишишга муяссар бўлдик. Асарнинг учинчи боби «қорахонийлар давридаги ҳарбий қўшин» деб номланган. Маълум бўлдики, ушбу бобда келтирилган маълумот мана шу номаълум бўлиб қолган масалага бир оз аниқлик киритади.

Аввало айтиб ўтиш жоизки, Ҳожи Нурҳажи Қорахонийлар хоқонлигининг қуролли кучи масаласини ёритишда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарларини асос қилиб олган. Шу билан бирга муаллиф қўшимча адабиёт сифатида 1943 йилда Истанбулда нашр этилган ва Қавмаддин Бўдислон қаламига мансуб бўлган «Ироқда Хуросон салжуқларининг тарихи» ва турк тилида чоп этилган Притсавнинг «Қорахонийлар»¹¹⁶ каби китоблардан фойдаланган.

Ҳожи Нурҳажи асарида ёзилишича, Қорахонийлар сулоласи армияни кучайтириш, унга раҳбарлик қилиш ва

¹¹⁵ Ҳожи Нурҳожи. Қадимги уйғурлар ва қорахонилар. Урумчи, 2001. 310-313.

¹¹⁶ Китобнинг қачон ва қаерда нашр этилганлиги кўрсатилмаган.

уруш тарихини ва қонуниятларини ўрганиш масаласига қаттиқ эътибор берган. Шу билан бирга ҳарбий қўшинларга раҳбарлик қилувчиларга қўйилган талаблар ишлаб чиқилган. Мазкур талабларга кўра, қўмондонлар ўзлари қаттиқ интизомлик, довюраклик, кучлик, қобилиятлик, қуролларни яхши билишдан ташқари ўқимишлик ва ҳарбий билимнинг устаси бўлмоғи лозим бўлган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг сўзи билан айтганда, бир ҳарбий қумондон учун чакқонлик, жасоратли, тажрибали, фаросатли, гапида туришли, юракли бўлиш кифоя қилмайди, у душманнинг аҳволини ўрганиши ва яхши билиши, сиёсий ва ҳарбий вазиятдан тўла хабардор бўлиши, қўл остидаги қўшинни оқилона ишлата билиши, қўшинларни жойлатиришда яхши жой танлашни билиши, уларга меҳрибон бўлиши лозим бўлган. Қўмондонлардан лашкарларни ўзига ишонтира билиш, бунинг учун яхши муомалали, юмшоқ кўнгилли бўлиш, уришда жасорат кўрсатиш, зарур бўлганда ҳийла ишлата билиш, ўзининг оиласи ва болалари манфаатларини кўзлаб давлат манфаатини ва қўл остидаги одамларни сотмаслик каби фазилатлар талаб этилган. Бу борада «Қутадғу билик»да «қўмондон мол мулк орқасида юрмаслиги, пул йиғмаслиги лозим. Шунда у ўз атрофига мард йигитларни тўплай олади, улар эса урушда азиз жонларини фидо қилади. Қумондон мағрур бўлса, душман олдида мағлуб бўлади» деб ёзилган¹¹⁷.

Қорахонийлар хоқонлигида мавжуд бўлган одатга кўра, хоқоннинг ўзи ёки унинг ўғли бош қўмондон лавозимига тайинланган. Армия «сув, бош қўмондон эса «сув боши» деб номланган. Ҳар бир 4 минг киши «бир қўшин», 12 минг киши «чўнг қўшин» (катта қўшин) деб аталган¹¹⁸. Бош қўмондон ўзи учун турар жой, яъни «ўрдагоҳ» танлашда

¹¹⁷ *Ҳожи Нурҳаж*. Қадимги уйғурлар ва қарахонилар. 327-б.

¹¹⁸ Ўша жойда. 322-323-б.

қўшинларни олиб келиш ва тарқатиш учун қулай жой танлай олиши муҳим вазифалардан бири деб қаралган.

Қорахонийлар сулоласи қўшинларининг тартиб интизоми масаласига қаттиқ эътибор берган. Айниқса қўмондонлар тайинлашда юқорида келтирилган фазилатлардан келиб чиқиш шарт бўлган. Мамлакатда жорий этилган қонун-қоидаларга кўра, тинчлик даврида мунтазам хизматдаги армия сони кўп бўлмаган, аммо унинг жанговорлигини оширишга эътибор берилган. Уруш даврида армиянинг сони кўпайтирилган, уруш тугагандан сўнг қўшимча сафарбар қилинган аскарлар уйига қайтарилган ¹¹⁹. Мунтазам армия қалъаларни ҳимоя қилувчи, хоқонни ҳимоя қилувчи (йиртиғ), душманга кечаси зарба бирувчи (ақинчи), душманнинг ички аҳволини кузатувчи (йизак) ва маълумот олиш мақсадида душман одамларини тутиб келувчи (тутқоқ), кечаси соқчилик қилувчи (ётқоқ), кундузи соқчилик қилувчи (турғоқ) каби қисмлардан иборат бўлган ¹²⁰. Қуролли кучлар марказий ўрдани ҳимоя қилувчи, давлат ихтиёридаги мунтазам армия, қорахонийлар сулоласи аъзоларига, ҳокимларга (волийларга) ва бошқа юқори даражали амалдорларга тегишли қўшинлар, қабилалар бошлиғи ихтиёридаги ҳарбий қисмлар қабиларга бўлинган ¹²¹.

Қорахонийларнинг ҳарбий қисмларида ўнлик тизими жорий этилган. Чунончи улар ичидаги энг кичик бирлик «ўтак» деб аталган бўлиб, у 10 кишидан иборат бўлган ва бир чодирга жойлаштирилган, бу қисмнинг бошлиғи эса «ўтоқбоши» деб номланган. Бир неча ўтоқга раҳбарлик қилган киши «ҳойил боши» деб аталган. Кўп ҳолларда 10 ўтоқ бир қисмни ташкил қилган бўлиб, бунинг

¹¹⁹ *Ҳожи Нурҳажӣ*. Қадимги уйғурлар ва қарахонилар. 338-б.

¹²⁰ *Ҳожи Нурҳажӣ*. Қадимги уйғурлар ва қарахонилар. 323-339, 357-б.

¹²¹ Ўша асар. 314-б.

таркибидаги аскарлар сони 80 кишидан кам 100 кишидан кўп бўлмаслиги белгиланган. Бундай қисмга етакчилик қилган амалдор «ўн ўтоқ боши» деб номланган бўлиб, унинг қорамоғида «юзбоши», «юзлар амир боши» унвонларида хизмат қилувчилар бўлган¹²².

Уруш даврида кўшинлар «ўнг қўл кўшин», «сўл қўл кўшин», «ўрта саф» ва «орқа саф» каби қисмларга бўлинган. Булар маълум бир тартибда ва аниқ белгиланган ўринда туриб ҳаракат қилган. Буларнинг озиқ-овқат таъминоти билан махсус қисмлар шуғулланган бўлиб, бу масаланинг яхши бажарилиши ғалабанинг асоси деб танилган¹²³.

Урушда қаҳрамонлик кўрсатган ёки катта ғалабага эришган қорахонийлар хоқонларига «буғрохон», «буғроқорахон» ёки «тунга-хон», Қорахонийлар сулоласи ҳокимиятини кучайтиришда хизмат кўрсатган ёки ташқи сиёсатда, иқтисодий ва маданий ишларда фаол ва ғалабали ҳаракат қилган хоқонларга эса «қодир-хон» унвонлари берилган. Жангда жасорат кўрсатганларга «қилич-хон» ёки «сўкман» (душман сафини ёриб ўтиш маъносини билдиради), «тунго-текин», «алип-текин», «ёрғон-текин» унвонлари берилган. Давлат ишларида хизмат кўрсатган шахслар «кул-билгахон», хон ўрдасида хизмат кўрсатганлар эса «бош ҳожиб» унвонлари билан мукофотланган¹²⁴. Барча амалдорлар, жумладан ҳарбий амалдорлар ўз мансаблари учун белгиланган кийим кийишлари, мактуб йўллашда тузилган матнга ўзларининг тамғаларини босиш шарт эди. Тамғаларда эса эгасининг исми, мансаби ёзилган ва улар хоқон томонидан тақдим этилган¹²⁵. Барча ҳарбий амалдорларнинг маоши бошқа амалдорлар сингари маълум

¹²² Ўша асар. 340-341-б.

¹²³ Ўша асар. 342-б.

¹²⁴ *Ҳожин Нурҳажин*. Қадимги уйғурлар ва қарахонилар. 358-б.

¹²⁵ Ўша асар. 359-б.

қонун-қоида асосида белгилан бўлиб, унинг ўсиши ёки камайиши мансаб ва лавозимнинг ўзгаришига, кўрсатган хизматига боғлиқ бўлган.

Қорахонийлар давлатида ҳарбий ишлар билан шуғулланадиган махсус девон таъсис этилган бўлиб, у «ҳарбий девон» деб номланган. Мазкур идора ҳарбийларни тизимлаш, уларнинг маошларини белгилаш ва тарқатиш, лавозимларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган барча расмиятлар билан шуғулланиш, қурбон бўлганларни рўйхатдан чиқариш ва янгиларни рўйхатга ўтказиш каби ишлар билан шуғулланган. Бундан рўйхатлар учун тутилган дафтар «ой-бутуки» ёки қисқартирилган шаклда «ой» деб аталган¹²⁶.

Аскарликка одам олишда диний эътиқод масаласига эътибор берилган ва уларнинг барча ҳаракатлари шариат талабларига биноан баҳоланган. Аскарликка одам олиш мажбурий ва танлов асосида амалга оширилган, аммо ҳарбий хизматга жалб этилганларга ойма-ой маош тўланган. Ҳожи Нурҳожининг ёзишича, шу даврдаги салжуқийларда ўрда аскарларига тўрт ойда бир марта ойлик тўланган эди. Ойма-ой маош тўлаш қорахонийлар қўшинларининг жанговорлик руҳини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатган¹²⁷.

Қорахонийлар қўшинларида 9 хил туғ ишлатилган. Бу ҳақида Маҳмуд Қошғарий «туғ алам демактур, тукқиз туғлик хон дейилади, майли вилоят қанча кўп бўлсин, мартабаси устин бўлсин, туғ тўққиздан ортиқ бўлмайди. Чунки 9 сони хосиятли бўлади», деб ёзган¹²⁸. Туғларнинг

¹²⁶ Ўша асар. 316-б.

¹²⁷ *Ҳожи Нурҳажӣ*. Қадимги уйғурлар ва қарахонилар. 317-б.

¹²⁸ *Маҳмуд Қашқарий*. Туркий тиллар девони. 3 жилддан иборат. Урумчи, 1994. 3-жилд, 176-б.

ранги сарғиш қизил (оч қизил) бўлган ва ипак ёки пахтадан тўқилган матодан тайёрланган¹²⁹.

Ҳожи Нурҳожининг хулосасига қараганда, қорахонийлар даврида жорий этилган ҳарбий тузилма ва унвонлар Хун ва Турк хоқонликлари давридаги анъаналардан деярли фарқ қилмаган. Биргина бир неча ўтоққа, яъни бир неча 10 кишидан иборат бўлган ҳарбий қисмга раҳбарлик қилган «ҳойил боши», қисқача «ҳоил» унвони қорахонийлар ислом динини қабул қилганларидан сўнг жорий этилган¹³⁰.

Қорахонийлар турли жойларга жойлаштирилган ҳарбий қисмлар аро алоқа ишларига катта эътибор берган. Бу борада алоқаларни икки хил услуб билан амалга оширишган. Буларнинг бири тез чопар отлар ёрдамида, иккинчиси, баланд тоғ чўққииларига ва тепаликларга қурилган миноралар устига олов ёқиш билан (қурғуй, қарғу) амалга оширилган¹³¹. Ҳарбий тактика масаласида пистирма қўйиш (бисди), душманга ёлғон хабар етказиш, ҳарбий қисмлар жойлашган ерларни баланд деворлар (ўкакли сипил) билан ўраб олиш, деворлар устига кузатиш минораларини (ўгак) барпо этиш ишларига катта эътибор берилган¹³².

Вэй Лянгтаонинг ёзишича, Қорахонийлар хоқонлигида тоғли ва қаттиқ қиш бўладиган ҳудудларга жойлаштирилган ҳарбий қисмларни эсон-омон қишдан чиқариши масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Совуқ қаттиқ бўлганда уларни вақтинча шаҳарлар ёнида жойлаштириш амалиётидан фойдаланишган¹³³.

Қорахонийлар давлатида ишлатилган қурол-яроқлар асосан ўқ-ёй, қилич, болта, найза, темир тўқмоқ (басу

¹²⁹ *Ҳожи Нурҳажӣ*. Қадимги уйғурлар ва қарахонилар. 356-357-б.

¹³⁰ Ўша жойда.

¹³¹ Ўша асар. 339-б.

¹³² Ўша асар. 338-б.

¹³³ *Вэй Лянгтао*. Калахань вангчао шигао. 133-б.

гурза), ханжарлардан иборат бўлиб, булар ҳужум қуроллари деб ҳисобланган. Металлдан қилинган совут (ёриқ), дубулға (металлдан қилинган қалпоқ) ва қалқон ҳимоя қуроллари қатори сифатида ишлатилган. Ушбу қуроллар ичида қилич билан болтага катта аҳамият берилган. Дубулға кийган киши баъзан «яшук» деб номланган бўлиб, уни кийганда бош оғримаслик учун уни кийишдан аввал бошга жундан тўқилган қалпоқ кийилган. Бундай жун қалпоқ «кадук» деб аталган.

Уруш даврида жангчилар ва кўмондонлар устига кийиб оладиган совутнинг шакли ҳар хил бўлиб, у майда халқачалардан, занжирлар, тангасимон металл парчаларидан қилинган. Бундай совутлар шаклига қараб халқа совут, занжир совут (ўрма ёриқ), танга совут (сой ёриқ) деб аталган. Совут кийган жангчи «ёриқлик ар», киймаган киши «бошнақ ар» деб номланган¹³⁴.

Ўқ-ёй учун ишлатилган ўқ ёғочдан махсус асбоб ёрдамида текис ва силлиқ қилиб ясалган. Ўқ учига (башоқ) металлдан қилинган анъанавий ва махсус яғочдан қилинган оқ учи бекитилган. Ўқнинг охириги қисмига қуш пати ёпиштириш услуби билан отганда овоз чиқарадиган ва овозсиз ўқлар ишлаб чиқарилган. Овозлик ўқлар душманни кўрқитиш ёки унга ваҳима солиш учун, овозсиз ўқлар эса душманга туюқсиз зарба бериш ва ўқнинг қаердан келганлигини сездирмаслик учун ишлатилган¹³⁵.

Найзаларнинг учи (башақ) япалоқ ва узун учлик қилиб пўлатдан ясалган. Қорахонийлар ишлатган қилич юқори сифатли пўлатлардан ва туркий халқларга анъанавий бўлган шаклда ясалган. Айрим ҳолларда қилич сопи тилла билан безатилган. Қилични асраш ва уни доим ялтиратиб туриш унинг эгаси учун шарт бўлган. Қиличларни ялтиратиш махсус модда ёрдамида амалга оширилган.

¹³⁴ *Ҳожи Нурҳажи*. Қадимги уйғурлар ва қарахонилар. 353-354-б.

¹³⁵ *Ўша асар*. 344-346-б.

Қорахонийлар даврида «қилич қамчи» номли яна бир қурол иштилангани маълум¹³⁶. Аммо бу қуролнинг аниқ шакли сақланмаган. Мавжуд тахминларга кўра, қамчи учига ўткир тиғ жойлаштирилган.

Қорахонийлар сулоласининг ҳарбий қисмларида сир сақлаш, душман айғоқчиларнинг пинҳоний кириб келишининг олдини олиш, душман ҳудудида ўз одамларини таниб олиш, урушга тайёргарлик кўрилиётганда ўз одамларини танитай қолмаслик учун пароль масаласига катта эътибор берилган ва бу ҳам маълум даражада қурол деб танилган. Пароль сўзи эса «им»¹³⁷ деб номланган. Им тез-тез ўзгариб турган ва у ниҳоятда махфий сақланган.

Юқорида келтирилганлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қорахонийлар ҳоконлигининг ҳарбий кучи ёллаш (наём) асосида шакллантирилган. Шу билан бирга уларда асрлар давомида туркий халқларда мавжуд бўлган анъаналар сақланиб қолган. Жангчиларни ватанпарварлик, мол-дунёга берилмаслик ва сотқинликка мойил бўлмаслик руҳида тарбиялашга қаттиқ эътибор берилган.

Ишлатилган асосий қуроллар қилич, болта, ханжар, найза, ўқ-ёй, ҳимоя воситалари эса қалқон, совут ва дубулға (пулат қалпоқ) бўлган.

Ҳокон бош кўмондон ҳисобланган. Давлатнинг мунтазам армиясидан ташқари, ҳокон авлодлари, ҳокимлар, йирик амалдорлар ва қабилалар бошлиқлари ихтиёрида ҳам ҳимоя билан шуғулланувчи ҳарбий қисмлар бўлган.

¹³⁶ Ўша жойда. 355 бет.

¹³⁷ Ҳозир *им* сўзи ўзбек тилида бош ирғитиб ёки юз, кўз, қош, қўл ҳарикати билан қилинган ишора маъносида ишлатилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. Масква, 1981. 1-жилд, 324-б.).

4-БОБ. ХХР ОЛИМЛАРИ ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ВА ХИТОЙ БИЛАН АМАЛГА ОШИРГАН АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА

4.1. Иқтисодий-маданий ҳаётнинг акс эттирилиши

ХХР олимлари Қорахонийлар хоқонлигининг иқтисодий ривожланиши ва ер эгаллиги масалаларини тадқиқ этишга ҳам эътибор қаратган. Уларнинг бу борада илгари сурган хулосаларига кўра, ушбу «хоқонликнинг худуди ғарбда Қорақум чўлидан шарқдаги Лобнор кўлигача, шимолда Балхаш кўлидан жанубдаги Амударёгача бўлган ўлкан заминни ўз ичига олган. Хоқонликнинг мавжуд бўлган даври 840 йилдан 1212 йигача чўзилган. Аҳолининг этник таркиби ҳам мураккаб бўлиб, уларнинг бир қисми туркий, яна бир таркибий бўлаги форс ва араб тилларида сўзлашган. Бундан ташқари, уларнинг ижтимоий ҳаёти бир хил бўлмаган... Улар яшаган жойларнинг географик шароити, иқтисодий асослари, қонун қоидалари ҳар хил бўлган. ...Бу ҳол хоқонликнинг иқтисодий ривожланишини мураккаблаштирган»¹³⁸.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Туркистонда миграцион жараёнлар ниҳоятда кучайган. Илгари чорвачилик билан шуғулланган ва уйғур деб номланган қабилалар иттифоқи таркибига кирган кўпгина туркий қабилалар Еттисув, Тангритоғ ва Олтой тоғлари этакларидаги ва уларнинг атрофидаги яйлов жойлардан Туркистоннинг шаҳарларига ва деҳқончилик худудларига кўчиб келган. Шу сабабли буларда чорвачиликдан деҳқончиликка ўтиш жараёни кузатилган ва шу туфайли

¹³⁸ *Вэй Лянгтао*. Калахан вангчао шигао. 156-б.

уларнинг ижтимоий турмушига янги мулкчилик шакли кириб келган¹³⁹.

Бу ўзгариш уларнинг деҳқончиликка мос бўлган ҳудудларга эга бўлиш билангина эмас, балки ижтимоий турмуш даражасининг яхшиланиши билан бевосита боғлиқ бўлган эди. Еттисувда истиқомат қилган пайтларда жануб томондаги деҳқончиликка асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ва турмуш шакли уларнинг ижтимоий турмушининг ҳар бир соҳасига кириб борган. Помир ғарбида яшаётган туркий қабилаларни энг аввало деҳқончиликка хос афзалликлар ўзига жалб қилган. Жумладан, уларни муҳим деҳқончилик маҳсулотлари, ўтроқ ва ҳашаматли турмуш тарзи, қулай атроф муҳит қизиқтирган. Бу жиҳатлар туркий қабилаларнинг тафаккурига, руҳиятига ва урф-одатларига таъсир кўрсатган.

Помирнинг ғарбида Қорахонийлар давлати ташкил топишидан илгари мавжуд бўлган ерга эгадорлик қилиш тузуми сақланиб қолди. Қорахонийлар ернинг бир қисмини хон жамоатидагиларга насабли замин қилиб берди. Бундай ерларга эга бўлганлар «иликхонлар» деб аталган. Қолган қисми Сомонийлар хонлигининг тузуми бўйича, «икта» номи билан уйғур зодагонларига ва бошқа чорвадор қабилаларнинг бошлиқларига умрбод замин қилиб берилган.

Насабли ва суюрғол ерларга эга бўлганлар маълум шартларни бажарганларидан сунг, яъни сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий мажбуриятларни ўз зиммаларига олгандан кейингина ўз ерларидан баҳраманд бўла олганлар. Улар орасидаги фарқ шундан иборат бўлганки, илекхонларга берилган ерларга уларнинг бола-чақалари ворислик қила олган ва олинган насаб ерлар доирасида ер эгалари бож олиш, сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин уларга ўз

¹³⁹ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 334-339-б.

худудлари доирасида қўшин ташкил қилиш ва маъмурий аппаратларни тузиш мумкин бўлмаган¹⁴⁰.

«Икта» (iqta') шаклдаги ерларга¹⁴¹ эга бўлганларнинг бола-чақалари берилган ерларга бевосита ворислик қилолмаганлар. Маълум бир вазиятда ворислик ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳукуматнинг рухсатини олиш шарт бўлган.

Қорахонийлар давлати аҳолисининг катта бир қисми чорвачилик билан боғлиқ бўлганлиги учун хоқон жамоатидаги амалдорларга ер ва сувдан ташқари яйлов ҳам тақсимлаб берилган.

Шулардан хулоса қилса бўладики, илекхон ва икта каби ер тақсимотлари Қорахонийлар хоқонлигининг Марказий Осиё яйловларида ва Мовароуннаҳр ҳудудида ер, сув ва яйловларга эгадорлик қилишнинг асосий шакли бўлиб қолган.

Насабли ерларни эгаллаган илекхонлар билан икта ерларини эгаллаган амалдорлар бир тараф бўлиб жамиятдаги мулкдорлар лагерини, якка дехқонлар билан ижаракашлар эса камбағаллар лагерини ташкил қилган.

Биринчи лагер сафини таркибида Қорахонийлар хоқонлигининг хоқон жамоати, уйғур ва қарлуқ амалдорлари ҳамда бошқа ер эгалари тўлдирган. Иккинчи лагер эса барча аҳоли, қабила ва уруғларга тобе бўлган меҳнаткаш фуқаролардан иборат бўлган.

Қорахонийлар хоқонлигининг иқтисоди дехқончиликдан бошқа савдо, кончилик ва қўл ҳунармандчилик соҳаларидан ташкил топган эди.

Қорахонийлар хоқонлигининг сиёсий ва ҳарбий ғалабалари ҳозирги Марказий Осиё давлатлари ҳудуди

¹⁴⁰ Ўша жойда.

¹⁴¹ Вэй Лянгтаонинг тушунтиришига кўра, «икта» (арабчада *икто* / *iqta'*) сўзи VIII-IX асрларда пайдо бўлган бўлиб, у бўлиб берилган ерлар маъносини аниқлатган [*Вэй Лянгтао*. Калахань вангчао шигао. 167-б.].

билан Торим воҳасининг жанубидаги кенг заминни яхлитликка олиб келган ва бу ҳудудларнинг савдо соҳасидаги ривожланиши учун ишончли бозор ва тинч муҳит яратиб берган.

Қорахонийлар хоқонлиги даврида металлдан қилинган пулларнинг, яъни тангаларнинг кўп миқдорда зарб қилинганлиги ўша замонда савдо ишларининг ниҳоятда авж олганлигидан нишонадир. Бу пулларнинг дунёдаги кўп жойларидан, жумладан Волга дарёси, Қора денгиз бўйлари, Нил дарёси атрофидан топилганлиги Қорахонийлар хоқонлиги ҳудудидан йўлга чиққан савдо карвонларининг мунтазам қатнаб турганлигидан, Хитойдаги Сунг сулоласи, Ляо деб номланган қорахитойлар давлати, Шичжоу уйғур хонлиги, Фарс, Шарқий Рим империяси, Рус князликлари, ҳатто Миср каби жойлар билан ҳам савдо-сотик муносабатларининг ривожланганидан далолат беради.

Қорахонийлар хоқонлигида савдо ишларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарида ҳам акс эттирилган. Асар муаллифи савдо билан шуғулланганларга ҳурмат билдириш билан бирга одамларни улар билан иноқ бўлишга, уларга ўз эшик-дарвозаларини кенгроқ очиб беришга ундаган.

Савдо-сотик ва саноат турларининг ривожланиши шаҳарлар барпо бўлишининг асосий мезони бўлган. Чорвачилик турмушига одатланган амалдорлар учун шаҳарлар янги ҳаёт белгиси эди. Яйловлардан шаҳарларга кўчиб келувчиларнинг сони кўпая бошлади. Бу ҳол шаҳар аҳолисининг тез кўпайишига, қурилиш ишларининг ривожланишига туртки бўлди¹⁴².

Савдо ишларининг янада гуллаб-яшнаши шаҳарларнинг моддий ва маънавий турмушини бойитди ва жонлантириб юборди. Торим воҳасидаги Қашқар, Яркан,

¹⁴² Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 334-339-б.

Хўтан ҳамда Сомонийлар хонлигининг кейинги даврларида юз берган урушлар натижасида вайрон бўлган Бухоро, Самарқанд, Фарғона каби шаҳарлар тикланди ва янада ривожланди. Савдо ишларининг тараққиёти билан уйғунлашиш мақсадида бу шаҳарлар ўртасидаги қадимий савдо йўлларида янги карвонсарой ва ўтовлар пайдо бўлди.

ХХР олимларининг ёзишича, Қорахонийлар хоқонлиги даврида пахтачилик, тўқимачилик, кончилик, металлургия, шаҳар қурилиши, кўл ҳунармандчилиги каби соҳалар юксак даражада ривожланган. Бу эса давлатнинг халқаро савдодаги мақеини баланд кўтарган¹⁴³. Мазкур хоқонлик замонасида пахтадан тўқилган гуллик матолар Хитойга экспорт қилинган¹⁴⁴.

Вэй Лянгтаонинг таърифлашича, Қорахонийлар хоқонлигида кўл ҳунармандчилиги соҳасида заргарлик, тўқимачилик, ойна, сопол ва шиша идишлар, эгар-жабдук, қоғоз, гилам ишлаб чиқариш юксалган. Самарқанда ишлаб чиқарилган «самарқанд қоғози» ниҳоятта машҳур бўлган. Кончилик соҳасида, олтин қазиб чиқаришда Зарафшон дарёсининг юқори оқими атрофи машҳур бўлган. Кончиликда қудуқ кавлаб ер остидан маъдан олиш услубидан фойдаланилган. Айрим қудуқларнинг чуқурлиги 156 метргача етган¹⁴⁵.

Ушбу олимнинг таъкидлашича, Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида шаҳарсозликнинг ривожланида ўзига хос анъаналар пайдо бўлган. Бир томондан янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳисобига мамлакатдаги шаҳарлар сони кўпайган. Иккинчи томондан, катта қурилишлар бўлгани туфайли мавжуд шаҳарларнинг кўркамлиги ошган ва доираси кенгайган. Учинчи

¹⁴³ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидан баён. 282-325-б.

¹⁴⁴ Ўша асар. 290-б.

¹⁴⁵ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 179-190-б.

томондан, зодагонларнинг, бойларнинг ва савдогарларнинг гўзал иморатлари билан тўлган кўчалар қаторида, уйлар зич жойлашган дарахтсиз тор кўчалар пайдо бўлган.

Катта шаҳарлар ички шаҳар (шаҳристон), шаҳар чеккаси ва ташқариси каби қисмларга ажратилган. Шаҳар аҳолисининг жойлашуви ҳам уларнинг иқтисодий ҳолати билан боғлиқ бўлган. Йирик шаҳарлар, жумладан Самарқанд аҳолиси нуфузи 500 мингга етган. Шаҳарларда ички ва халқаро савдо ишлари учун зарур шароитлар яратилган¹⁴⁶.

XI асрнинг биринчи ярмида Қорахонийлар хоқонлиги ижтимоий ҳаётининг издан чиқиши кузатилди. Бу оғир ҳодиса илехон ва икта тизими йўлга қўйилган Туркистон ҳудудида айниқса сезиларли бўлди. Шартли бўлган икта ерлар хусусий мулкка айланиб, қорахонийлар хонлигининг бу ерларга бевосита эгадорлик қилиш ҳуқуқи йўқолди.

Ўрта асрлардаги Марказий Осиё мамлакатларига хос бўлган салбий омиллар Қорахонийлар хоқонлигини инкирозга учратадиган сиёсий кучга айланиб, барбод бўлишини тезлатган.

Юқорида ёритилган масалалар қаторида Қорахонийлар хоқонлигининг маданий ҳаёти ҳам ХХР олимлари тадқиқотларида акс эттирилган¹⁴⁷.

X асрнинг охирларида қорахонийлар сулоласи кўп урушлар бўлганига қарамай мамлакатнинг маданий ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш учун муҳит яратган. Помирнинг ғарб томонига кўчиб келган туркий қабилалар нафақат ўзларининг маданиятини мунтазам тараққий қилдирдилар ва тўлдириб бордилар, балки уни атрофдаги мамлакатларга тарқатиб, Ғарбий ва Шарқий

¹⁴⁶ Ўша аср. 200-203-б.

¹⁴⁷ *Лю Чжишяо*. Уйғурлар тарихи. 339-356-б; *Вэй Лянгао*. Қорахонийлар тарихидан баён. 161-б.

Туркистон ҳудудлардаги таракқиётни илгари суришда ғоят катта рол ўйнади. Шу маънода Помир ғарбига кўчиб борганларнинг инсоният тарихига қўшган хиссаси ва тухфаси бениҳоят катта ҳисобланади.

Сомонийлар хонлиги устидан қозонилган ғалаба қорахонийларнинг сиёсий ва ҳарбий ўрнини мустаҳкамлабгина қолмай, балки ўз ҳукмронлиги доирасидаги заминда уйғур тилининг ижтимоий моҳиятини ҳам оширди. Натижада уйғур тили хат-хабарлар, алоқалар, савдо ишлари, бож, далил-ҳужжат каби жиҳатларда кенг қўлланилиб, ҳамма эътироф этган ҳукумат тилига айланди. Шунинг учун жойлардаги ғайри уйғур зодагонлар, амалдорлар ва савдогарларнинг бу тилни мулоқот олиб бориш, иш юритиш ва савдо эҳтиёжларини қондириш учун ўрганиши зарур бўлиб қолди.

Тилга бўлган бундай сиёсий ва иқтисодий эҳтиёж уйғур тилининг бойишини ва нутқининг ривожланишини тезлатиб, уни қўллаш доирасини янада кенгайтди. Унинг фонетик, грамматик, лексик жиҳатлари янада такомиллашиб, тартибли, мукамал тилга айланди¹⁴⁸.

Қорахонийлар ишлатган тилда айрим товушлар ўзгарди. Илгариги *б* товушининг *в* товушига, *ганнинг* - *гонга*, *гунинг* - *гуга* алмашиши шулар жумласидан. Масалан, ўтмишда *суб* деб талаффуз этилган сўз *сув*, *тобгаиш* сўзи – *тавгоиш* деб айтила бошлади. Шу билан бирга араб ва форс тиллардин кўп сўзлар қорахонийлар тилига кириб келди. *Дунё*, *дин*, *душман*, *дўст*, *деҳқон*, *шаҳар* мана шу янги кириб келган сўзлардан эди.

Қорахонийлар даврида ижод қилган шоирлар ва олимлар ўша даврдаги уйғур тилини яхши билган¹⁴⁹.

Қорахонийлар хоқонлиги доирасидаги туркий қабила-лар ислом динига ўтиши билан араб ёзувини ишлата

¹⁴⁸ Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи. 340-343-б.

¹⁴⁹ Ўша жойда. 343-б.

бошлади. Мазкур ҳолат уларнинг маданий ривожланишида ислом маданиятининг таъсири кучайишига олиб келди.

Мусулмон ва хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, Қорахонийлар давлати даврида кўп ҳарбий юришлар, сиёсий тўқнашувлар бўлганлигига қарамай, иқтисодий, маданий ва илмий ривожланишда катта ютуқлар юзага келган. Ўз асарлари, кашфиётлари, фикр-мулоҳазалари билан дунё миқёсида машҳур бўлган кўпгина қобилиятли давлат арбоблари, олимлар, файласуфлар, шоирлар пайдо бўлган. Шулардан, биринчи навбатда Абу Али Ибн Сино (870-950), Абу Райхан Беруний (980-1037), Юсуф Хос Хожиб (1018-1085), Маҳмуд Кошғарий (1030-1090), Аҳмад Югнакий, Муҳаммад Бинни Кошғарий (1083 - ?), Абу Футах Абдуғофур Бинни Хусаин Алмай (1093 йилгача вафот этган), Муҳаммад Ибн Алкатиб Самаркандий, Имадиддин Кошғарий, Маҳмуд ад-Дин Муҳаммад Ибни Аднани Эмак Бухарий (1149 йилда вафот этган), Сузан Самаркандий (1173 йилда оламдан ўтган) Аҳмад Яссави (1166 йилда оламдан ўтган) ва бошқаларни тилга олиш мумкин¹⁵⁰.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ХХР олимлари тилга олинганлар ижодларидан кўпроқ Юсуф Хос Ҳожибнинг¹⁵¹

¹⁵⁰ Шарқшунослик (Востоковедение). №. 5. Тошкент, 1994. С.163.

¹⁵¹ Юсуф Хос Ҳожиб 1018 йилда (айрим муаллифлар асарларида 1020-1021 йилларда) Болонсоғун шаҳрида туғилган, лекин унинг ижодий фаолияти Қашқарда кечган ва шу ерда умрининг охиригача яшаган. 57 ёшида олим 13 минг сатрдан иборат бўлган машҳур асари «Қутадғу билик»ни ёзган. Қорахонийлар хонлиги иккига бўлиниб кетгандан кейин Юсуф Хос Ҳожиб ўз ижодини Қашқарда давом эттирган. 1085 йилда у 67 ёшида ушбу шаҳарда оламдан ўтди. Шунда олимнинг жасади Баргоҳ қишлоғига дафн этилган. 50 йил ўтгандан кейин мазкур қишлоқ сув тошқинига дуч келганлиги сабабли Юсуф Хос Ҳожибнинг жасади жойидан олиниб ҳозирги қабрга дафн этилган. Бу жой ўша замонда Пойноб қишлоғи деб аталган. 1639-1668 йилларда Ёркенд хонлиги тахтида

«Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг ¹⁵² «Девони луғатит турк» ¹⁵³, Аҳмад бинни Маҳмуд Югнакийнинг ¹⁵⁴ «Атабету’л ҳақойиқ» (Atabetü’l Naқayik) асарларига эътибор қаратган. Улар бу тарихий манбаларни ўша замон маданиятининг ҳозиргача сақланиб қолган ёзма далили ва нишонаси деб таърифлайдилар ¹⁵⁵, ушбу асарлар ҳақида батафсил маълумотлар берадилар. Шу билан бирга

ўтирган Абдуллоҳон қабр устига катта гумбаз билан ёпилган мақбара қурдирган. 1972 йилда ушбу мақбара «қизил соқчи» («хунвэйбин»)лар томонидан бузиб ташланган эди. 1986-1989 йиллари мазкур мақбара қайта қурилган.

¹⁵² Тўла исми Муҳаммад бинни Хусайн бинни Маҳмуд Кошғарий (замонавий уйғур тилида Маҳмуд Қашқарий) бўлиб, у 1008 йилда ҳозирги Қашқар шаҳридан 45 км нарида (ғарб томонида) жойлашган Ўпол қишлоғининг Озих маҳалласида ўз замонасининг етук олимларидан бири бўлган Хусайн бинни Юсуф оиласида туғулган. 1026-1032 йилларда Қашқар тахтида ўтирган Юсуф Қодирхан унинг буvasи бўлган. 1105 йилда 92 (айрим муаллифлар фикрига кўра 97) ёшида шу маҳаллада оламдан кўз юмган ва умрининг охириги даврида ўқитувчилик қилган мадраса ёнига дафн этилган. XII асрнинг бошларида қабр устига мақбара қурилган [Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 111-б. *Шу муаллиф*. Великий шёлковый путь: связи и судьбы (на основе китайских источников и литературы). Второе дополненное издание. Ташкент, 2018. С. 243; *Шу муаллиф*. Кошғарий ёдгорлик мажмуи // «ЎМЭ». 5-жилд, Тошкент, 2003. 78-79-б.].

¹⁵³ Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон илуғатит турк» асари XI асрдаги туркий халқларнинг ҳаётидан маълумот берадиган ягона манбадир деб характерланган [Вэй Лянгао. Қорахонийлар тарихидан баён. 347-б.]. 2008 йилда ушбу луғат араб алифбосига асосланган замонавий уйғур тилида «Туркий тиллар луғати» номи билан 2 жилдга бўлинган ҳолда (умумий ҳажми 1500 бет) нашр этилган. Айрим уйғур олимлари «Девон илуғатит турк»ни «Турк тили луғати» деб таржима қилиш керак деб таъкидлашади.

¹⁵⁴ ХХР олимлари асарларида Аҳмад бинни Маҳмуд Югнаки туғилган ва ўлган йиллари келтирилмаган.

¹⁵⁵ Вэй Лянгао. Қорахонийлар тарихидан баён. 351-352-б.

Махмуд Кошғарийнинг «Китоб жавохир ални хуфи луғат ал турк» номли иккинчи асари бўлганлиги ва у ҳанузгача топилмаганлиги айтилган.

Шу жойда изоҳлаб ўтиш ўринлики, мавжуд маълумотларга кўра, «Қутадғу билик» гарчи Қашқарда ёзилган бўлса ҳам, у бутун туркий халқларнинг маданий мероси ҳисобланади. У қорахонийлар даврида Марказий Осиёда ҳукмрон тил бўлган туркий тилининг ашёвий далили бўлибгина қолмасдан, балки ўша замондаги ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини, жумладан сиёсатини, қонунларини, фалсафасини, мафкурасини, урф-одат ва ахлоқ қоидаларини, маданиятини очиб бера оладиган бебаҳо асардир. Мазкур асар ХХРда ҳозирги замон уйғур ва хитой тилларига ўгирилган ва қайта-қайта нашр этилган. Сўнг у хитой тилига ҳам тўла таржима қилиниб «Фулуо чжихуэй» (Fule zhihui 福乐智慧 – «Бахт ва саодатга бошловчи билим», 862 бет) номи билан 1986 йилда Пекинда нашр этилган.

1999 йилда Урумчи шаҳридаги «Шинжонг университети нашриёти» томонидан араб ёзуви асосидаги уйғур тилида чоп этилган «Қутадғу билиг хазинаси» номли асарда Юсуф Хос Хожибнинг мазкур асари қуйидаги мазмунда тарифланган.

«Қутадғу билиг» 6645 та байт ва 13290 мисрадан иборат бўлган достони Қорахонийлар даврида Марказий Осиёдаги тарихий муҳитни чуқур ва атрофлича очиб бера оладиган маълумотларни ўз ичига олган йирик асардир. Унда билим ва ақл-фаросат, қонун ва адолат, назорат ва қаноат орқали жамиятни касалдан холи этиш, ижтимоий бахт ва саодатни барқарор қилиш масалалари асосий ўринни эгаллаган. «Қутадғу билиг» инсон турмуш фалсафаси системалаштирилган дастури, ўз даврига хос илғор қарашларнинг ёрқин намунаси, инсонпарварлик ва сиёсатни куйловчи чуқур фалсафий асардир. Шу билан у

туркий тил системасига кирувчи халкларнинг маънавий маданиятини тадқиқ этишда бебаҳо хазина, Марказий Осиё халкларининг ўтмиш ҳаётини очиқ бера оладиган олтин калитдир.

ХХР олимлари асарларида келтирилган маълумотларга кўра, «Қутадғу билиг»дан ташқари Юсуф Хос Ҳожиб яна «Қомуснома» ва «Сиёсатнома» деб номланган икки асар ёзиб қолдирган. Афсуски бу асарлар ҳозирча топилгани йўқ.

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари неча марта кўчирилган. Бизгача етиб келган нусхаси 1266 йилда Дамашк (Тарихий номлари: Димишк, Дамаскус) шаҳрида кўчирилган ва у Туркияда сақланади. Ушбу асар 1915 йилда (хижрий 1333 й.) Стамбулда илк бор 3 жилдли қилиб нашр этилган. 1939-1943 йилларда «Девони луғотит турк» Бисм Аталай томонидан замонавий Туркия тилига ўтказилган.

1955-1958 йилларда ушбу нашр нусхаси асосида замонавий ўзбек тилига угирилган. Бу иш Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти олими С.М. Муталибов томонидан амалга оширилган бўлиб, у 1960-1962 йилларда 3 жилдли қилиб нашр этилган¹⁵⁶. 1980-1984 йилларда Урумчи шаҳрида Абдусалом Аббос, Абдурахим Уткур, Собит Рузи каби уйғур олимлари Иброҳима Мутия раҳбарлигида Туркияда сақланаётган қўлёзма нусхасининг фотокопияси асосида замонавий уйғур тилига ўтказилган ва 2 жилдли қилиб чоп этилган. 2002 йилда Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида хитой тилидаги таржимаси нашр этилган. Хитой тилида асар «Тужюэюй цидян» (Tujue yu cidian 突厥语词典 — Турк тили луғати) деб номланган. Айни замонда «Девону луғотит турк»нинг

¹⁵⁶ Махмуд Кошғарий. Девону Луғотит турк. С.М. Муталибов таржимаси. 3 жилдли. Тошкент, 1962. Индекс. 391-397-б.

нашр этилган инглизча, немисча ва японча таржималари мавжуд¹⁵⁷.

Аҳмад бинни Маҳмуд Югнакийнинг «Атабету’л ҳақойиқ» (Atabetü’l Naḳayik) асари XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошида ёзилган ва панду-насихат характеридаги дoston, деб тарифланган¹⁵⁸. Асарнинг номи хитой тилига «Чжэнли де шянли» (Zhenli de xianli 真理的献礼 – «Ҳақиқат инъоми»), «Чжэнли де румен» (Zhenli de rumen 真理的入门 – «Ҳақиқатнинг эшикдан кириб келиши») деб таржима қилинган.

XXР олимларининг асарларида қорахонийлар давлати даврида маданий ривожланиш юксак даражага етганлигини эътироф этилади¹⁵⁹. Шу билан бирга маданиятининг энг гулланган даври 1041-1141 йиллар деб кўрсатилади¹⁶⁰ ва қорахонийлар маданиятининг ривожланиши X асрда уларнинг ислом динига тўла ўтиши билан боғлиқлиги таъкидланади. Мазкур олим-ларнинг фикрича, Қорахонийлар даврида талайгина диний ва тарихий асарлар ёзилган. Лекин уларнинг кўплари давримизга етиб келмаган ёки тадқиқотчиларга маълум эмас¹⁶¹.

4.2. Қорахонийлар хоқонлиги ва Хитой алоқаларининг ёритилиши

Қорахонийлар хонлигининг ташқи сиёсатида Хитой билан савдо-дипломатик алоқалар муҳим ўрин эгаллаган.

¹⁵⁷ Ахборот. Қазақстан. Ижтимоий-сиёсий журнал, № 6 (32) 2008. 7-б.

¹⁵⁸ Ўша жойда. 351-352-б.

¹⁵⁹ Сюй тунши (Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи). Чжэнчжоу, 1996. 284-285-б.

¹⁶⁰ Вэй Лянгао. Қорахонийлар тарихидан баён. 161-б.

¹⁶¹ Ўша жойда. 353-б.

Шу мавзуга оид ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган адабиётларни ўрганиб чиққанимизда, бу алоқалар етарлича ёритилмаганлиги маълум бўлди. Шунга кўра, бизни қизиқтираётган масала доирасида Хитой олимларининг нашр қилинган асарларини ¹⁶² ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Қорахонийлар хонлигининг савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларининг дастлабки ривожланиши Хитойда хукмронлик қилган Танг сулоласи (618-907)нинг охиригидаврига тўғри келади. Бу давр Хитойдаги ички қарама-қаршиликларнинг кучайиши ва шунга кўра иқтисодиётининг пасайиши билан изоҳланади. 907-йилда Танг империясининг таназзули натижасида¹⁶³ мамлакат парчаланishi ҳолатига келиб қолган. Бу эса ўз ўрнида Хитой ва Қорахонийлар хонлиги ўртасидаги савдо-дипломатик алоқаларининг йўлга қўйилишига тўсқинлик қилган.

960-йилда Хитойда янги давлат пайдо бўлди. Тарихда у Сунг (宋, Бей-Сунг 北宋 – Шимолий Сунг деб ҳам аталади) номини олди ва 1279 йилгача фаолият кўрсатди. Ушбу давлат ўзидан ғарбда жойлашган давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор берган¹⁶⁴.

Шу вақтда қорахонийлар давлати ҳам Сунг сулоласи билан савдо ва дипломатик алоқаларини йўлга қўйишга ва ривожлантиришга ҳаракат қилган. Бу даврда ҳокимият Аҳмад Туғонхон (998-1018) қўлида эди. Шу мақсадда 1009-

¹⁶² *Вэй Лянгао*. Қорахонийлар тарихидин баён. 111-113, 367-б.; *Ванг Чжилай*. Ўрта Осиё тарихи. 2 жилдли. Хитой тилидан таржима. Урумчи, 2000; *Хожу Нурхожи*. Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар. Урумчи, 2001; *Ля Жиншин*. Шинжонгда ўтган ислом хонликларининг қисқача тарихи. Хитой тилидан таржима. Урумчи, 2003 ва б.

¹⁶³ Қаранг: *Ходжаев А.* Китайский фактор в Центральной Азии. Ташкент, 2007. 29-30-б.

¹⁶⁴ *Хўжаев А.* Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 173-б.

йилда Аҳмад Туғонхон ўз элчиларини қимматбаҳо совғалар билан Сунг империясига жўнатди. Улар орқали Хитой билан савдо алоқаларини ривожлантиришга қизиқишини билдирди.

Аҳмад Туғонхон элчисининг Сунг императори қабулида бўлганлиги ҳақида «Сунг [сулоласи] тарихи» («Сунгшу»)нинг «Хўтан тазкираси» («Юйтян чжуан»)да маълумот келтирилади. Ушбу тазкирада қорахонийлар эличисининг пойтахт Чанъан шаҳрига етиб келган санасини Дачжунгсянгу даврининг ¹⁶⁵ иккинчи йили (1009) деб кўрсатилган, элчининг миллати уйғур (*хуэйгу* 回鶻), исми эса Луосивен (Luosiwen 罗斯温) дейилган. Назаримизда бу Ризвон бўлса керак.

Император Чжэнзунг (Zhenzong) қабулида бўлганда элчи қуйидаги сўзларни айтган:

«Мен узокдан келдим ва сиз билан учрашиш мен учун катта шараф, сиз жаноби олийларига узок умр тилайман.

Император сўради:

Йўлга қанча вақт сарфладинглар, кайтишда қанча *ли* йўл юрилади? ¹⁶⁶

[Бу саволга элчи шундай жавоб бериб] айтди:

Бир йил давомида манзил томон йўл босдик, кундузи юрдик, кечаси дам олдик. Қанча йўл босганимизни аниқ айта олмайман. Илгари йўлларда босмачилар бор эди. Хозир Гуа[чжоу] ва Ша[чжоу] ¹⁶⁷ орқали (Хўтан)гача

¹⁶⁵ Дачжунгсянгу (dazhong-xiangfu 大中祥符) – Сунг сулоласининг учинчи императори Чжэнзунг (Zhenzong 眞宗 – 998-1023) ҳукмронлигининг 1008-1016 йиллардан иборат бўлган 9 йиллик давр номи ҳисобланади.

¹⁶⁶ *Ли* (里) сўзи Хитойда анъанавий бўлган масофа ўлчов бирлиги ҳисобланади. Милоддан аввалга III асргача 1 *ли* 300-360 қадамга, ўрта асрларда 576 метрга тенг бўлган. Хозир 500 м тенг.

¹⁶⁷ Дунхуанг вилоятидаги жойлар кўзда тутилган. Гуа топоними Гуачжоу (瓜洲 – Қовун-тарвуз водийси)нинг, Ша – Шачжоу (沙洲 – Қумли вилоят ёки воҳа)нинг қисқартирилган шакли. Гуачжоу

йўллар хавфсиз ва уларни ҳеч қандай саргузаштсиз ўтиш мумкин. Элчи юбориш истаги бўлса хурсанд бўлар эдик ¹⁶⁸.

Император айтди: элчи юборишга йўл олислик қилади. Қолаверса давлатингда қийналиб қолади. Олиб кетишинг учун мактуб ёзиб беришни буюраман. Шу [мактуб] элчи юборганим билан тенг бўлади»¹⁶⁹.

Сунг императори эса ўз мактубини Қашқардан келган элчи орқали бериб юборишдан ташқари, унда қорахонийлар хоқонига «хэйхан ванг» (黑韓王) деб муурожаат қилган. Маълумки, бу даврда «ванг» унвони Хитой императорига қарашли бирорта вилоят ҳукмдорига ёки унинг қўл остидаги сарой амалдорларига берилар эди. Бундан ташқари юборилган мактубда *Буюк хонлар, Буюк ҳоқонлар* маъносига эга сўзни транскрипция қилиб ёзишда *қора ранг, қоранггулик* маъноларини билдирувчи хэй (hei 黑) иероглифини ишлатган. Қорахонийлар хоқони бу ҳолатни албатта камситиш деб билганлиги муқаррар.

Шундан кейин қорахонийлар саройи Сунг сулоласи императори ҳузурига давлат номидан эмас, балки унинг ихтиёри остидаги Хўтан вилояти ҳукмдори номидан элчилар юборилган. Шу усул билан қорахонийлар хоқони ўзининг мавқеини Сунг императоридан устун қўйишини билдирган.

Вэй Лянгтаонинг фикрича, Сунг сулоласи Қорахонийлар хоқонлиги саройига элчи юбормаганлигини қуйидаги

ҳозир Анши ноҳияси (рус тиллик адабиётларда Аньси сянь)га қарашли. Хитойнинг анъанавий бошқарув тузимига кўра, ноҳия (шян 县) вилоят билан туман ўртасида турадиган маъмурий бирлик ҳисобланади). Айрим сайёҳлар асарларида Гуачжоу ва Шачжоу топонимларини Дунхуанг (туркий номи Дашт-ота)нинг синоними сифатида қўлланилади [Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 71-б.].

¹⁶⁸ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 138-б. Шу муаллиф. Қорахонийлар тарихидин баён. 225-226-б.

¹⁶⁹ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидин баён. 225-226-б.

учта сабаб билан изоҳлаш мумкин:

1) Қорахонийлар давлатига элчи борса, уларнинг шимол томондаги қорахитойлар¹⁷⁰ ва шарқий томонидаги танғитлар давлати¹⁷¹ буни нотўғри тушуниб қолишидан кўрққан; 2) ўзининг молиявий имкониятларини ҳисобга олиб, бунга қизиқиш билдирмаган; 3) Қорахонийлар ҳукмдори Кулбилге Қодирхоннинг мавқеини ўзидан паст даражада кўриши ва уни ўзига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида тан олмаган¹⁷².

Сунг сулоласи Қашқарга элчи юбормаганидан кейин Аҳмад Туғонхон кейинги элчилар гуруҳларини ўзининг бир вилояти бўлган Хўтан ҳукмдори номидан юборган. Бу анъана кейинги ярим аср давомида сакланиб қолган. Шу даврда Хўтандан Хитойга 36 марта элчилар юборилди¹⁷³.

¹⁷⁰ Хитой манбаларида *чидан* (qidan 契丹), рус тилли адабиётларда *кидань*, деб номлади.

¹⁷¹ Танғитлар давлати (рус тилли адабиётларда Государство тангуттов, хитой манбаларида Шя, Шишя (夏, 西夏, русча транскрипцияда Ся, Сися) 1032-1234 йилларда Кукунор минтақаси (ҳозирги ХХРнинг Цинхай 青海 ўлкаси) ҳудудида мавжуд бўлган. Ушбу давлат қадимги Помирдан Ўрдўсгача (Ордос) бўлган жойларда яшаган ва хитой манбаларида *кянг* (чянг 羌) деб номланганларнинг авлодлари ҳисобланган *дангшия* қабиласи томонидан ташкил этилган. Пойтахт шаҳри Харо-хота деб номланган бўлиб, у ҳозирги Цинхай ўлкасининг маркази бўлмиш Шининг (Xining 西宁) шаҳрининг шимолида жойлашган. 1068-1085 йилларда Сунг давлати Шишя хонлиги билан уруш ҳолатида бўлган. Шунинг учун ушбу хонликка қарши чиқувчи кучлар билан иттифоқлашиш Сунг сулоласи учун ниҳоятда муҳим бўлган. Қадимги *кянг* (чянг)лар ҳақида илгари нашр этилган асарларимизда тўхтаб ўтилган [Қаранг: Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар... 162-201-б.; Ходжаев А. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. 71-115-б.].

¹⁷² *Вэй Лянгтао*. Калахан вангчао шигао. 145-б.

¹⁷³ *Вэй Лянгтао*. Қорахонийлар тарихидин баён. 214-231-б.

Вэй Лянгтаонинг юқорида тилга олинган «Калахан вангчао шигао» номли асарида хитой манбалардан, жумладан «Сунг [сулоласи] тарихи» («Сунгшу»)дан келтирилган маълумотларда айтилишича, Хўтандан шу замондаги Хитой пойтахти Чангъанга (ҳозирги Шиан шаҳри) биринчи элчилар гуруҳи 1025 йилда борган¹⁷⁴. Шундан кейин Хўтандан Хитойга элчилар тез-тез борганлиги ва уларга ҳамроҳ бўлиб борган савдогарлар сони ҳам кўпайгани кузатилган. Натижада Хитойга борадиган Хўтан элчилари ҳамроҳларининг сони 50 кишидан ошмаслиги ҳақида император фармони чиқарилган¹⁷⁵.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1041 йилда қорахонийлар давлати ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетган. Қашқар шарқий қорахонийлар давлати, пойтахти сифатида сақланиб қолди. 1057-1058 йилларда содир булган сиёсий кураш натижасида Қашқар тахтига Муҳаммад Буғрохоннинг укаси Муҳаммадхон (Туғрул Қорахон, Маҳмуд бинни Юсуф – 1058/59 - 1074/75) ўтирди. 1063 йилда ушбу ҳукмдор Хитойга элчи ва у орқали мактуб юбориб, ўзининг савдо алоқаларни давом эттириш истагини билдирган¹⁷⁶.

Сунг сулоласи саройида бу галги Қашқар элчиси Хитойга келган тенг ҳуқуқли давлатлар элчилари қаторида қабул қилинган¹⁷⁷. Лекин Сунг сулоласи Қашқарга жавобан элчи жунатмади. Шундан кейин шарқий қорахонийлар ҳукумати ҳам ўз элчиларини Хитойга илгаригидек Хўтан ҳукмдори номидан юбориб турди.

1072-йилда янги йил арафасида Хўтан ҳукмдори ўзининг элчиси Луоасинансавэн (Luo-asi-nan-sa-wen 罗阿斯

¹⁷⁴ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 145-б.

¹⁷⁵ Ўша асар. 147-б.

¹⁷⁶ Ўша асар. 138-145, 247-б.; Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидин баён. 226-227-б.

¹⁷⁷ Ўша жойда.

难撒温) орқали Сунг императорига қимматбахо тошлар, олтин буюмлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг матолари, отлар учун нефрит тоши билан безатилган эгар, доривор ўсимликлар ва бошқа нарсалардан иборат совғалар юборган¹⁷⁸. Сунг сулоласи саройида ўтмишдан сақланиб келаётган анъанага кўра, бу элчилар тақдим этган совғаларни «олиб келинган улпон» («лайгунг» / lay-gong 来贡) деб ҳисоблаган¹⁷⁹.

Қорахонийлар ҳукмдорлари Сунг хонадонининг бундай хатти-ҳаракатларини Сунг сулоласи қорахонийлар билан тенг ҳуқуқли алоқа олиб бориш истаги йўқ, деб қабул қилиб, Хитой билан савдо-содиқ алоқаларини Қашғардаги бош ҳукмрон Қорахон номидан эмас, балки Қорахонга тобе хонлик Хўтан ҳукмдори (Юйтян ванг) номидан амалга оширишни ўзига лозим кўрганлигидан далолат беради.

Вэй Лянгтао асарларида келтирилган маълумотларга кўра, Сунг сулоласи саройига Хўтандан 1071-йилнинг 2-ойи 14-кунида, 1072-йилнинг 12-ойи 26-кунида, 1074-йилнинг 2-ойи 3-кунида, 1077-йилнинг 4-ойинг 8-куни, 1084-йилни 12-ойи 2-кунларида ҳам элчилар гуруҳлари келган¹⁸⁰. Шуларнинг бирида Линди исмли зодагон совғалар билан Чанъанга келган¹⁸¹.

Хитой манбаларидаги Хўтандан 1071-йилгача Хитойга борган элчилар ҳақидаги барча маълумотларда улар «Хўтан ҳукмдори» («Юйтян-ванг») номидан келганлиги айтилган. Шу йилдан кейин келган элчилар ҳақидаги маълумотларда элчи жўнатувчи Хўтан ҳукмдорининг унвони «Хэйхан-ванг» («ҳукмдор Қорахон») ёки «Юйтян Хэйхан ванг» («Хўтан ҳукмдори Қорахон») шаклида тилга

¹⁷⁸ Ўша жойда.

¹⁷⁹ Ўша жойда. 147-б.

¹⁸⁰ Ўша жойда. 223-224-б.

¹⁸¹ Ўша жойда. 223-б.

олинган.

1087 йилда Сунг хонадони Хўтандан келган элчиларига мислсиз эҳтиром билдиришади. Қорахонийлар ҳукмдорига аталган совғаларни топшириш вақтида қабул қилинган меъёрлардан ташқари уч юз минг танга, олтин камар, қимматбаҳо тошлар қадалган тўнлар, кийим-кечак ва мис тангалар тақдим этилди. Сунг императори зарур бўлганда қорахонийларга ёрдам курсатиш ҳақида фармон эълон қилди. Баъзи амалдорлар элчиларга нисбатан керакли даражада дўстона муносабатда бўлмаганликлари учун жазоландилар¹⁸².

1078 йил 6-ойнинг 4-кунида чой савдоси билан шуғулланувчи идорага йўлланган император фармонида Хўтандан келган элчилар солиқсиз чой сотиб олишмоқда, бу ҳолат туфайли йил давомида олинмай қолинган тушум ҳукумат ғазнаси ҳисобидан қопланиши айтилган¹⁸³. «Сичоу чжилу маойи ши» («Ипак йўлидаги савдо тарихи») номли асарда ёзилишича, Сунг сулоласи ҳукмронлиги (960-1279) даврида чой Хитойнинг кўп миқдорда экспорт қиладиган маҳсулотига айланган¹⁸⁴. Шундан маълумки, қорахонийлар савдогарлари Хитойдан олиб кетадиган моллар орасида чой ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Шу жойда қуйидаги икки масалани таъкидлаб ўтиш жоизки, 1079 йилда Сунг сулоласи саройига ғарб томондаги савдо йўлларини назорат қилиш идораси бошлиғининг мурожаатномаси келиб тушган. Унда Хитойга қорахонийлар ҳукмдорининг мактубисиз карвонлар келаётганлиги айтилиб, уларга нисбатан қандай муомала қилиш кераклиги сўралган. Бу ҳақда Сунг императорининг берган фармонида «келганлар улпон олиб келдик»

¹⁸² Ўша асар. 227-б.

¹⁸³ *Вэй Лянгао*. Калахан вангчао шигао. 147-б.

¹⁸⁴ Сичоу чжилу маойи ши (Ипак йўлидаги савдо тарихи). Ланчжоу, 1997. 487-б.

дейишса, уларнинг гапи инобатга олинсин дейилган¹⁸⁵. Шундан маълумки, Хитойга Хўтандан савдогарлар элчиларга кўшилмасдан бориш ҳоллари ҳам кузатилган.

1081 йилда Қашқардаги қорахонийлар ҳукмдори Абул Ҳасан Табғоч Буғрохон (Ҳарун буғрохон-II, Ҳасан бинни Сулаймон – 1074-1103) Сунг сулоласи императорига мактуб юборган. Ўз мактубида у Сунг императори Шэнзунг (Shen zong 神宗 – 1068-1085)га «Шарқдаги, [яъни] кунчиқар томондаги буюк дунё ерларининг эгаси» (东方日出大世界田地主)¹⁸⁶ деб мурожаат қилган. Шу билан ушбу ҳукмдор Хитой императорига мен ғарб томондаги ерлар эгасимен, сиз эса шарқ томондаги ерлар эгаси, ҳуқуқимиз ва мавқеимиз бир хил деган фикрни билдирган. Эҳтимол бу Сунг хонадонига таъсир кўрсатган.

Вэй Лянгтао асарида бирламчи хитой манбалардан келтирилган бир маълумотда айтилишича, 1085 йилда Хўтандан Хитойга келган элчилар от олиб келишган. Улар эвазига аввалига 200 минг танга тўланган. Кейин унга яна 100 минг танга (чян 錢 / 钱) кўшиб берилган¹⁸⁷. Шундан маълумки, Сунг сулоси учун от обрули ва қимматбаҳо совға ҳисобланган¹⁸⁸.

1089-йилнинг 6-ойи 4-кунида Сунг сулоласи саройидаги Маросимлар палатаси (Либу 禮部 / 礼部)нинг

¹⁸⁵ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 139-б.

¹⁸⁶ Ўша асар. 146-б.

¹⁸⁷ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 141-б.

¹⁸⁸ Хитойга келган элчилар ва карвон эгалари маҳаллий хонларга ва амалдорларга от совға қилишса, уларнинг бу совғалари юксак баҳоланган. Албатта, отнинг баҳоси ҳар доим бир хил бўлмаган. Аммо ўртача олганда, VII-VIII асрларда Хитойга олиб келинган ҳар бир отга 40-50 бўлак (ҳар бир бўлаги 13.3 метрдан) ипак мато алмаштириб олиш мумкин бўлган. 827-835 йилларда уйғурлар томонидан Хитойга сотилган отлар эвазига ҳуқумат 230 минг бўлак ипак мато тўлаган. [Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 179-182-б.].

император учун тайёрлаган маърузасида Хўтан қорахони ўзининг вассал ҳукмдорларининг рўйхатини кўрсатиб, императордан уларни Хитойга бориш ва император билан учрашишга рухсат беришни сўрайди. Мазкур илтимос қондирилди деб айтилган¹⁸⁹.

Хитой манбаларда Хўтандан пойтахт Чангъан шаҳрига 1090, 1094, 1096-йил (икки марта – 5- ва 11-ойда), 1097, 1098, 1103, 1117-йилларда элчилар келганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Уларда Хўтандан элчилар юборувчи «Юй-тян» («Хўтан») ёки «Юйтян-гуо» («Хўтан давлати») деб номланган¹⁹⁰. Шунга қараганда, XI асрнинг сўнги чорагидан бошлаб Сунг сулоласи Хўтанга алоҳида давлат сифатида қараган.

Манбада Жаошэн (Shaosheng 绍圣)¹⁹¹ даврининг 3-йили (1096 й.) 7-ойининг 14-кунида Хўтан ҳукмдори турли хил совғалар билан ўз вакилини жўнатганлиги ҳақида ҳам маълумот келтирилади. Кейинги йилнинг 2-ойи 8-кунида Хўтандан яна элчи келади. Элчи билан бирга келган Лохудулумай Қорахонийлар ҳукмдори ўғлининг сўзларини таржима қилиб, «бизнинг отлиқ жангчиларимиз тангутлар томонидан эгаллаб олинган Ганчжоу, Шаджоу, Суджоуларни ишғол қилишга жўнатилган» дейди. Бунга император «Агарда улар шу 3та шаҳарни озод қила олсалар, етарли микдорда мукофатланадилар» дейди¹⁹². Бу қисқа маълумот Сунг хонадони Қорахонийлар ҳукумати билан сиёсий ҳамкорлик қилибгина қолмасдан улар қўли билан ўз рақибига қарши курашишдан ҳам манфаатдор бўлганлигидан далолат беради. Сунг сулоласининг бу

¹⁸⁹ *Вэй Лянгтао*. Қорахонийлар тарихидин баён. 223-224-б.

¹⁹⁰ Ўша асар. 225-б.

¹⁹¹ Чжаошэн – Сунг сулоласи еттинчи авлод императори Чжэ-зуннинг (Z a hezong 哲宗 – 1086-1101) ҳукмронлигининг 1094-1098 йиллардан иборат бўлган 5 йиллик даври номи.

¹⁹² *Вэй Лянгтао* Қорахонийлар тарихидин баён. 222-б.

нияти амалда қандай бўлганлиги қуйидаги маълумотга эътибор қаратиш мумкин.

Хитойнинг расмий тарихлари, энциклопедиялари ва энциклопедик луғатларидан ташқари, ҳар хил даврда ёзиб қолдирилган шажаралар ҳам мавжуд¹⁹³. Шуларда келтирилган маълумотларнинг асосий қисми 1985 йилда «Халқ қатнов вазирлиги нашриёти» («Ренмин жяотунг чубаншэ») томонидан чоп этилган «Чжэнг Хэ сулоласи тарихи материаллари» («Чжэнг Хэ¹⁹⁴ жяши зияю» 郑和家世资料) номли китобда акс эттирилган.

Мазкур шажаралардаги маълумотларга кўра, Сунг сулоласи таклифига биноан, Бухородан Хитойга Нажмиддин-сўфи (Нажимэндиэр-суфэйэр – 997-1093) исмли бир зодагон катта қўшин бошлаб келган. Бу ҳақда «Ма сулоласи шажараси» («Ма ши жяпу» 马氏家谱)¹⁹⁵ номли асарда қуйидагича ёзилган.

«Буюк ғарбий ҳудуддаги Бухоро хонининг қўшинлари қудратли, хоннинг ўзи эса диёнатли ва меҳрибонликда тенгги йўқ ... Ляо ва Шя¹⁹⁶ хонликлари қўшин тортиб Сунг сулоласига хавф солди. Шунда Сунг сулоласи [Бухоро ҳукмдоридан] ёрдам сўраш мақсадида унинг ҳузурига элчи юборди. Шундан сўнг [Нажмиддин-сўфи] жаноблари

¹⁹³ Ушбу шажаралар ҳақида қаранг: Ходжаев А. Великий шелковый путь: ... 2018. 370-371-б.

¹⁹⁴ Чжэнг Хэ (мусулмонча исми Маҳмуд – 1369-1433) мўғуллар даврида Хитойда йирик лавозимларда ишлаган бухоролик Умар Камолиддин (1211-1279) авлодига мансуб бўлган ҳамда дипломатик ва савдо ишлари билан 7 марта денгиз сафарига чиқиб Ҳинд ярим ароли, Форс кўрфази ва Африка қирғоқларига бориб қайтган тарихий шахс ҳисобланади. [Бу ҳақда қаранг: Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 250-254-б.

¹⁹⁵ Уруғ, авлод ҳақида гап кетганда *чжи* (zhi 氏) иероглифи *ши* (shi) деб ўқилади.

¹⁹⁶ Ушбу давлат ҳақида 171 рақамли изоҳга қаранг.

укаси Айсо (Айэрша) ва уч нафар ўғиллари билан 7 мингдан ортиқ лашкарлар, 200 га яқин лашкар бошлиқлари ва амалдорларга бош бўлиб, 7 мингдан ортиқ от ва туя билан Буюк Сунг хоқонининг 3-йилида (1070) пойтахтга етиб келди. Шэнзунг (神宗) хурсанд бўлганидан ул зотдан ўз одамлари билан Хитойда қолишни сўради. Атроф тинчигандан кейин Али, Миршоҳ (Миэршиша) ва бошқалар жами 200 га яқин амалдорлар ва уларни кузатувчи 700 нафар чавандоз пойтахтга совғалар билан етиб келдилар. Улар [Нажмиддин-сўфи] жанобларининг қайтиб кетишига ижозат сўрадилар. Аммо [Сунг хоқони] жанобларига «ниний чинггоу гунг» («ғалаба нишонига ва қутловга сазовор олий зот») унвонини бериш билан бирга 200 *лянг*¹⁹⁷ олтин, 5000 *лянг* кумуш, 1000 *тўп* ипак мато тақдим қилиш ва йилига 500 *дан*¹⁹⁸ дон бериш, ўз соқчиларидан 5300 кишини ажратиб олиб Шандунг, Шанши вилоятларида ва Шихэ¹⁹⁹ билан Хэйхэ²⁰⁰ дарёлари оралиғидаги жойларда солиқсиз деҳқончилик қилиш, зарур бўлганда ҳарбий ҳаракатга қатнашишга шай бўлиб туриш ҳақида фармон берди. [Укаси] Айсо (Айэрша)га эса қолган одамларни олиб ватанига қайтишга ва Бухоронинг давлат ишларини ўз қўлига олиб, унинг ривожини учун ҳаракат қилишни буюрди. Чжэзунг (哲宗)нинг [тахтда ўтирганига] 8 йил бўлганида (1093) олий зот 97 ёшда оламдан кўз юмди»²⁰¹.

¹⁹⁷ Ҳозирги ўлчов мезони бўйича 1 *лянг* 16 грамга тенг.

¹⁹⁸ Қадимги Хитойда донни оғирликда эмас, ҳажмда ўлчалган. Шу даврда 1 *дан* 103,547 литрга тенг бўлиб, у тахминан 100 килоли бир қоп донга тенг эди.

¹⁹⁹ Шандунг вилоятидаги дарё номи.

²⁰⁰ Янзи дарёсининг шарқий шимолидаги Хэнан ва Анхуэй вилоятларидан ўтадиган бир ирмоғи.

²⁰¹ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: ... 242-243-б.

Ушбу мактубда тилгаг олинган Шя хонлиги ҳақида 171 рақамли изоҳда тўхтаб ўтилди. Лекин Ляо номланган хонлик ҳақида тушунтириш қилмасликнинг иложи йўқ. Чунки ушбу давлат асосчиларининг авлодлари бўлмиш қорахитойлар Қорахонилар сулоласи ҳукмронлиги ҳаётига чек қўйган. Ляо сўзи (遼 / 辽 – олис, узоқ, кенглик маъносини англатади) атамаси 907 йилда Манчжурияда Елюй Абожи етакчилигида қитонлар (хитойча чидан 契丹, русчада кидань) томонидан ташкил этилган давлат (907-1125) номи хисобланади. Унинг ҳудуди ҳозирги Шарқий Монголия ва Ички Монголия ҳисобига кенгайтирилган. 916 йилда Елюй Абожи ўзини император деб эълон қилди. Шунинг учун кўп ҳолларда қитонлар давлатининг ташкил топган вақтини 916 йил, деб кўрсатилади. Айрим маълумотларга кўра, қитонлар хунлардан келиб чиққан. Иккинчи маълумотларга кўра, уларнинг келиб чиқиши сянбиларга бориб тақалади. Аммо хунлар ва сянбиларнинг келиб чиқиши қадимги турклар (тиук, замонавий ўқилишда ди) билан боғлиқдир. Шунинг учун, қитонларнинг келиб чиқиши қадимий туркларга бориб тақалади, дейиш хато бўлмайди.

«Ма сулоласи шажараси»да кетирилган маълумот инобатга олинса, Ғарбий Қора-хонийлар давлати билан Сунг хонадони ўртасида сиёсий ва ҳарбий муносабат мавжуд бўлган деган хулоса келиб чиқади. Бироқ Хитой тарихчилари ушбу маълумот расмий тарихда учрамайди деб, унга шубҳа билан қарайдилар. Бизнинг фикримизча, Сунг сулоласи ўзини катта тутиш мақсадида Бухоро давлатидан ёрдам сўраганлигини расмий сулола тарихида кўрсатишни маъқул топмаган бўлиши, яъни ор қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун шажараларда учрайдиган маълумотни расмий тарихда йўқ эканлигига ишора қилиб, шубҳага олиш тўғри бўлмайди.

Юкоридаги маълумотларнинг таҳлилидан хотима

қилиш мумкинки, Қорахонийлар хонлиги ва Хитой орасидаги савдо ва дипломатик алоқалар 960 йилда Хитойда Сунг сулоласи (шажараси)нинг ҳокимиятга келишидан сўнг амалга оширилган. Бу муносабатларнинг дастлабки босқичида алоқалар асосан Хўтан орқали олиб борилган, зеро Сунг империяси Қорахонийлар давлатига ўзининг тенг ҳуқуқли ҳамкори сифатида қарамаган, хонлик эса бундай тенгсизликни қабул қилишни истамаган ва элчиларини ўз итоатидаги Хўтан хонлиги орқали юбориш билан чекланган. Кейинчалик вазият Қорахонийлар фойдасига ўзгариб, Сунг империяси уларни тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида тан олишга мажбур бўлган.

Қорахонийлар хоқонлиги Сунг сулоласи ҳукмронлиги давридаги Хитойга биринчи марта 1009 йилда элчи юборган ва ушбу мамлакат ҳукмдори номидан бунга жавобан элчи юборишини кутган. Лекин Сунг императори келган элчи орқали ўз мактубини юбориш билан чекланган. Бундан ташқари, ўз мактубида Сунг императори қорахонийлар хоқонига “хэйхан ванг” (黑韓王) деб мурожаат қилган. Маълумки, бу даврда “ванг” унвони Хитой императорига қарашли биронта вилоят ҳукмдорига ёки унинг қўл остидаги сарой амалдорларига берилар эди. Бундан ташқари *Буюк хонлар*, *Буюк хоқонлар* маъносига эга сўзни транскрипция қилиб ёзишда *кора ранг* маъносини билдирувчи *хэй* иероглифини ишлатган. Қорахонийлар хоқони бу ҳолатни албатта камситиш деб билганлиги муқаррар. Қашқар ҳукмдори Сунг императорига «Шарқдаги, [яъни] кунчиқар томондаги буюк дунё ерларининг эгаси» деб мурожаат қилганлиги бунинг далилидир.

Шундан кейин қорахонийлар саройи Сунг сулоласи императори ҳузурига давлат номидан эмас, балки унинг ихтиёри остидаги Хўтан вилояти ҳукмдори номидан элчилар юборган. Шу усул билан қорахонийлар хоқони ўзининг мавқеини Сунг императоридан устун қўйишини

билдирган.

Хитойга Хўтан ҳукмдори номидан жами 36 марта элчи жўнатилган. Улар орқали савдо алоқалари товар алмашуви йўлга қўйилган. Хўтандан Хитойга биринчи элчи 971 йилда, охирги элчи эса 1117 йилда келган.

Хитойдан қорахонийлар савдогарлари асосан ипак матолар ва кийим-кечаклар, чой, санъат маҳсулоти, турли металлдан қилинган тангалар олиб кетилган. Натижада Хитойда муомалада ишлатиладиган тангалар ҳажмининг камайиб кетиши кузатилган. Шу боис Сунг сулоласи хорижлик савдогарларнинг Хитой тангаларини олиб кетишини ман этган²⁰².

Қорахонийлар элчилари ва савдогарлари Хитойга олиб борган моллар ичида пахтадан, ипакдан ва жундан тўқилган гулли ва гулсиз матолар, гиламлар ҳам салмоқли ўрин эгаллаган²⁰³.

Вэй Лянгтао ўзининг юқорида кўрсатилган «Калахан вангчао шигао» («Қорахонийлар сулоласининг қисқача тарихи») номли асарида Қорахонийлар давлати билан Хитой муносабатларига оид яна бир қизиқарли масалага эътибор бериб кайд этганки, Хитой императорлари канизакларидан туғилган маликалардан бирортасини ғарб томондаги давлатлар ҳукмдорларига келин қилиб бериш услуги билан уларнинг ички ишларига аралашиш ва Хитойга нисбатан муносабатларини ўз фойдасига юмшатишга ҳаракат қилишган. Лекин қорахонийлар ҳукмронлиги даврида бу каби алоқалар юз бермаган. Ушбу хоқонликни ташкил этишда қатнашган қарлуқ (гэлуолу 葛邏祿), ёғма (янгмуо 样磨) ва чигил (чуюэ 处月) қабилалари сардорларининг Хитой хоқонларига куёв бўлган ҳолатлари кузатилмаган²⁰⁴.

²⁰² Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 192-б.

²⁰³ Ўша асар. 183-184-б.

²⁰⁴ Ўша жойда.

ХУЛОСА

Ушбу асаримизда келтирилган қисқача маълумотлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, сўнгги чорак аср давомида Хитой Халқ Республикасида 1978 йилдан кейин, яъни ушбу мамлакатда иқтисодий ислохотлар бошлангандан сўнг Қорахонийлар хоқонлиги тарихини ўрганиш жараёни анча жонланганлиги кузатилмоқда. Бунинг натижасида бир қатор илмий асарлар нашр этилган. Шунинг билан бирга бир томондан мазкур асарларда Қорахонийлар хоқонлиги тарихи Хитой тарихининг бир қисми, деб қаролмоқда, иккинчи томондан ушбу мамлакат раҳбарлари Марказий Осиё тарихини чуқур ўрганишга эътибор бераётганлиги сезилмоқда.

ХХР олимлари Қорахонийлар хоқонлиги уйғур қабила-лари томонидан ташкил этилганлигини таъкидлаб, унинг тарихини яна ҳам чуқур ўрганишга даъват қилмоқдалар.

Ўз асарларида ХХР олимлари Европа ва Россия олимларининг ишларини яхши ўрганган ва улардан тўла фойдаланган. Аммо сўнги даврда Марказий Осиё давлатларида нашр этилган ишлардан етарли даражада фойдаланилмаган.

ХХР олимларининг асарларида бизнинг имкониятимиз доирасида бўлмаган хитой манбаларидан олинган маълумотлар мавжудлиги эътиборга моликдир. Шу билан бирга уларда тадқиқотга жалб этилган 20 дан зиёд мусулмон манбаларининг номлари келтирилган. Лекин айни замонда Хитой пойтахтидаги «Пекин кутубхонаси»да сақланаётган 500 дан зиёд араб, форсий ва туркий тиллардаги кўлөзма асарлар орасида улар бор йўқлиги айтилмаган²⁰⁵.

²⁰⁵ Ушбу асар муаллифи А. Хўжаев 1995 йилларда Пекинга қилган илмий сафари вақтида мазкур шаҳардаги «Бейжин тушу гуан» (北

Мавзу доирасида таҳлил этилган асарларда Қорахонийлар хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиёда жиддий миграция жараёни юз берган. Натижада катта бир гуруҳ туркий қабилалар Монголия ва Шарқий Туркистон ҳудудидан Қозоғистоннинг Еттисув вилоятига кўчиб бориб у ерда янги давлат ташкил қилган. Ушбу давлатнинг Қорахонийлар хоқонлигига айланиши ҳамда ҳудудий кенгайиши Ғарбий ва Шарқий Туркистон заминининг аксарият қисмини ва бу замин аҳолисининг диний эътиқодининг ҳамда ёзувининг бир хил бўлишига олиб келган, иқтисодининг, ижтимоий ва маданий ҳаётининг юксалишига замин яратган.

Ушбу давлат тарихда аввалига «Илик-хон сулоласи», «Қоғон сулоласи», «Хон сулоласи», «Тамғачхон сулоласи», «Афросиёб сулоласи» каби номлар билан аталган. Кўп илмий изланишлар ва мунозаралардан сўнг олимлар ушбу давлатни Қорахонийлар сулоласи, Қорахонийлар хоқонлиги деб аташ тарихий ҳақиқатга тўғри келади деган хулосага келишган.

Мазкур давлат номидаги «Қорахонийлар» сўзини хитой тилига таржима қилишда ХХР олимлари орасида ҳар хил фикр мавжуд. Айрим хитой олимлари ушбу сўзни қора ранг маъносида қабул қилган. Нанкин университети профессори Вэй Лянгао, Турғун Олмас, Ҳожи Нурҳожи, Анвар Байтур каби олимлар ушбу сўзни буюк, улуғ маъносида қабул қилиш тарихий ҳақиқатга тўғри келади, деган хулосага келишган.

ХХР олимлари Қорахонийлар хоқонлиги ўзига хос давлат қурилиш тузумига эга бўлганлигини таъкидлаб, бунга исбот бўла оладиган маълумотлар келтиришган.

京图书馆 – «Пекинская библиотека») номли марказий кутубхонага бориб бу қўлёзмаларнинг айримлари билан танишган эди [Бу ҳақда қаранг: *Хўжаев А.* Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 254-б.].

Шулар мазмунига кўра, Қорахонийлар хоқонлиги ҳудудидаги чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли яшаган жойларда кўчманчиларга хос бўлган маъмурий тузум сақланиб қолган. Ўтроқ аҳоли яшаган ҳудудларда улар учун анъанавий бўлган маъмурий тузум жорий этилган.

Қорахонийлар хоқонлигининг олий даражали ҳукмдори хоқон деб номланган. У давлатни юғуриш, ёбғу, тўксин, ҳожиб каби даражаларга бўлинган вазирлар орқали идора қилган. Вазирларни тайинлаш хоқоннинг ихтёрида бўлган. Вазирлик лавозимга одатда халқ орасидан чиққан билимдон ва донишманд одамлар тайинланган. Хоқон томонидан биронта лавозимга одам тайинланганда, унга инъом этилган мансабга биноан туғ (байроқ), новкар, совут, тўн, миниш учун от ва вазирлик тамғаси тақдим этилган.

Қорахонийлар хоқонлигининг олий ҳукмдори Буғрохон, Арслонхон, иккинчи даражали хонлар табғочхон деб аталган унвонлар билан тахтда ўтирган.

Қорахонийлар даврида Туркистонда миграцион жараённинг кучайиши натижасида илгари чорвачилик билан шуғулланган ва уйғур деб номланган қабилалар иттифоқи таркибига кирган кўпгина туркий қабилалар Еттисув, Тангритоғ ва Олтой тоғлари этакларидаги ва уларнинг атрофидаги яйлов жойлардан Сирдарё бўйлари ва унинг жанубидаги ерларга кўчиб келган. Бундай қабилалар ҳаётида чорвачиликдан дехқончиликка ўтиш жараёни кузатилган ва бунинг билан бирга уларнинг ижтимоий турмушига янги мулкчилик шакли кириб келган.

ХХР олимлари Қорахонийлар хоқонлиги ички сиёсатида ишлаб чиқариш, меъморчилик, қурилиш, илм фанни юксалтириш, ички ва халқаро савдо ишларини ривожлантириш каби масалаларга катта эътибор берилган, деган хулосани олға сурадилар. Шунинг билан бирга, улар ушбу давлат фаолиятида ҳудудий кенгайишга қаратилган кўп

урушлар содир бўлганлиги ҳақида сўз юритиб, хоқонлик даврида халқаро алоқаларнинг юксак даражада ривожланганлигини такидлайдилар.

ХХР олимларининг фикрича, Қорахонийларнинг ислом динини қабул қилиш ва уни давлат динига айлантириши туркий халқлар орасида мазкур диннинг тез тарқалишига катта туртки бўлган. Бу ҳол уларнинг маданиятига катта таъсир кўрсатган. Ҳаттоки, уларнинг ёзуви араб алифбосига ўтиши муносабати билан тил талаффузида сезиларли ўзгаришлар юз берган. Шунинг билан бирга туркий тилларга араб ва форс тилининг таъсири ҳам кучайган.

Ушбу китобимизни ёзишда фойдаланилган асарларда кўрсатилишича, Қорахонийлар сулоласининг ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетиши асосан ички сиёсий курашларнинг кескинлашиши натижасида содир бўлганлиги таъкидланади. Шунинг билан бирга хукмрон сулоланинг бўлиниб кетиши Қорахонийлар хоқонлигининг икки қисмга ажралиб кетишга олиб келганли, шундан кейин ташқи омиллар таъсирининг кучайганлиги айтилади. Бу борада Ғарбий Ляо (Шиляо) деб номланган қорахитойлар давлати Қорахонийлар ҳокимиятининг заифлашишидан фойдаланиб, унинг ҳаётига чек қўйганлиги кўрсатилади.

И Л О В А

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ХОҚОНЛАРИ

(қавс ичида тахтда ўтирган йиллари кўрсатилди)²⁰⁶

1. Кулбилге Қорахон (840-880) – 15 та уйғур қабилаларига бош бўлиб Еттисуга кўчиб келган Пантегиннинг унвони. Унинг икки уғли бўлиб, уларнинг бири Бозирхон, иккинчиси Ўғулчак бўлган.

2. Бозирхон (880-910) – Қорахоннинг катта ўғли. Қорахонийлар хоқонлиги тахтида ўтирганларнинг ҳаммаси шунинг авлодлари ҳисобланади.

3. Ўғулчак (911-920) – Бозирхон вафотидан кейин унинг ўғли кичик бўлганлиги учун укаси Ўғулчак вақтинча хонлик вазифасини бажариб турган. Вэй Лянгтаонинг изоҳлашига кўра, шу оралиқда Бозирхоннинг набираси ҳам қисқа бир вақт тахтда ўтирган. Кейинги даврларда унинг авлодларидан Қорахонийлар хоқонлиги тахтида ўтирганлари бўлмаган.

4. Сутуқ Буғрохон (920-955 / 956) – Бозирхоннинг иккинчи ўғли бўлиб, у Буғрохон (Буюк ҳукмдор) унвони билан тахтда ўтирган. Илк бор ислом динини қабул қилган хоқон ҳисобланади. Шу муносабат билан унга Абудукарим деб исм қўйилган. Унинг икки ўғли бўлиб, каттаси Бойтош (мусулмонча исми Муса), кичиги Тунга Илек (мусулмонча исми Сулайман) бўлган. Анъанага кўра, катта ўғли отанинг ўрнига хоқон этиб тайинланган эди. Аммо унинг умри қисқа бўлгани учун тахт укаси Сулаймонга қолган. У давлатни Арслонхон унвони билан идора қилиб, ислом

²⁰⁶ Ушбу маълумотлар Вэй Лянгтаонинг «Калахан вангчао шигао» номли асари асосида келтирилди [Шу асар. 240-243-б.]. Бўлажак ёш тадқиқотчилар янги манбалар асосида бойитиши ёки ўзгартириши мумкин.

диниини Қорахонийларнинг давлат динига айлантирган. Кейинги даврларда ушбу давлат тахтида ўтирган хоқонларнинг деярли ҳаммаси Абдукарим Сутуқ Буғрохоннинг катта ўғли Мусо билан кичик ўғли Сулойманларнинг авлодлари ҳисобланади.

5. Мусо Арслонхон, Муса бинни Абдукарим (956 -?) – Сутуқ Буғрохоннинг катта ўғли. Арслонхон унвони билан тахтда ўтирган. Унинг катта ўғли Сулаймон Ёркент атрофидаги жангда ҳалок бўлган. Турғун Олмос келтирган қорахонийлар хоқонлари рўйхатида 958-970 йилларда Сулаймон Арслонхон тахтда ўтирганлиги акс эттирилган²⁰⁷. Сулаймон Арслонхоннинг ўғли Ҳарун Буғрохон тахтга ўтирмади. Аммо у Али Арслонхонга сомонийларга қарши курашда катта ёрдами кўрсатган.

6. Али Арслонхон, Али бинни Мусо (970 - 998) – Мусо Буғрохоннинг ўғли. Ушбу хоқон даврида қорахонийлар давлатининг ташқи сиёсати фаоллашган.

7. Аҳмат Тўғонхон-1, Аҳмат бинни Али (998 -1016) – Али Арслонхоннинг катта ўғли, кичик ўғлининг исми Мансурхон эди. Ушбу хон даврида шарқда Хўтан давлати, ғарбда сомонийлар давлати Қорахонийлар итоатига ўтказилди. Буддо дини эътиқодчилари бўлган Хўтан аҳолиси ислом динига ўтди. Икки йил давомида касал, бўлиб 1018 йилда оламдан кўз юмган. Шу икки йил давомида кичик ўғли Мансур давлат ишларини бошқариб турди.

8. Мансур Арслонхон-II, Мансур бинни Аҳмад (1018 - 1024) – Аҳмат Тўғонхоннинг кичик ўғли.

9. Аҳмад Тўғон-II, Аҳмад бинни Ҳасан (1024-1025) – Али Арслонхонга ёрдамчи бўлган Ҳорун Буғрохоннинг набираси (Ҳасаннинг ўғли).

10. Юсуф Қодирхон, Юсуф бинни Ҳасан (1025-1032) – Ҳасаннинг акаси (Аҳмат Тўғон-2 нинг амакиси).

²⁰⁷ Турғун Олмос. Уйғурлар. 576-б.

11. Сулаймон Арслонхон, Сулаймон бинни Юсуф (1032-1040) – Юсуф Қодирхоннинг ўғли. 1040 йилда Қорахонийлар давлати иккига бўлиниб кетди. Бунга ғарбий Илекхоннинг ўғиллари Муҳаммад (1040-1052) ва Иброҳим бинни Носирлар (1052-1068) сабаб бўлди. Шундан кейин у Шарқий қорахонийлар давлатига хоқон бўлиб Қашқарни пойтахт сифатида сақлаб қолди.

**Турғун Олмоснинг «Уйғурлар» номли асарида
келтирилган қорахонийлар хоқонлари**

1. Кулбилге Қорахон – 880? - 850
2. Бозирхон – 910-?
3. Сутуқ Буғрохон – 956-920
4. Мусо буғрохон – 956-958
5. Арслонхон – 958-970?
6. Али Арслонхон – 970-998
7. Аҳмат Буғрохон 1 – 998-1018
8. Мансур Арслонхон – 1018-1024
9. Аҳмат Тўғонхон 2 – 1024-1025
10. Юсуф Қодирхон – 1025-1032
11. Сулойман Арслонхон – 1032-1040

Шарқий Қорахонийлар хонлиги хукмдорлари

Сулаймон Арслонхон (1040-1056).

Муҳаммат Буғрохон, Маҳмуд бинни Юсуф (1056-1057) – тахтда 15 ой ўтирганидан сўнг уни катта ўғли Хусайнга берган.

Хусайин бинни Муҳаммад (1057-1058) – Маҳмуд Буғрохоннинг катта ўғли бўлиб, у отасининг кичик хотини томонидан тахтдан четлаштирилган. Тахтга эса ушбу хотининг кичик ўғли Иброҳимни ўтқизган.

Иброҳимхон, Иброҳим бинни Муҳаммад (1057–1058, айрим маълумотларга кўра 1058-1059) – Тахт учун курашда ўлдирилган.

Муҳаммадхон, Туғрул Қорахон, Маҳмуд бинни Юсуф (1058-1074). Муҳаммад Буғрохоннинг укаси. Ушбу ҳоқон даврида Юсуф Хос Ҳожиб «Қутаодғу билик» достонини ёзган.

Умархон, Туғрул Тегин, Умар бинни Маҳмуд (1074) – Муҳаммадхон (Туғрул Қорахон)нинг ўғли. Тахтда 2 ойгина ўтирган.

Ҳарун буғрохон-2, Абул Ҳасан Табғоч Буғрохон, Ҳасан бинни Сулаймон (1074–1102 / 1103) – 16 йил давомида табғоч унвони билан тоғаси Муҳаммадхон (Туғрул Қорахон)нинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган. Умархон (Туғрул Тегин) тахта икки ой ўтирганидан сўнг, уни тортиб олган. У илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор берган.

Аҳмад арслонхон, Аҳмад Ҳарун Хасан – 1102-1128 / 1103-1129) – Абул Ҳасан Табғоч Буғро (Ҳарун буғрохон-2)нинг ўғли, Фарбий Ляо номланган қорахитойлар давлати кўшинлари билан курашиб ғолиб чиқган.

Иброҳимхон-2, Иброҳим бинни Аҳмад (1128-1158 / 1129-1159) – Аҳмадхоннинг ўғли. У тарихда қобилиятсиз

хон сифатида таърифланади. Айнан у хонлик қилган даврда Шарқий Қорахонийлар хоқонлиги қорахитойларга қарам бўлиб қолган. Ундан кейин тахтда ўтирган 3 нафар хон ҳам шу ҳолатда бўлган.

Муҳаммадхон-2, Муҳаммад бинни Иброҳим (? – 1158 / 1159).

Юсуфхон, Юсуф бинни Муҳаммад (? - 1205).

Муҳаммадхон - III, Муҳаммад бинни Юсуф (1205 - 1210/1212).

Ғарбий Қорахонийлар хонлиги ҳукмдорлари

Муҳаммад бинни Носир (1040-1052)²⁰⁸. Вэй Лянгтао келтирган Ғарбий Қорахонийлар сулолси хонлари рўйхатида ушбу ҳукмдор кўрсатилмаган.

Иброҳим бинни Носир (Иброҳим Бўри Тегин – 1041-1068), итоаткорхон маъносини англатувчи табғочхон унвони билан тахтда ўтирган. Вэй Лянгтаонинг маълумотига кўра, ушбу ҳукмдор Тавғач Буғрохон унвони билан тахтда ўтирган, Аммо кейинчалик секин-аста Қашқардаги Қорахонийлар хоқонидан мустақил бўлиб олган. Унинг ҳукмронлик даврида Самарқанда жуда катта сарой қурилган²⁰⁹.

Носир бинни Иброҳим (Шамс ал-Мулуқ – 1068 - 1080).

Хизирхон, Хизир бинни Иброҳим (1080-1081).

Аҳмадхон-I, Аҳмад бинни Хизир (1081-1095) – ички курашлар қурбони бўлган. Шундан кейин ушбу курашлар жиддий тус олган бўлиб, ҳокимият тез қўлдан қўлга ўтиб

²⁰⁸ Ушбу ҳукмдор исми Турғун Олмоснинг «Уйғурлар» номли асарида келтирилган [Турғун Олмос. Уйғурлар. 577-б.].

²⁰⁹ Сюй тунши (Общая история западных стран). Чжэнчжоу, 1996. С. 275, 283.

турган. Аҳматхон-I нинг вафотидан кейин мамлакатдаги сиёсий вазият ёмонлашиб кетган.

Ёқуб бинни Сулаймон (1089 - ?), Аҳмад бинни Хизир асрга тушиб қолганидан кейин тахтда ўтирган.

Масъудхон-I, Масъудхон бинни Муҳаммад (1095-1097).

Сулаймонхон, Сулаймон бинни Довуд (1097), Қодир табғочхон унвони билан тахтда ўтирган.

Муҳаммадхон-I, Маҳмуд Тегин, Маҳмуд бинни Билол (1097 - 1099).

Жаброилхон, Ҳорун бинни Умар (1099 ? - 1102 ?).

Муҳаммадхон-II, Муҳаммад Арслонхон, Муҳаммад бинни Сулаймон (1102-1130, айрим маълумотларга кўра 1132) – Ушбу хон даврида тинчлик барқарор бўлган. Мамлакатнинг иқтисоди ва меъморчилик ишлари ривожланган.

Иброҳимхон-II, Табғоч Буғрохон, Иброҳим бинни Сулаймон (1130, 1132-1132).

Мухмудхон-II, Маҳмуд бинни Муҳаммад (1132-1141) – Муҳаммад Арслонхоннинг ўғли, Султон Санжарнинг кизи Малик Шоҳ-хатундан туғилган.

Иброҳимхон-III, Иброҳим бинни Муҳаммад-табғочхон (1141-1156).

Алихон, Али бинни Ҳасан-чўғлуқхон (1156/57 - 1162/63), Ҳасан бинни Алининг ўғли, илгари Фарғона минтақасидаги Ўзганнинг ҳукмдори бўлган.

Масъудхон-II, Масъуд бинни Али, Қилич-табғочхон (1162/63 – 1168/69).

Носир бинни Ҳусайин (1168/69-1172/73).

Муҳаммад бинни Масъуд (1172/73 - ?)

Иброҳимхон-IV, Иброҳимхон бинни Ҳусайин (1178/79 – XII-XIII асрлар оралиғи).

Усмон Буғрохон, Усмон бинни Иброҳим (XII-XIII асрлар оралиғи -1212). Қайнотаси Хоразмшоҳ Муҳаммад

томонидан ўлдирилган. Шунинг билан Ғарбий қорахонийлар давлатига яқун ясалган.

АСОСИЙ ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР САНАСИ

(Вэй Лянгтао асари асосида²¹⁰)

840 й. Уйғур хоқонлигининг барбод бўлиши, 15та уйғур қабиласининг Еттисувга кўчиши ва Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши. Сомоний сулоласининг вакили Нух бинни Асаднинг Оқсу қаласини (Байшуй-чэнг 白水城 – Исфанжаб) эгаллаши. Вэй Лянгтаонинг «Калахан вангчао шигао» («Қорахонийлар сулоласининг қисқача тарихи») номли асарида кетирилган хариталарда ушбу қалъа Сирдарёнинг юқори оқими жанубида жойлашганлиги кўрсатилган.

893 й. 3-4 ойлар. Сомонийлар давлати ҳукмдори Исмоил ибн Муҳаммаднинг Тараз (Талас) шаҳрини эгаллаши. Қодирхон кўғирчоқнинг Қашқарни пойтахт қилиши.

904 й. Қодирхон кўғирчоқнинг Сомонийлар давлатига қилган ҳарбий юриши.

920-930 йй. Сатук-буғрохоннинг Қодирхон кўғирчоқ устидан ғалаба қилиши, Қашқар тахтини эгаллаб буғрохон унвонини қабул қилиши.

933 й. Қорахонийлар сулоласининг илк бор Қорахитойлар давлатига элчи юбориши.

940 й. Қорахитойлар ҳукмдорининг Қорахонийлар давлатига элчи юбориши.

942-943 йй. Сатук-буғрохоннинг Болосоғунни эгаллаб олиши.

960 й. Арслонхон Мусанинг ва 200 минг чорвадор туркларининг исломни қабул қилиши.

²¹⁰ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 144-249-б.

971 й. Қорахонийлар сулоласининг Хўтан хонлигига қарши ҳарбий юриши.

982 й. Хўтан қорахонийлар сулоласи назорати остига ўтганидан кейин унда ислом дини ҳукмрон динга айланиши.

990 й. Хасан Буғрохоннинг Исфанжаб (хитойча Байшуй-чэнг 白水城 – Оқсу қалъаси, Шуйчэн 水城 деб ҳам аталади) шаҳрини эгаллаши.

992-993 йй. Хасан Буғрохоннинг Мовароуннаҳрга (хитой адабиётида Hezhong 河中 – дарёлар оралиғи) қилган ҳарбий юриши, Самарқанд ва Бухорони эгаллаши, кўп ўтмай кўшинларини орқага қайтариши ва унинг йўлда вафот этиши.

994-999 йй. Фарғона, Хўжанд, Илок, Шош, Уструшана ва Бухоро каби шаҳарлар ва улар атрофидаги ерларнинг Қорахонийлар хоқонлиги таркибига киритилиши.

996 й. Арслон Илек Носирнинг сомонийлар хонлигига қарши ҳарбий юриши, салжуклар билан келишув тузиши.

998 й. Али Арслонхон (Али бинни Мусо)нинг вафот этиши.

999 й. Ғазнавий сулоласинининг қудрат топиши ва Амударёнинг жанубидаги Сомонийлар хонлигига тегишли ерларни эгаллаб олиши.

999 й. 10-ойнинг 23-куни. Арслон Илек Носир сомонийлар пойтахти бўлмиш Бухорони эгаллаши ва Сомонийлар салтанатининг тугатилиши.

1001-1002 йй. Қодирхоннинг Хўтанни буйсиндириши.

1005 й. Қодирхон Юсуфнинг тахт эгаси Тўғонхонни Қашқардан Болосоғунга кеткизиши ва унинг Шарқий қорахонийлар салтанатининг ҳукмдорига айланиши.

1006 й. Илек Носирнинг Ғазнавийлар сулоласига қарши кураши ва мағлуб бўлиши.

1007 й. Илек Носирнинг Ғазнавийлар салтанатига қарши ҳарбий юриши ва 1008 йил 1 ойда Балх ёнидаги жангда мағлуб бўлиши.

1009 й. Қорахонийлар давлатининг биринчи марта Хитойдаги Сунг сулоласи саройига элчи юбориши.

1017 й. Ғазнавийларнинг Хоразмни эгаллаб олиши.

1025 й. Ғазнавийлар ҳукмдори Султон Маҳмуднинг Мовароуннаҳрга ҳарбий юриш қилиши ва Юсуф Қодирхон билан келишув тузиши.

1032 й. Юсуф Қодирхон вафот этиш муносабати билан Торим воҳасининг жанубидаги Қорахонийлар ҳукмронлигига қарши курулди кўзғолонлар кўтарилиши.

1035 й. Салжукларнинг Хуросонда ғазнавийлар кўшинини мағлуб қилиши.

1036-1037 йй. Муҳаммад бинни Носирнинг Ўзганни эгаллаши.

1036 й. Иброҳим табғочхоннинг Бухорони эгаллаши ва Али Тегиннинг бутун Мовароуннаҳрни ўз назоратига олиб Ғарбий қорахонийлар салтанатини ташкил этиши.

1039 йилда Али Тегин вафот этиб, унинг ўғли Юсуф бинни Алихон тахтга ўтириши.

1056-1057 йй. Буғрохон Муҳаммаднинг Шарқий қорахонийлар тахтини эгаллаши.

1058 й. Буғрохон Муҳаммаднинг кичик ўғли Иброҳимнинг тахтга ўтириши.

1058-1059 йй. Ғарбий қорахонийлар ҳукмдори Иброҳим табғочхоннинг Фарғона водийсини ўз назоратига олиши.

1061 й. Ғарбий қорахонийлар сулоласи ҳукмдори Иброҳим бинни Носирнинг (Иброҳим Бўри Тегин – 1052 - 1068) Боғдодга элчи юбориши ва Боғдод халифаси ал-Қайимнинг уни «Малик ал Машриқ ва Чин» («Шарқ ва Чиннинг ҳукмдори») деб эътироф этиши.

1063 й. Шарқий қорахонийлар сулоласининг Хитойга элчи юбориши.

1072 й. Ғарбий қорахонийлар сулоласининг Термиз ва Балхни эгаллаши.

1072 йилда салжуклар Амударёнинг жанубий қирғоғида ғарбий қорахонийлар қўшинини мағлуб қилди. Ўша сафарги жангда салжуклар хонлиги қўшинининг саркардаси ўлдирилганлиги учун салжуклар қўшини олға силжимади. 1088 йилда салжуклар хонлиги Бухоро, Хоразм, Самарканд каби қалъаларни ишғол қилди.

1074 й. Салжукларнинг Мовароуннаҳрга бостириб келиши ва Ғарбий қорахонийлар сулоласи билан келишув тузиши. Фарғона водийсининг Шарқий қорахонийлар сулоласи ихтиёрига ўтиши.

1088 й. Бухоро, Хоразм, Самарканд қалъаларнинг салжуклар хонлиги томонидан ишғол қилиниши.

1089 й. Салжуклар ҳукмдори Султон Малик шохнинг Мовароуннаҳрни тўлалигича эгаллаши.

1095 й. Аҳматхон (Аҳмад бинни Хизир)нинг ички курашлар жараёнида ўлдирилиш.

1097 й. Шарқий қорахонийларнинг Ғарбий Шя (Шишя 西夏 — 1032-1227) аталмиш танғутлар давлатига қарши ҳарбий юришлари.

1102 й. Шарқий қорахонийлар хонлигининг Маворауннаҳрга қўшин юбориб Термизни эгаллаши ва салжуклар томонидан мағлуб этилиши.

1128 й. Шарқий қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон Аҳмаднинг қўшинлари Қорахитойлар қуролли кучи билан бўлган жангда ғалаба қилиши.

1139-1040 йй. Хоразм қўшинларининг Бухорони эгаллаши.

1156 й. 1-2 - ой. Ғарбий қорахонийлар ҳукмдори Табғочхон Иброҳим бинни Муҳаммад билан қарлуклар сардори Алиёрбек ўртасида содир бўлган тўқнашув.

1156 й. Мавороуннахрни идора қилиш ҳуқуқининг Ўзган сулоласи қўлига ўтиши.

1158 й. Ғарбий қорахонийлар ҳукмдори Али-чўғлуқхон (Али бинни Ҳасан-чўғлуқхон)нинг қарлуқлар сардорини ўлдириши, хоразмликларнинг қарлуқларни қўллаб-қувватлаши. Ғарбий ва Шарқий қорахонийлар хонликлари ўртасида битим тузилиши.

1158 (?) й. Ғарбий қорахонийлар сулоласининг қорахитойлар ҳукмдори талабига биноан қарлуқларни Қашқарга кўчириши.

1211 й. Қорахитойлар давлатининг тугатилиши. Шарқий қорахонийлар ҳукмдори Муҳаммад бинни Юсуфнинг ўлдирилиши ва хоқонликнинг тарихий саҳнадан йўқолиши.

1212 й. Самарқандда кўзғолон кўтарилиши. Хоразм ҳукмдори Муҳаммадшоҳнинг Самарқандни эгаллаши, Усмон Буғрохон (Усмон бинни Иброҳим)нинг ўлдирилиши ва Ғарбий қорахонийлар давлатининг тугатилиши.

Қорахонийлар давлатининг пойтахти Қашқар

Қашқар (Кошғар, Ўрдукент) қадимги Буюк ипак йўлидаги кўҳна савдо ва маданият маркази сифатида дунёга танилган. Қадимда Сувли, Сулуғ, Су боши, хитой манбаларида Сулэ деб номланган. Сули топонимининг маъноси серсув демакдир. Ҳақиқатдан ҳам у Тарим воҳасидаги сув манбаига энг бой вилоятдир. Қашқар топоними VIII асрда пайдо бўлган²¹¹. ХХРда нашр этилган хариталарда Кухна Қашқар ҳали ҳам Сулэ, деб номланади. Иброҳим Мутий ва Адил Муҳаммад каби уйғур тарихчиларининг фикригига кўра, Қашқар топоними

²¹¹ Ван Чжислай. Чжунъя шиган (Очерки истории Центральной Азии). Чанша, 1986. 66-б.

нефрит кони маъносига эга бўлган *қошқар* сўзидан келиб чиққан, қадимги уйғур тилида битилган ёдгорликларда Қошқар номи Қошбалиқ, яъни нефрит тоши (уйғурча қош тоши) шаҳри шаклида учрайди²¹².

Жуғрофик нуқтаи назардан қараганда, Қашқар Помирнинг шарқий этагидаги қадимий карвон йўли чоррахасида жойлашган. Шаҳар атрофида жуда кўп кичик кентлар ва қишлоқлар бўлган. Сўнги даврларда олимлар томонидан қўлга киритган археологик топилмаларга асосланганда, ҳозирги Қашқар шаҳридан 175 км нарида (шарқий томонида) жойлашган Макит номли кентда илк тош (палеолит) даврига тегишли тош қуроллари топилган²¹³.

Давримизгача етиб келган қадимий хитой манбаларидан бири бўлган «Му-Тянзи чжуан»²¹⁴ (穆天子傳 — «Тангри ўғли Му ҳақида баён») ²¹⁵ номли асарда

²¹² *Адил Муҳаммат*. Қадимки Қашқарнинг тарих-жуғрапияси (2). (Историческая география древнего Кашгара. 2 книга). Қашқар, 2007. 293-294-б.

²¹³ Сиюй тунши (Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи). Чжэнчжоу, 1996. 3-8-б.; *Адил Муҳаммат*. Қадимки Қашқарнинг тарих-жуғрапияси (2). Қашқар, 2007. 3-б.

²¹⁴ «Му-Тянзи чжуан»нинг сақланиб қолган матни иероглифларнинг ҳозирги замон шакли билан 1987 йилда Йингчуан (Нингся ўлкаси) шаҳрида нашр этилган «Гу шишинг жи» («Қадимги ғарбий саёҳатлар хотиралари тўплами») деб номланган китобнинг 1-26-бетларида келтирилади. Асарнинг ўзи милодий III асрда милoddан олдинги V-III асрларга оид қабр ичидан топилган [Гу шишинг жи. 6-б.].

²¹⁵ «Му-Тянзи чжуан»нинг сақланиб қолган матни иероглифларнинг ҳозирги замон шакли билан 1987 йилда Йингчуан (Нингся ўлкаси) шаҳрида нашр этилган «Гу шишинг жи» («Қадимги ғарбий саёҳатлар хотиралари тўплами») деб номланган китобнинг 1-26-бетларида келтирилади. Асарнинг ўзи милодий III асрда милoddан олдинги V-III асрларга оид қабр ичидан топилган [Гу шишинг жи. 6-б.].

Қашқарнинг номи, Дзеуна / Dzeu-na (замонавий хитой тили талаффузида Цаону / Tsaonu, Саону 曹奴 – Кўкаламзор) шаклида учрайди. Ушбу асар эса Муман²¹⁶ (Му-Тянзи – Тангри ўғли Му, Му-ванг – ҳукмдор Му деб ҳам номланади) исмли ҳукмдорнинг мил. авв. 989-988 йилларда амалга оширган ғарбий сафарига бағишланган.

Қадимги Хитойнинг биринчи элчиси Чжанг Чян мил. авв. 138-116 йиллари Фарғонага келган даврда ушбу шаҳар анча юксак маданиятга эга бўлган Сулэ давлатининг маркази бўлиб, унда 1500 тутун ёки 18647 киши яшаган. I-II асрларда Сули аҳолисининг нуфузи 21000 тутун ёки 30000 кишидан ортиқ бўлган²¹⁷.

Ислом динига қадар Қашқар будда дини марказларидан бири сифатида дунёга машхур бўлган. Шу боис Ҳиндистонга борган хитой буддист сайёхлари Қашқарни зиёрат қилмай, уни айланиб ўтиб кетмаган. Ислом дини ҳукмрон динга айлангандан кейин Қашқар ислом маданияти марказларидан бири сифатида танилган.

Қашқар шаҳри жойлашган вилоят Помир тоғларининг шарқий этагидаги кўкаламзор ва серсув, иклими мўътадил, қатнов учун чорраҳа вазифасини ўта оладиган ўтроқ ҳаётга мос текисликдир. У қадимги Буюк ипак йўлидаги муҳим бир савдо ва маданият маркази сифатида гавдаланган.

Ўзбекистон ҳудудидан ўтган энг қадимий катта ипак йўли Фарғона ва Ўш каби шаҳарлар орқали Помир доволаридан ўтгандан сўнг албатта Қашқар орқали Такламакон чўлининг жанубий ёки шимолий томонидан айланиб, қадимий Хитойнинг маркази Чангъанга борган.

²¹⁶ Муман (донишманд маъносини англатади) мил. авв. 1122-247 йилларда мавжуд бўлган Циэу (замон. ўқил. Чжоу / Zhou 周)²¹⁶ номли хонлик ҳукмдори булиб, у мил.авв. 1001-945 йилларда яшаган. Ушбу хонлик Ўрдўстда, яъни қадимда туркий қабилалар яшаган жойда шаклланган. Аслида унинг асосчиларининг келиб чиқиши хитойларга (хань этносига) тегишли бўлмаган.

²¹⁷ *Ходжаев А.* Великий шелковый путь: связи и судьбы. 237-б.

IX асрнинг ўрталаридан XIII асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадар Қашқар қорахонийлар хонлигининг пойтахти бўлиб, у шу даврда нафақат халқаро савдо, ислом дини, балки илм-фан марказларидан бирига айланган.

Ғарбий Қорахонийлар давлати пойтахти Самарқанд

Самарқанд Буюк ипак йўлидаги қадимий шаҳарлардан биридир. Суғд манбаларида у Smarakanve, қадимги грек олимлари асарларида Мароканд номланган. Ўрта асрларда шимол томонда яшайдиган халқлар Семизкент деб ҳам аташган. Шу даврга тегишли сулолалар тарихларида ва сафарномаларда Канг (康), Самоцзянь (颯秣建, 萨末鞑), Сиваньцзинь (悉万斤 – Семизкент атамасининг хитойча транскрипция) шаклида ҳам учрайди.

Самарқанднинг номи хитой манбаларида илк бор қачон учрайди деган савол устида гап кетганда, шуни эслаб ўтиш жоизки, аввал нашр этилган асарларимизда²¹⁸ айтиб ўтилганидек, юқорида тилга олинган «Му-Тянзи чжуан» «Тангри ўғли Му ҳақида баён»)да Самарқанд Кивенфон (Kiwen-yan 鄯 韓, замонавий хитой тили талаффузида Жюанхан / Juan-han) шаклида учрайди.

²¹⁸ *Ходжаев А.* О реальности путешествия Му в 989-988 гг. до н.э. // «O‘zbekiston – Xitoi tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 17 noyabr 2018 yil, Toshkent. С. 230-235; *Ходжаев А. Каримова Н.Э.* Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии (переводы и исследования). «Фан», 2019. 11-70-б., *Хўжаев А. Қўлдашев Ш., Жуманиёзова Ф.* Марказий Осиё давлатчилиқ тарихига оид маълумотлар (Хитой манбалари асосида). Тошкент, «Фан», 2019. 17-51-б. Ушбу икки китобда «Му-Тянзи чжуан»нинг даврамизгача сақланиб қолган 4 бобининг русча ва ўзбекча изоҳли таржималари келтирилган.

«Му-Тянзи чжуан»дан кейинги бир неча асрлар давомида битилган хитой манбаларида Самарқандга оид маълумот учрамайди. Ҳар ҳолда, ҳозирча учрагани йўқ. Сабаби, Ғарбий Хан империяси милоддан аввалги 139 йилда Чжанг Чянни²¹⁹ Бактриядаги Дай-рузие (Да-юэчжи – Буюк Ўғузия)²²⁰ хонлигига юборгунга қадар хитойлардан ҳеч ким келмаган. Чжанг Чян ушбу хонликка мил. авв. 128 йилда қадимий Фарғона давлати орқали етиб келган. Унинг олиб келган маълумотлари сарой тарихчиси Сима Чян томонидан битилган «Шижи» («Тарихий хотиралар») номли асарнинг Фарғонага бағишланган қисмида келтирилади. Бироқ унда Самарқанд тилга олинмайди.

Самарқанд Кангкия давлати доирасида бўлганлиги сабабли бўлса керак, милоддан олдин II асрда Фарғона ва унинг жанубий томонидаги Дай-рузие (Да-юэчжи – Буюк ўғузия) давлатларига борган илк хитой элчиси Чжанг Чян Самарқанд ҳақида маълумот бермаган. Ҳар ҳолда унинг ҳисоботи асосида расмий тарихларга киритилган маълумотларда Самарқандга оид хабарлар учрамайди.

²¹⁹ Чжанг Чянга (張騫 / 张骞, русча транскрипцияда Чжан Цянь, яшган даври мил. авв. 166-114 йилларга тўғри келади) Кушон давлати ташкил топгунга қадар Бактрия ва унинг атрофидаги жойларда юз йилдан зиёд вақт давомида мавжуд бўлган Дай-рузие (Да-юэчжи – Буюк Ўғузия) хонлигини Хан империяси билан бирга хунларга қарши курашишга даъват этиш вазифаси топширилган эди. Чунки Хан сулоласи мил. авв. 176-174 йилларда хунлардан мағлуб бўлиб, Шарқий Туркистондан чекиниб, ярим асрдан сўнг Бактрияга бориб жойлашган рузие (юэчжи)ларда қасос олиш нияти бўлиши мумкин, уларни ўзимизга иттифоқдош қилиб олишни таклиф қилсак, рози бўлиш эҳтимоли бор, деган фикрга келган. Лекин Дай-рузие (Да-юэчжи) ҳукмдори бу таклифни қабул этмаган [Ханшу. 1957(749)-б.].

²²⁰ *Ходжаев А.* Из истории древних тюрков (сведения древне-китайских источников). Алматы, 2011.

Самарқанд Кангкия (замон. ўқ. Кангжюй 康居) давлати доирасидан чиқиб, мустақил хонлик марказига айланганидан сўнг у йирик шаҳарга айланган. Шундан кейин унга Хитойдан келган элчилар ва будда дини роҳиблари ўз асарларида мазкур шаҳар ҳақида фикр билдирмасдан ўтмаганлар.

Чунончи, VII асрнинг иккинчи чорагида Самарқанд давлатини зиёрат қилган будда дини роҳиби Шюан Зангнинг²²¹ асарида шу даврда унинг ҳудуди айланмасига 980 километрга яқинлиги, у шарқдан ғарбга қараб чўзилган, пойтахт шаҳрининг катталиги айланмасига 11.5 километрдан зиёдлиги, шаҳар деворлари мустаҳкамлиги, қўшинлари кучли ва жанговор бўлганлиги таърифланган. Бундан ташқари раҳиб асарида қуйидаги сўзлар учрайди.

«Самарқанд (Самуожян) ... йирик давлат ҳисобланади. Пойтахт шаҳрининг [ҳудуди] айланмасига 20 *ли* (11.52 км)дан зиёд ва [унинг деворлари] ниҳоятда мустаҳкам, аҳоли нуфуси катта. Ҳар жойлардан олиб келинган қимматбаҳо моллар шу ерга йиғилган. ... Турли давлатлардан келган ҳунармандлар талабга қараб, фурсатни бой бермай ишлашади... Бу ерда барча хорижий мамлакатлар одамлари учрайди»²²².

Самарқанд ҳақида хабар берадиган яна бир сафарнома «Ду Хуан жингшинг жи» (杜环经行记 – «Ду Хуан борган ва юрган жойлар хотираси») ²²³ номли асар ҳисобланади.

²²¹ Шюан Занг (Хуан Занг 玄奘 – 596-664) Ҳиндистонга бориб, 17 йил туриб қайтган будда дини роҳибидир. Самарқанддан у 630 йилда ўтган.

²²² Гу шишинг жи. 71-72-б.

²²³ Асар аввалига «Жингшинг жи» (经行记 – «Борган ва юрган жойлар хотираси») деб номлаган. Кейинги давр тарихчилари унинг олдига муаллифнинг фамилияси ва исмини қўшиб, уни «Ду Хуан жингшинг жи» деб номлаганлар. Асарнинг сақланиб қолган қисми юқорида тилга олинган «Гу шишинг жи» («Қадимги ғарбий сафарлар хотиралари») номли тўпламга киритилган.

Асарнинг муаллифи Ду Хуан (杜环 – туғилган ва ўлган вақти номаълум) 751 йилда араблар ва хитойлар орасида юз берган жангда асирга тушиб қолган зобитлардан бири. У 12 йил давомида Туркистоннинг турли жойларида ва араб мамлакатларида бўлган. 762-763 йилларда озод бўлиб, денгиз йўли орқали Хитойнинг жанубий порт шаҳри Гуангчжоуга қайтган ва шу ерда кўрганларини ёзиб чиққан. Шунинг учун Ду Хуаннинг сафарномаси 763-765 йилларда ёзилган, деб ҳисобланади.

Сафарномада Самарқанда ҳақида қуйидагилар ёзилган: «Канг давлати²²⁴ ... Самуожян (Самарқанд) деб ҳам номланади, ерлари ҳосилдор, одамлари кўп, лекин мамлакат катта эмас. Унда оловга сиғинувчилар ибодатхонаси бор, давлат ишлари билан шуғулланувчилар шу ердан чиқар экан»²²⁵.

766-801 йилларда ёзилган Ду Юнинг қаламига мансуб «Тунгдян»да бизгача етиб келмаган ва Вэй Же (русча транскрипцияда Вэй Цзе 韦节) исмли бир сайёҳ қаламига мансуб бўлган «Шифан жи» (西蕃记 – «Ғарбдаги қўшни мамлакатлар хотираси») номли асардан лавҳа келтирилади. Унда қуйидагилар ёзилган:

«Канг ҳокимлигининг одамлари савдо ишларига пишиқ, болаларни 5 ёшидан ўқитишади, ёшлигидан савдо ишларига ва фойда олишга ўргатишади. [Улар] ашула айтишни яхши кўради. Янги йил 6-чи ойнинг биринчи кунидан бошланади. Янги йил кунини ҳукмдорлар ва фуқаролар янги кийим кийишади, сочларини, соқол-

²²⁴ Хитой манбаларининг гувоҳлигича, Самарқанд давлати (Канг - гуо 康國) V асрнинг 30 йилларида ташкил топган, барҳам топиши эса VIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади [Ходжаев А. Сведение китайских источников о государстве Самарканд (Канг-гуо) // «Материалы научно-практической конференции «Актуальные проблемы китаеведения: Вопросы филологии, политики, экономики и философии». Ташкент, 2007. С. 106-113].

²²⁵ Гу шишинг жи. 133-б.

мўйловларини ясатиб, тараб юришади. Пойтахтнинг шарқий томонидаги дарахтзорда 7 кун давомида от чопиш ўйини бўлади, охирги куни битта тилло тангани осиб қўйиб, унга ўқ-ёй отиб теккизиш мусобақаси ўтказилади. Тангага ўқ теккиза олган киши бир кун давомида тахтга ўтказилади. Тангрига қаттиқ эътиқод қилади ва барча ишларида ундан мадад сўрайди»²²⁶.

Самарқанд ҳақида «Шиюу лу» (西游录 – «Ғарбий саёҳат хотиралари») номли сафарномада ҳам маълумот бор. Ушбу асар 1218 йилда Чингизхон Туркистонга ҳарбий юриш қилганида унга маслаҳатчи сифатида ҳамроҳ бўлган ва этник келиб чиқиши қиданларга (қорахитойларга) мансуб Елюй Чуцай (1190-1244 йилларда яшаган) қаламига тегишлидир. Асарда Ғарбий қорахонийлар давлати тугатилгандан кейинги Самарқанд ҳақида қуйидагилар ёзилган.

«Ўтрор (Йедала)²²⁷ нинг ғарбий томонида минг *ли*²²⁸ (576 км)дан зиёд нарида бир йирик шаҳар мавжуд. У Семизкент (Шюнсиган) деб номланади. Ғарбликлар тилида бу семиз демақдир. Унинг ерлари серҳосил бўлганлиги сабабли шундай аталган экан. Ғарбий Ляо [одамлари, яъни қорахитойлар] ушбу шаҳарни Хэчжунг-фу (Дарёлар

²²⁶ Ду Ю. Тунгдян (Қонунлар ва урф-одатлар баёни). 3 жилддан иборат. Чангша, 1995. 3-жилд. 2737-б.

²²⁷ Йедала (Ye-da-la 讹打刺) – қалъа номи бўлиб, Хитой олимларининг изоҳларига кўра, у Арис дарёсининг Сирдарёга келиб қуйиладиган жойга яқин бўлган. Ушбу топоним Ўтрор шаҳрига тўғри келади, деган фикр ҳам мавжуд. Хитой манбаларида у Вудалаэр (Wu-da-la-er 兀答刺儿), Вуотуолуоэр (Wu-o-tuo-luo-er 斡脱罗儿), Вутилаэр (Wu-ti-la-er 兀提刺儿) деб турлича транскрипция қилинади [Гу шишинг жи. 184-б.].

²²⁸ Ли (里) – ўтмишда хитойда масофа узунлигини ўлчаш учун ишлатилган бирлик белгиси. У 0.576 метрга тенг бўлган. Айни замонда ушбу ўлчов бирлиги 500 метрга тенглаштирилган.

оралиғидаги марказий шаҳар)²²⁹ деб аташган. ...Семизкент аҳолисининг нуфуси катта. Унда ўртасида тешиги йўқ тилла ва мис тангалар ишлатилади. Атрофидаги бир неча ўн *ли* (576 м) масофали ерларнинг ҳаммаси боғлар ва дарахзорлардан иборат. Уйлар ҳовлили, ҳовлилар эса манзарали, бир қарашда қушларнинг учиб юриши, булоқлардан ҳосил бўлган ариқ сувлари ҳовузларни тўлдириб турганлиги, кипарис ва мажнунтоллар бири-бирига тутшиб кетганлиги, шафтоли ва нок дарахтлари қатор-қатор тизилиб кетганлиги яққол кўриниб туради. Қовунларининг катталиги отнинг бошидек, шакли чўзинчоқ. Тариқ, майда гуруч²³⁰ ва дони йирик ловиялардан ташқари ҳамма зироат экилади. Айни ёз фаслида ёмғир ёғмайди, экинлар ариқлар орқали олиб келинган сув билан суғорилади. 0.14 *га* (2 му 畝) ердан анчагина ҳосил олиш мумкин. Узумни ачитиб, мусаллас қилишади, унинг ҳиди Чжунгшан²³¹ ароғини эслатади. Бу ерда тут дарахти ўсади, ипакчилик билан шуғулланувчилар бор, шунинг учун пилладан ипак йиғиб олиб, мато тўқишади, [ундан тикилган] кийимлар ялтираб туради. Маҳаллий халқ оқ

²²⁹ Хэчжунг-фу (河中府) – ушбу атаманинг биринчи бўлагини ташкил этган икки иероглиф «дарёнинг ўрта қисми» манъносини англатади, унинг иккинчиси, яъни «фу» сўзи мавқеи вилоят марказидан пастроқ, ноҳия марказидан юқорироқ бўлган шаҳарга берилган даражани англатади.

²³⁰ Гуручнинг Хитойда ўсадиган дони майда бир нави.

²³¹ Чжунгшан (中山) – Ҳозирги ХХРнинг Хэбэй ўлкасидаги, аниқроғи Пекин шаҳрининг шимоли-шарқий томонидаги бир вилоят номи бўлган. Ушбу топонимнинг пайдо бўлган вақти милоддан аввалги III-V асрларга бориб тақалади. Илк бор у *биак-диек биак-тиек* (*бай-ди* 白狄 – ғарбий турк демакдир) деб номланган турклар томонидан ташкил этилган хонлик номи сифатида юзага келган [Цихай (Сўзлар денгизи). 6-нашр. Шангхай, 1985. 1406-б.; *Ходжаев А.* Из истории древних тюрков... С. 42-43].

кийимни байрам, яшил рангли кийимни эса мотам либоси деб билишади. Шунинг учун ҳамма оқ рангли кийимда юради»²³².

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Фарбий қорахонийлар давлати пойтахти бўлишидан аввалги 2-3 аср давомида Самарқанд йирик халқаро савдо марказига айланган. Ушбу давлат ҳукмронлиги даврида унинг ривожланиши яна ҳам юксалган.

Чжунггуо ва Хитой топонимлари

Айни замонда «Чжунггуо» (Zhongguo 中国) атамаси Хитой Халқ Республикасининг қисқача номи сифатида ишлатилади. Аслини олганда ушбу топоним милoddан аввалги даврларда пайдо бўлган. Ушбу топоним муомалага киришидан олдин қадимги хитойлар ўзларининг мамлакатини «Тучжунг» (Zhongtu 土中), «Чжунгту» (Tuzhong 中土), деб аташган эди. Ушбу атамалар марказдаги ер маъносини англатган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши хитойларнинг ўша замондаги дунё ҳақидаги тафаккури билан бевосита боғлиқдир.

Шу даврдаги «Чжунггуо»нинг худуди Хуангхэ (Қорамурон)²³³ дарёсининг қуйи оқими ва Ўрдўснинг жанубидаги Вэйхэ дарёси билан Янзи (Чангжянг дарёси) оралиғида жойлашган. Ҳозирги Шиан (рус тиллик

²³² Гу шишинг жи. 180-181-б.

²³³ Қадимий турклар Қорамурон, хитойлар Хаунгхэ деб номлаган ушбу дарё *Буюк дарё* маъносини англатган. Айни замон хитой тилида хуанг (黃) иероглифи сариқ ранг маъносида қўлланилади. Қадим замонда у буюкликни билдирган. Хитой манбаларида келтириладиган афсонавий ҳукмдор унвони ҳисобланган «Хуангди» (Huangdi 黃帝) ҳам *буюк ҳукмдор* маъносини билдирган. Мил.авв. III асрнинг охириги чорагидан бошлаб муомалага кириб келган «хуангди» (император) унвонини ёзиш учун шу маънони белдирувчи бошқа хуанг (皇) иероглифи ишлатилган.

адабиётларда Сиань (西安) шаҳрининг шарқий томонидаги Лоянг (Luoyang 洛阳) шаҳри унинг маркази ҳисобланган²³⁴.

Шу замонда хитойлар ўзларнинг атрофидаги мамлакатларни дунё чеккаси (фанг 方) ёки атрофдаги мамлакатлар (фанггуо 方国), ўз юртини эса унинг маркази деб тушунган эди. Кейинчалик «Тучжунг» (土中), «Чжунгту» (中土) хитойларнинг илк аجدодлари бўлмиш *шялар* томонидан Хуангхэ дарёсининг қуйи оқимининг жанубий томонида ташкил этган давлат номига айланган. «Чжунггуо гужин диминг дацидьян» («Хитойнинг қадимдан ҳозиргача бўлган ер номлари луғати»)да атамага «Чжунггуо хитойлар ватанининг маҳаллий номидир. У қадим замонда Хуангхэ дарёси атрофида ташкил топган бўлиб, унинг тўрт томони *мянйи* (қадим. ўқ. *мянйей*)²³⁵ ва *рунгди* (қадим. ўқ. *ривем-тиек* 戎狄)²³⁶лардан иборат эди. Хитой давлати ўртада жойлашганлиги туфайли шундай ном қўйилган. У Чжунгхуа деб ҳам аталади»²³⁷, деб шарҳ берилган. «Цихай» луғатида баён этилишича, «Дастлаб ушбу давлат ҳозирги Хэнан ўлкаси ва унинг атрофидаги ерларда жойлашган. Кейинчалик шялар, яъни ханзулар яшаган ерларнинг доираси кенгайгангандан сўнг Хуангхэ дарёсининг ўрта ва қуйи оқими қирғоқлари Чжунггуо деб

²³⁴ Чжунггуо дабайкэ чоаншу. Чжунггуо лиши. (Хитойнинг ката энциклопедияси. Хитой тарихи). Пекин, 1997. 1407- б.

²³⁵ *Мянйи* – қадимги хитойлар ўзларининг жанубий томонидаги халқларга нисбатан ишлатган атама ҳисобланади.

²³⁶ *Рунгди* атамаси от, чавандоз, чжангчи маъносини англатувчи *рунг* ва турк сўзининг қадимги транскирипцияси бўлмиш *тиук*, *диаук* (ҳозирги ўқилишда *ди*) каби икки сўздан ташкил топган ва хитойлар орасида кенг қўлланилган этнонимдир. *Рунгди* этнонимини турк чавандозлари, деб таржима қилиш асосли бўлади.

²³⁷ Чжунггуо хуэйзу дацидьян (Хитой мусулмонлари катта луғати), Йингчуан (Жянгсу), 1992. 134-б.

аталди»²³⁸. Шундан бери Чжунггуо топоними доимий равишда ишлатиб келинмоқда. Қадимда Чжунггуонинг худуди Хуанхэ дарёсининг куйи оқими жанубидаги ерлардан ташкил топган бўлса, ҳозир унинг ҳудуд доирасига Маньчжурия, Ички Монголия, Шарқий Туркистон, Тибет каби мамлакатлар киради. Айни замонда Чжунггуо топоними 1949 йилда ташкил топган ва «Чжунгхуа Ренмин Гунгхэгуо» (Хитой Халқ Республикаси) деб аталиб келаётган давлатнинг қисқартирилган номи ҳисобланади²³⁹. Шундан маълумки, ўтган икки минг йилдан ортиқ давр давомида «Чжунггуо» топонимининг жуғрофий маъноси хитойлар назоратига ўтган ерларнинг кенгайишига қараб ўзгариб борди.

Хитой атамаси давлат ва халқ номи сифатида рус ва Марказий Осиё халқлари тилида кенг тарқалган. Аслини олганда ушбу атама ҳозирги даврда унинг билан аталадиган давлат ва халқ номидан келиб чиққан эмас. Хитой атамаси қадимда ҳозирги ХХРнинг шарқий-шимолий қисми бўлмиш Манчжурияда (Дунгбэй – шимоли-шарқ деб ҳам аталади) яшаган ва кейин ғарбга қараб кўчган *қитон* (рус адабиётида *кидань*, хитой манбаларида *цидан*) этноси номидан келиб чиққан. Мусулмон манбаларида ушбу атама *хитой*, *хатай* (*hatai*), Еврўпа адабиётларида *катай*, *ката*, *кацай* (*catai*, *cata*, *cathai*) шакли учрайди²⁴⁰.

Этимологик жиҳатдан олганда, гарчи *қитон* атамаси пўлат, қилич, кесиш, совуқ каби маъноларни англатса ҳам, у аслида авлод бошлиғи исмидан келиб чиққан²⁴¹.

²³⁸ Чжунго дабайкэ чоаньшу. 1407-б.

²³⁹ Чжунггуо дабайкэ чоаншу. 1407-б.

²⁴⁰ Цихай (Сўзлар денгизи). Шанхай, 1979. 114-б.

²⁴¹ *Гу Бао*. Гудай Шинжянг ди йингюэ удао юй гудай шэхуэй (Қадимги Шинжянг мусиқаси, рақслари ва жамияти). Пекин, 1987. 432-433-б.

Айрим маълумотларга кўра, қитонлар хунлардан келиб чиққан. Иккинчи маълумотларга кўра, уларнинг келиб чиқиши сянбиларга бориб тақалади. Аммо хунлар ва сянбиларнинг келиб чиқиши қадимги турклар (тиук, замонавий ўқилишда ди) билан боғлиқдир²⁴². Шунинг учун, қитонларнинг келиб чиқиши қадимий туркларга бориб тақалади дейиш хато бўлмайди.

Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, *цидан* (қитон, кидань) этноними IV асрда пайдо бўлган. Аммо ушбу этноним билан аталганларнинг кучайиши X асрдан бошланди. Шунгача бўлган бир неча аср давомида қитонлар сон жиҳатдан улғайиб борди. X асрда улар *сивандан, хэдахэ, фуфююй, юйлинг, риян, пиже (писе), ли, тулююй* каби 8 қабилани ташкил этди²⁴³. Булар одатда қадимий 8 қитон қабилалари деб ҳам аталади. Шу даврда қитонлар асосан Манчжурияда (Дунгбэй) яшаган. 907 йилда Елюй Абожи етакчилигида аввалига Қитон (Чидань, Цидань) кейинчалик Ляо деб номланган давлат (907-1125) ташкил этди ва ўз ҳудудини ҳозирги Шарқий Монголия ва Ички Монголия ҳисобига кенгайтирди. 916 йилда Елюй Абожи ўзини император деб эълон қилди. Шунинг учун кўп ҳолларда қитонлар давлатининг ташкил топган вақтини 916 йил, деб кўрсатилади.

1124 йилларда қитонлар ўзининг таъсир доирасини ғарб томонга қараб кенгайтирган. Шунда қитонлар давлатининг ҳудуди Иртиш дарёсининг юқори оқимларигача етиб борган. XII асрнинг бошларида ушбу давлатнинг ички вазияти мураккаблашиб қолди. Фурсатдан

²⁴² Хитой манбаларидаги замонавий талаффузда *ди, рунг-ди* деб номланганлар бундан 3-4 минг йил илгари мавжуд бўлган ва хитойларнинг шимолий ҳамда ғарбий томонидаги кўшни турклар эди [Ходжаев А. Из истории древних тюрков... Алматы. 25-55-б.].

²⁴³ *Гу Бао*. Гудай Шинжянг ди йингюэ удао юй гудай шэхуэй. 434-б.

фойдаланиб Манчжурияда яшовчи ва қитонлар итоатида бўлган нюйчжэн номли қабилалар иттифоқи бош кўтарди. 11 йиллик кураш давомида нюйчжэнлар қитонлар ҳокимиятини ағдариб ўзларининг Цзинь (Олтун) деб номланган давлатини ташкил этди. Қитонларнинг аксарият қисми ҳукмрон сулола аъзоларидан бири бўлган Елюй-Даши (Елидош) исмли амалдор бошчилигида ғарбга кўчиб бориб Монголия ҳудудидаги Хатун (Кэдун – ҳозирги Монголиянинг Чяобашань шаҳри) шаҳрини марказ қилган ҳолда ўз давлатини тикламоқчи бўлди. Аммо шарқ томондан келаётган хавф туфайли у бу мақсадига эришолмади. 1132 йилда Елюй Даши Эмиль (Емиличэн) шаҳрини асос қилиб давлат ташкил этишга ва ўзини Гўрхон (хонлар хони маъносини англатади) деб эълон қилишга эришди. Шундан кейинги 10 йил ичида Елюй Даши Турфон хонлиги (Гаочан давлати), Шарқий ва Ғарбий Қорахонийлар давлати, ҳамда Хоразм давлати устидан ўз назоратини ўрнатди²⁴⁴. Мана шу даврда қайта тикланган қитонлар давлати «Ғарбий Ляо» (Шиляо – 1124-1211), мусулмон манбаларида Қорахитой (Буюк хитойлар демакдир) давлати деб номланган. Мазкур давлатнинг ҳудуди дастлабки даврда шарқда Тула, ғарбда Эмил дарёлари оралиғидаги жойларни ўз ичига олган²⁴⁵. Кейинчалик унинг таъсир доирасига ғарбда Орол денгизи бўйигача бўлган жойлар кирган. 1218 йилда ушбу давлат мўғуллар томонидан тор-мор қилинганидан сўнг қорахитойлар ҳар қаёққа тарқаб кетди. Уларнинг аксарият қисми Туркистон халқлари орасига сингиб кетди. Ўзбекистон ҳудудида хитой ва қорахитой атамалари билан боғлиқ бўлган топоним ва этнонимларнинг сақланиб қолиши мазкур воқеа билан бевосита алоқадордир.

²⁴⁴ Чжунггуо дабайкэ чюаншу. 39-б.

²⁴⁵ Ўша жойда. 39-б.

Уйғур этнонимининг этимологияси ҳақида қисқача тушунча

Ушбу китобимизни ёзиш учун жалб этилган ХХР олимлари асарларида *уйғур* этноними кўп тилга олинади ва Қорахонийлар хоқонлигини ташкил этишда ҳамда ривожлантиришда уларнинг хиссаси катта бўлганлиги таъкидланади. Шу билан бирга ушбу атаманинг этимологияси, унинг билан номланганларнинг этник таркиби ҳақида турлича қарашлар мавжудлиги айтилади. Шунини инобатга олиб аввал нашр этилган тадқиқотларимиз асосида мазкур масалага қисқача тушунтириш бериб ўтиш лозим топилди.

Уйғурлар туркий халқлар ичидаги энг қадимийларидан бири эканлигини ва уларнинг дунё цивилизацияси, Марказий Осиё, хусусан Буюк ипак йўли тарихида муҳим ўрин тутганлиги кўп олимлар томонидан эътироф этилган. Бу борада Россия ва Европа олимларининг ишлари салмоқли ўрин эгаллайди. Уларнинг мазкур масала юзасидан баён этган фикр-мулоҳазалари 1991 йилда Олмаота шаҳрида нашр этилган «Краткая история уйгуров» («Уйғурларнинг қисқача тарихи») номли асарда батафсил таҳлил қилинган²⁴⁶.

Кейинги 30-40 йил давомида дунё олимларининг уйғурлар тарихига оид тадқиқотлари анчагина нашр этилган. Улар орасидаги 2001 йилда турк тилида чоп этилган 21 жилдли «Турклар» («Turkler») ²⁴⁷ ва инглиз тилида нашр этилган 6 жилдли «The Turks» ²⁴⁸ номли йирик асарлари ҳамда «Xinjiang China's muslim borderland» («Шинжян Хитойдаги мусулмонлар яшайдиган чегара замини») ²⁴⁹ номли асарлар муҳим илмий аҳамият касб этади.

²⁴⁶ Қаранг: Краткая история уйгуров. Алма-Ата, 1991. С.4-15.

²⁴⁷ Turkler. 21 kitab. Ankara, 2001.

²⁴⁸ The Turks. In 6 books, Ankara, 2002.

²⁴⁹ Xinjiang China's muslim borderland (Шинжян Хитойдаги мусулмонлар яшайдиган чегара замини). Нью-Йорк – Лондон. 2004.

Уйгур атамасининг луғавий маъноси ҳақида дунё олимлари асарларида олға сурилган ҳар хил фикрларни бирламчи хитой манбаларидаги маълумотлар асосида таҳлил қилиб кўрилди. Натижада маълум бўлдики, *уйгур* этноними *уюшиш*, *бирлашмоқ* маъносини билдирувчи *уй* сўзи билан этник атама бўлмиш *ўғуз* нинг кўшилиши асосида юзага келган. Бунинг исботини 2010 йилдан кейин ўзбек ва рус тилларида нашр этилган асарларимизда батафсил келтирилади²⁵⁰. Бу ерда хулосамизнинг асоси сифатида бирламчи хитой манбаларидан қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринли деб топилди.

1) «Шин Тангшу» («Танг [сулоласи]нинг янги тарихи») ва «Танг хуэйяо» («Танг [сулоласи]нинг қисқача тарихи») номли асарда «*уху* (*ўғуз*) *ухэ / угэ* (*уйгур*) демакдир» (烏護則烏紇也 後為回鶻也)²⁵¹, деб ёзилган.

2) «Шин Тангшу»нинг уйғурларга бағишланган 217-бобида қуйидагича ёзилган: «уйғурлар (*юаньхэ*) *ўғуз* (*уху*, *уге*) деб номланган, Суй [сулоласи ҳукмронлиги] даврига келганда уйғур (*вейге*) деб аталадиган бўлди» (袁紇者曰烏護曰烏紇至隋曰韋紇)²⁵².

3) «Танг хуэйяо» («Танг сулоласининг қисқача тарихи»)да «*ўғуз* (*уху*) *уге* деб ҳам айтилган, кейин уйғур (*хуэйгу*) деб аталди» (烏護則烏紇後為回鶻也)²⁵³ деб ёзилган.

4) Хитой манбаларида учрайдиган «жюшинг *угуси*»

²⁵⁰ Бу ҳақда батафсил қаранг: *Ходжаев А.* Сведения древне-китайских источников по этнической истории Центральной Азии. 203-254-б.; *Ўша муаллиф.* Великий шелковый путь: связи и судьбы. 128-142, 163-179-б. ва бошқалар.

²⁵¹ *Оу Янгию Сунг Чи.* Шин Тангшу // Эршиси ши. 16934(1520)-б.; *Ван Пу.* Танг хуэйяо (Танг сулоласининг қисқача тарихи). 1785-б.

²⁵² *Оу Янгию, Сунг Чи.* Шин Тангшу // Эршиси ши. 16934(1520)-б.

²⁵³ *Ван Пу.* Танг хуэйяо. 1785-б.

(«тўққиз ўғуз») ва «жюшинг хуэйхэ / хуэйгэ» («тўққиз уйғур») атамалари билан номланган қабилалар иттифоқининг таркиби бир хил. Бу этнонимлар уйғурларга нисбатан ишлатилган. Баъзан ушбу иттифоқ «жюшинг тиетлэк / телэ» («тўққиз турк») деб ҳам номланади²⁵⁴.

Ўғузларнинг азалий яшаган жойи Тангриотоғнинг Шарқий Туркистон қисмидаги яйлов жойлардан иборат бўлган. Буларнинг келиб чиқиши эса Такламакон чўли атрофидан топилган, бундан 5-6 минг йил олдин яшаган одамларга бориб тақалади, деган тахмин мавжуд. Ушбу тахмин эса шу одамлар жасадларининг Кўнчи дарёси (мазкур чўлнинг шимолий чеккасида жойлашган) атрофида топилгандан сўнг юзага келди. Қадимги хитой манбаларида

Учрайдиган юэчжи (қадим. ўқ. *рузие*)ларнинг келиб чиқиши ҳам ўғузларга бориб тақалади²⁵⁵.

605 йилдан бошлаб уйғурлар таркибига кирган туркий қабилалар кўпайиб борган. VIII асрда уларнинг сони 30 тага етган, лекин шундан кейинги юз йилликда булар орасида бўлиниш юз берган. Шунда уларнинг катта бир бўлаги Туркистон худудига келиб жойлашган.

²⁵⁴ Бу ҳақда асарнинг кейинги бобларида батафсил маълумотлар келтирилган.

²⁵⁵ Бу ҳақда батафсил қаранг: Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 105-107, 118-119-б.; Ходжаев А. Из истории древних тюрков... Ўша муаллиф. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. 203-238-б.; Ўша муаллиф. Великий шелковый путь: связи и судьбы. 128-142, 163-179-б. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 105-107, 118-119-б. ва бошқалар.

VII-IX АСРЛАРДАГИ УЙҒУРЛАР (30та қабила)

605 йилдан аввалги
уйғурлар (юаньхэ 袁纥)

VII асрда қўшилган туркий
(тиетлэк / телэ 铁勒)
қабилалар

- 1 *яглиқор* (яолуогэ 藥羅葛)
- 2 *қутригур* (худуогэ 胡咄葛)
- 3 *турлам-вейбур* (дуолуову
咄羅勿)
- 4 *буқосқир* (муогэшихэ
貊歌息訖)
- 5 *овчаг* (авуди 阿勿啗)
- 6 *хазор-қасор* (гэса 葛萨)
- 7 *хўгурсу* (хуохэсу 斛喝素)
- 8 *ягма* (яовугэ 藥勿葛)
- 9 *аёвир* (шийеву 奚耶勿)

- 1 *буғу* (пуғу 僕骨)
- 2 *хун* (хун 渾)
- 3 *байирқу* (баегу 拔野古)
- 4 *изгил* (сизжие 思结)
- 5 *чибни* (чибиюй 契苾羽)
- 6 *қувурқан* (гулиган 骨利幹)
- 7 *сиртордуш* (шюеянтуо
薛薛延陀) – 2
қабиладан иборат:
1). *сир* (шюе 薛)
2). *тардуш* (янтуо 延陀)

- 8 *одиз* (адие 阿跌)
- 9 *тува* (дубуо 都播)
- 10 *тунгра* (тунглуо 同羅)
- 11 *тилангут* (дуолангэ 多覽葛)
- 12 *чигил* (шижэ 奚结)
- 13 *хўгурсу* (хушюе 斛薛)
- 14 *барсук* (байси 白霽)
- 15 *басмил* (башими 拔悉蜜)
- 16 *қурун-ўғуз* (гулун-угуси
骨崙屋骨思)
- 17 *қарлуқ* (гэлуолу 葛邏祿)
– 3 қабиладан иборат:
1) *булак* (муолуо 謨落)
2) *сәбәк* (чжисси 熾俟)
3) *ташлиғ* (ташили 踏實力)

Вэй Лянгтао китобларида келтирилган
Қорахонийлар хоқонлиги тарихига оид асар ёзган
айрим мусулмон муаллифлар ва манбалар²⁵⁶

1. Izz al-din Abu-l-Hasan Ali ibn Muhammed ibn al-Athiri
عز الدين أبو الحسن علي ابن محمد ابن الأثير
2. Abu Djafar Muhammed ibn Djarir al-Tabari
أبو جعفر محمد بن جرير الطَّبْرِي
3. al-Imam abu-l ‘Abbas Ahmad ibn Jabir al-Baladhuri
الامام ابو العباس احمد بن جابر البلاذري
4. Abu Nasr Muhammed b. Abd al-Djabbar Utbi
أبو النصر محمد بن بن عبد الجبار العتبي
5. Abu Sa’id Abd-l-Hay b. Zahhak Gardizi. Zain al-akhbar.
أبو سعيد عبد الحي بن الضحاک جرديزي. زين الأخبار
6. Abu Bakr Muhammed b. Djafar Narshahi
ابو بكر محمد بن جعفر نرشنخي
7. Mujmal al-tawarikh wa-l-qisas
مجمل التواريخ و القصص
8. Nizam al-Mulk, Abu Ali Hasan b. Ali Tusi
نظام الملك ابو علي الحسن بن علي الطوسي
9. Muhammed al-Aufi
محمد لأوفي
10. Abu Sa’d abd al-Karim b. Muhammed al-Sam’ani
ابو سعد عبد الكريم بن محمد السمعاني
11. Abu-l-Fazl Muhammed b. Husein Baihaki
ابو الفضل محمد بن الحسين البيهقي
12. Muntadjab al-din Badi. Al-Tawassul ala-l-Tarassul
منتجب الدين البديع. التوصل والترسل
13. Baha al-din Muhammed b. Muayad al-Bagdadi
بهاء الدين محمد بن مؤيد البغدادي
14. Hudud al-Alam
حدود العالم
15. Abu Sa’id Abd al-Rahman b. Muhammed al-Idrisi
أبو سعيد عبد الرحمن بن محمد الإدريسي

²⁵⁶ Арабча ёзувдаги манбалар номлари ушбу китоб муаллифлари томонидан қўшиб қўйилди.

16. Abu Hafs Omar b. Muhammed al-Nesefi

أبو حفص عمر بن محمد النسفي

17. Imad al-din Abu Abdallah Muhammed b. Muhammed Isfahani

عماد الدين ابو عبد الله محمد بن محمد الأصفهاني

18. Fath b. Ali b. Muhammed Bondari. Zubdat al-Nusra wa Nuhbat al'usra

الفتح بن علي بن محمد البنداري. زبدة النصرة ونخبة العصرة

19. Haridat al-Kasr wa Djaridat al-'Asr

خريدة القصر وجريدة العصر

20. Abu Mansur al-Malik b. Muhammed Sa'alibi

عبد الملك بن محمد بن اسماعيل الثعالبي

21. Sadr al-din Abu-l-Hasan Ali b. Nasir al-Huseini

صدر الدين أبو الحسن علي بن ناصر الحسيني

22. Abu-l-Hasan, Ali b. Husein al-Mas'udi. Murudj al-zahab.

أبو الحسن علي بن الحسين المسعودي. مروج الذهب


23. Abu Bakr Muhammed b. Ali al-Rawandi. The Rahat-us-Sudur wa Ayat-us-Surur.

ابو بكر محمد بن علي الرواندي. راحة الصدور وآية السرور

24. Abu Is'haq Ibrahim ibn Muhammad al-Istakhri. Kitab masalik al-mamalik.

ابو اسحق ابراهيم بن محمد الاصطخرى. كتاب مسالك الممالك

Қорахонилар сулоласи шажараси (Вэй Лянгтао келтирган шажара таржимаси)



¹ Бозирхон ва Ўғулчақлар отаси бўлса ушбу шахс исми **Кулбилге Қорахон** (840 - 880) бўлиш керак. Вэй Лянгтао мазку шажара тўлиқ эмас ва шубҳали жойлари бор деб таъкидлаб ўтган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Хитой тилида

1. *Бан Гу*. Ханшу (班固. 漢書 – Хан [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (二十四史 – 24 тарих). 2-жилд. Пекин – Шангхай, 1956-1958.
2. *Вэй Вэй, Янь Шигу* и др. Суйшу (魏微, 顏師古. 隋書 – Суй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 9-жилд.
3. *Гу шишинг жи* (古西行記 – Қадимги ғарбий саёҳатлар хотиралари тўплами). Йинчуан (银川), 1987.
4. *Ду Ю*. Тунгдян (杜佑. 通典 – Қонунлар ва урф-одатлар баёни). 3 жилдли. Чангша, 1995. 766-801 йилларда ёзилган.
5. *Му Тянзи чжуан* (穆天子傳 – Тангри ўғли Му тазкираси) // Гу шишинг жи. 6-26-б.
6. *Оу Янгию Сунг Чи*. Шин Тангшу (新唐書 – Танг [сулоласининг] янги тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). Пекин – Шангхай, 1956-1958. 13- жилд.
7. *Юсуф Хос Ҳожиб*. Фулуо чжихуэй (福乐智慧 – «Бахт ва саодатга бошловчи билим»). Пекин, 1986.

Ўзбек тилида

8. *Махмуд Қашгарий*. Девону Луғот-ит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 жилдан иборат. Тошкент, 1961.
9. *Абулғозий*. Шажарайи турк. Қ. Муниров ва Қ. Махмудов нашрга тайёрлаган. Тошкент, 1992.

Уйғур тилида (араб алифбоси асосида)

10. *Махмуд Қашқарий*. Туркий тиллар девони. 3 жилдли. Урумчи, 1989.
11. Уч подшолик тазкираси, Цзиннома, Сунгнома (Сань-гуо чжи, Цзиншу, Сунгшу). Хитойчадан таржима. Урумчи, 2001.
12. *Юсуф Хос Ҳожиб*. Қутадғу билиг. Пекин, 1984.

Адабиётлар

Ўзбек тилида

1. *Айтбаев А.* Чин ва Мачин. Тошкент, 2006.
2. *Аскарлов А.* Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи (История происхождения узбекского народа). Тошкент, 2015.
3. *Ислом энциклопедияси.* 6-жилд, 58-китоб. Истамбул, 1953.
4. *Тўхтиев Ирпан.* Қорахонийлар сулоласининг XI асрнинг 1-чорагида зарб қилинган кумуш тангалари. Тошкент, 2015.
5. *Хўжаев А.* Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007.
6. *Хўжаев А.* Қошғарий ёдгорлик мажмуи // Ўзбекистон миллий энциклопедияси (ЎМЭ). 5-жилд, Тошкент, 2003. 78-79-б.
7. *Хўжаев А.* Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). Тошкент, 2015.
8. *Хўжаев К.А.* Хитой манбаларидаги «жюшинг угу», «жюшинг теле» ва «жюшинг хуэйхэ» атамалари ҳақида // Шарқшунослик. № 12, Тошкент, 2004. 223-228-б.
9. *Хўжаев А. Қўлдашев Ш., Жуманиёзова Ф.* Марказий Осиё давлатчилиқ тарихига оид маълумотлар (Хитой манбалари асосида). Тошкент, «Фан», 2019.
10. Шарқшунослик (Востоковедение). №. 5. Тошкент, 1994.
Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. Москва, 1981.
11. *Шониёзов К. Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни (Процесс формирования узбекского народа). Тошкент, 2001.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси (ЎМЭ). 12 жилдди. Тошкент, 2000 – 2006.

Рус тилида

13. *Караев О.* История караханидского каганата. Фрунзе, 1983.
14. *Молотова Э.М.* Тазкира-йи Буғро-хон: история и культура караханидского государства. Алматы, 2016.
15. *Ходжаев А.* Великий шёлковый путь: связи и судьбы (на основе китайских источников и литературы). Второе дополненное издание. Ташкент, 2018.

16. *Ходжаев А.* Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011.
17. *Ходжаев А. Каримова Н.Э.* Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии (переводы и исследования). «Фан», 2019. 11-70 бет.
18. *Ходжаев А.* Китайский фактор в Центральной Азии. Ташкент, 2007.
19. *Ходжаев А.* О реальности путешествия Му в 989-988 гг. до н.э. // «O‘zbekiston – Xitay tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 17 noyabr 2018 yil, Toshkent. С. 230-235;
20. *Ходжаев А.* Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. Ташкент, 2017.
21. *Ходжаев А.* Сведение китайских источников о государстве Самарканд (Канг-гуо) // «Материалы научно-практической конференции «Актуальные проблемы китаеведения: Вопросы филологии, политики, экономики и философии». Ташкент, 2007.
22. *Ходжаев А.* Китайский фактор в Центральной Азии (история и современность). Ташкент, 2020.
23. *Хўжаев К.А.* Хитой манбаларидаги «жюшинг угу», «жюшинг теле» ва «жюшинг хуэйхэ» атамалари ҳақида // Шарқшунослик. № 12, Тошкент, 2004. 223-228-б.

Хитой тилида

24. *Ванг Чжислай.* Чжунгъя шиганг (王治来. 中亚史纲 – Марказий Осиёнинг қисқача тарихи). Чангша, 1986.
25. *Ванг Чжунгхан* (масъул муҳаррир). Чжунггуо минзу ши (王鐘翰. 中国民族史 – ХХР халқлари тарихи). Пекин, 1994.
26. *Вэй Лянгао.* Калахан вангчао шигао (魏良弢. 喀喇汗王朝史稿 – Қорахонийлар сулоласининг қисқача тарихи). Урумчи, 1986.
27. Вэйуэр цзу цзяньши (维吾尔族简史 – Уйғур халқининг қисқача тарихи). Урумчи, 1991.
28. *Гу Бао.* Гудай Шинжянг ди йингюэ удао юй гудай шэхуэй (古代新疆的音乐舞蹈与古代社会 – Қадимги Шинжянг мусиқаси, рақслари ва жамияти). Пекин, 1987. 432-433-б.
29. *Гуо Йингдэ.* Вэйвуэр шилюэ (郭应德. 维吾尔史略 Уйғурларнинг қисқача тарихи). Шанхай, 1952.

30. Жянминг Чжунггуо лиши диту жи (简明中国历史地图集 Хитойнинг қисқача тарихий хариталари тўплами). Иккинчи нашр. Пекин 1996.

31. Сичоу чжилу маойи ши (丝绸之路貿易史 – Ипак йўлидаги савдо тарихи). Ланчжоу, 1997.

32. Фэнг Цзяшэнг, Чэнг Сулуо, Му Гуангвэн. Вэйвуэрзу шияо жянбян (冯家昇, 程溯洛, 穆广文. 维吾尔族史料简編 – Уйғур халки тарихига оид қисқача материаллар тўплами). 2 жилдли. Пекин, 1981.

33. Ханюй дазидян (漢語大字典 – Хитой тили ва ёзуви катта луғати). 8 жилдли. Чэнду, 1986-1991.

34. Цихай (辞海 – Сўзлар денгизи). Шангхай, 1979.

35. Циюан (辞源 – Сўзларнинг келиб чиқиши). 4 жилдли. Пекин, 1982.

36. Чжанг Гуангда. Шиюй шиди цунггао чубян (張廣達. 西域史地叢稿初編 – Ғарбий мамлакатлар тарихий географиясига оид илмий мақолаларнинг биринчи тўплами). Шангхай, 1995.

37. Чжунггуо дабайкэ чюаншу. Чжунггуо лиши (中国大百科全书. 中国历史 – Хитойнинг катта энциклопедияси. Хитой тарихи). Пекин, 1997.

38. Чжунггуо лиши дацидьян. Шисюэ ши (中国历史大辞典. 历史学 – Хитой тарихи катта луғати. Тарихшунослик). Изд. 2-е. Шанхай, 1984.

39. Чжунггуо хуэйзу дацидьян (中国回族大词典 – Хитой мусулмонлари катта луғати), Йингчуан (Жянгсу), 1992.

40. Шинжянг лиши цидьян (新疆历史词典 – Шинжянг тарихи луғати). Урумчи, 1996.

41. Шиюй диминг каолу (西域地名考录 – Ғарбий мамлакатлар жой номларига оид тадқиқотлардан лавҳалар). Пекин, 2008.

42. Юй Тайшань (масъул мухаррир). Шиюй тунгши (余太山. 西域通史 – Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи). Чжунгчжоу, 1996.

Уйғур тилида (араб алифбоси асосида)

43. Анвар Байтур, Хайриниса Сидиқ. Шинжянгдики миллатларнинг тарихи (شەنجاڭدىكى مىللەتلەرنىڭ تارىخى). Пекин, 1991.


44. Ванг Чжилай. Ўрта Осиё тарихи (ئوتتۇرا ئاسىيا تارىخى). 2 жилдлик. Хитой тилидин таржима. Урумчи, 2000.
45. Вэй Лянгао. Қарахонийлар тарихидин баён. (قاراخانىيلار تارىخىدىن بايان). Хитой тилидин таржима. Қашқар, 2000.
46. Хожиди Нурхажиди. Қадимқи уйғурлар ва қарахонийлар. (قەدىمقى ئۇيغۇرلار ۋە قاراخانىيلار). Урумчи, 2001.
47. Ли Жиншун. Шинжонгда ўтган ислом хонликлрининг қисқича тарихи (شىنجاڭدا ئوتكەن ئىسلام خانلىقلىرىنىڭ قىسقىچە تارىخى). Хитой тилидин таржима. Урумчи, 2003.
48. Лин Ган, Гао Зиху. Қадимқи уйғурлар тарихи (قەدىمقى ئۇيغۇرلار تارىخى). Урумчи, 2000.
49. Лю Чжишяо. Уйғурлар тарихи (ئۇيغۇرلار تارىخى). 2 жилдди. Хитой тилидин таржима. Пекин, 1988.
50. Одил Муҳаммад. Қадимқи Қашқарнинг тарих-жуғрафияси (قەدىمقى قەشقەرنىڭ تارىخ - جۇغراپىيەسى) (2). Қашқар, 2007.
51. Ришот Ганж. Қарахонийларнинг давлат ташкилоти (قاراخانىيلارنىڭ دۆلەت تەشكىلاتى). Турк тилидин таржима. Урумчи, 1990.
52. Турғун Олмос. Уйғурлар (ئۇيغۇرلار). Урумчи, 1989.
53. Уйғуларнинг қисқача тарихи (ئۇيغۇرلارنىڭ قىسقىچە تارىخى). Урумчи, 2006.


Уйғур тилида (кирил алифбоси асосида)


54. Әхбарат (Информация). Қазақстан. Ижтимоий-сиейсий журнал, № 6 (32) 2008.

Турк ва ингилз тиллирида

55. Turkler (Турклар). 21 kitab. Ankara, 2001.
56. The Turks (Турклар). In 6 books, Ankara, 2002.
57. Xinjiang China's muslim borderland (Шинжянг Хитойдаги мусулмонлар яшайдиган чегара замини). Нью-Йорк – Лондон. 2004.







М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ СЎЗИ.....	3
1-БОБ. ХХР ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАҲЛИЛИ	
1.1. Қорахонийлар хоқонлиги тарихига оид хитой ва уйғур тилларида нашр этилган асосий асарлар.....	10
1.2. Хоқонлик тарихининг Европа ва Россияда ўрганилишига оид мулоҳазалар.....	14
1.3. Қорахонийлар сулоласининг номи масаласига оид қарашлар.....	20
2-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ЕМИРИЛИШИ ХХР ОЛИМЛАРИ ТАЛҚИНИДА	
2.1. Хоқонликнинг ташкил топишига оид қарашлар.....	25
2.2. Қорахонийлар сулоласининг худудий кенгайишига қаратилган ҳаракатлар баёни.....	35
2.3. Қорахонийлар ва Ғазнавийлар муносабатларнинг ёритилиши.....	45
2.4. Хоқонликнинг шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниши ва бу воқеа оқибатларининг акс эттирилиши	51
3- БОБ. ХХР ТАРИХЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВ ТУЗИМИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ТАЪРИФЛАНИШИ	
3.1. Бошқарув тузими	57

3.2. Қуролли кучлари.....	69
4-БОБ. ХХР ОЛИМЛАРИ ҚОРАХОНИЙЛАР	
ХОҚОНЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МАДАНИЙ ХАЁТИ ВА	
ХИТОЙ БИЛАН АМАЛГА ОШИРГАН АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА	
4.1. Иқтисодий-маданий ҳаётининг акс эттирилиши.....	77
4.2. Қорахонийлар хоқонлиги ва Хитой алоқаларининг	
ёритилиши.....	88
ХУЛОСА.....	103
ИЛОВА	
Қорахонийлар давлати хоқонлари.....	107
Шарқий Қорахонийлар хонлиги ҳукмдорлари.....	110
Ғарбий Қорахонийлар хонлиги ҳукмдорлари.....	111
Асосий тарихий воқеалар санаси	113
Қорахонийлар давлати пойтахти Қашқар.....	117
Ғарбий Қорахонийлар давлати пойтахти Самарқанд.....	120
Чжунггуо ва Хитой топонимлари	126
Уйғур этнонимининг этимологияси ҳақида	
қисқача тушунча.....	131
Вэй Лянгтао китобларида келтирилган Қорахонийлар	
хоқонлиги тарихига оид асар ёзган айрим мусулмон	
муаллифлар ва манбалар.....	135
Фойданилган манбалар ва адабиётлар	138

АБЛАТ ХОДЖАЕВ
ДИЛРАБО ТУРДИЕВА

ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ
ТАРИХИ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«FAN ZIYOSI» нашриётига 2021 йил 14 февралда
берилган 308197041-сонли лицензияси
Нашриёт манзили: Тошкент ш. А.Навоий кўчаси, 30 уй.

Бичими 60x84, 1/16 Шартли босма табағи – 9,5
Буюртма № 58. Адади 100 нусхада
«MUNIS DESIGN GROUP» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100000 Тошкент ш., Буз-2 мавзе, 17-А уй.